

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

“СИРЛАР ХАЗИНАСИ”

(“МАХЗАН-УЛ-АСРОР”)

Аслиятдан
Олимжон Буриев
таржимаси

Тошкент
CHASHMA PRINT
2013

84(50зар)1- Озарбаев. ағад.

УЎК: 821.512.133-4

КБК: 84 (5Ў)6

Г-34

Нашр учун маъсъул ва сўзбоши муаллифи
Академик АЗИЗ ҚАЮМОВ

Тақризчи
Ҳомиджон Ҳомидий, профессор

Муҳаррир ва нашрга тайёрловчи
Маъмура Рашидова

ГАНЖАВИЙ, НИЗОМИЙ

Сирлар хазинаси (“Махзан-ул-асрор”) / Н. Ганжавий : Муҳаррир ва нашрга тайёрловчи М. Рашидова ; О. Бўриев таржимаси ; Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи. –Тошкент: Chashma print, 2013. – 2086

“Сирлар хазинаси” (“Махзан-ул-асрор”) машҳур Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий “Хамса”сининг биринчи достони бўлиб, ҳижрий 572 йил 24 Раббеъ ул аввал ойида, яъни 30 сентябрь 1176 йил ёзиб тутатилган. Машҳур достон Саноий Фазнавийнинг “Ҳадиқат-ул-ҳақиқат” асарига жавобан ёзилган бўлиб, 2264 байт, 4528 мисрани ташкил этади. Мазкур достон 1984 йил Душанбе “Ирфон” нашриётида чоп этилган (Низомий Ганжавий “Куллиёт дар панҷ жилд”, жилди панжум) китобдан таржима қилинган.

Müəllif kitabın hazırlanması ideyasını dəstəklədiklərinə görə, habelə kitabın çap edilməsində göstərilən maliyyə dəstəyini nəzərə alaraq, Azərbaycan Respublikasının Ozbəkistandakı Səfirliyinin nazdindəki Heydər Əliyev adına Azərbaycan Mədəniyyət Mərkəzinə öz təşəkkürünü bildirir.

Китоб лутфан Озарбайжон элчихонаси ҳузуридаги Хейдар Алиев номли Озарбайжон Маданият Маркази ҳомийлигига чоп этилди.

ISBN 978-9943-4252-1-7

31807

N1

293

Alisher Naviy

номидаги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, 2013 й.

2014/3

O'zbekiston MK

137

ОЛИМЖОН БЎРИЕВНИНГ НИЗОМИЙ “СИРЛАР ХАЗИНАСИ” (“МАХЗАНИ АСРОР”) ДОСТОНИ ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

“Сирлар хазинаси”- “Махзани асрор” Озарбайжон даҳо шоири Жамолиддин Абу Муҳаммад Ильёс бин Юсуф бин Закий таҳаллуси Низомий Ганжавий “Хамса”сининг биринчи достонидир. Достон муқаддима ва кириш бобларидан ташқари йигирмата мақола ва ҳикоятлардан иборат. Низомийга ҳурмат Алишер Навоий асарларида, айниқса унинг “Хамса”сида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Алишер Навоий Низомий яратган “Хамса”ни беҳад қадрлайди, ҳамсанавислик анъанасини вужудга келтирган Низомийни жаҳон адабиётининг буюк намояндадаридан бири сифатида улуғлайди.

Низомийдек буюк шоир ва мутафаккир асарларининг ўзбек тилига шеърий таржима қилиниши ва китоб ҳолида нашр этилиши катта воқеадир. Жумладан, шоир ва таржимон Олимжон Бўриев амалга ошираётган таржималар бугунги кунда катта аҳамиятга эга. У ҳамсанавис шоирлардан Абдураҳмон Жомийнинг “Саломон ва Абсол”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларини таржима қилиб ўзбек китобхонларига тақдим этди.

Олимжон Бўриев Низомий “Хамса”сини тўлиқ таржима қилиш ишига жиддий киришди. Бугунги кунда у “Махзан ул-асрор”, “Искандарнома”нинг “Шарафнома” ва “Иқболнома” достонлари таржимасини тугатди.

Низомий Ганжавий “Хамса”сининг ўзбек тилида яратилиши бугунги кун китобхонлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Низомий ўз “Хамса”сини яратиб жаҳон адабиётида мисли кўрилмаган бир анъанани вужудга келтирди. Ҳамсанавислик шундай чуқур илдизларга эгадир. Чунки

асрлар давомида бу анъана ривож топди ва жаҳон маданий-адабий меросини ўлмас асарлар билан бойитди. Айниқса, Низомийдан сўнг “Хамса” яратган Ҳусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий каби улуғ шоир ва мутафаккирларнинг яратган достонлари бу фикрни тўла асослаб турибди. Ўзбек адабиётида улуғ шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) достонлар туркумининг тутган ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Аммо ўзбек адабиётшунослигида ҳали Низомий, Ҳусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийга бағишланган улкан илмий тадқиқотлар бундан бўён кўп яратилмоғи керак. Шу муносабат билан “Хамса” достонларининг ўзбек тилига шеърий таржима билан элга тақдим этилмоғи илмий тадқиқотларнинг истиқболини очиб беради. Чунки улар ёш авлоднинг бу соҳадаги амалга оширадиган ишларига асос, пойдевор бўлиб хизмат қиласиздир.

Мен Олимжон Бўриевнинг Низомий “Хамса”си бўйича яратган шеърий таржималарини юксак малакали, талантли, меҳнатсевар шоирнинг катта ютуғи деб ҳисоблайман.

“Махзани асрор” (“Сирлар хазинаси”) асарининг ўзбек тилидаги шеърий таржимасини тезроқ жамоатчиликка тақдим этиш зарур деб биламан.

АЗИЗ ҚАЮМОВ,
Филология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, академик.

7.06. 2013 й. Тошкент.

Номинг бирла Аллоҳи раҳмон-раҳим
Ки бошлайман айлаб умеду ваҳм.

Ҳаким ганжи эшигин очгувчи бор,
Хазинасин элга этувчи нисор.

Фотиҳаи фикрату хатми калом
Номи Худодир, Анга эт тамом,

Пешвужуди бари ояндалар,
Бешбаҳои бари пояндалар.

Собиқасултони жаҳони қидам,
Мурсалапайванди бўйуни қалам.

Пардакушойи фалаки пардадор,
Пардалиғи пардашунос – бастакор.

Аввали ҳар чашмаки эҳсони бор,
Бор не вужуд они яратғони бор.

Лаъли тирози камари офтоб,
Ерга берур жону оқизгувчи об.

Тарбия ўргатгучи ҳимматбаланд,
Кунни чиқаргувчи этиб ризқманд.

Риштai нозик ақила муҳра – дур,
Қора ақл кўзига бергувчи нур.

Доғли этгувчи юзи покларин,
Тожли этар тахтнин хокларин.

Ҳом этур пишгучи тадбирларин,
Маъзур этур айбини тақсирларин.

Шаҳнайи ғавғойи ҳаросандалар,
Чашмайи тадбири таниш бандалар.

Аввалу охири вужуди сифот,
Бор этару йўғ этари коинот.

Икки жаҳон қудратига арзимас,
Аввалимиз, охиримиз бир нафас.

Ким ўзи бу доирада устувор,
Ғайри Худо ўзни деса шаҳриёр?!

Бору йўғ ул неки баланддуру пас,
Борми бу ҳам йўқми, у бордиру бас.

Тарбия ўргатгучилардан азал,
Мушкили бу ишни на айлашиди ҳал,

Ким азалий илми, не дарёки бу,
То абадий мулки, не саҳроқи бу?

Аввали у аввали беибтидо,
Охири у охири беинтиҳо.

Жаннатинг ичра сенга ҳур берар,
Сени кўрар кўзларинга нур берар.

Ҳар не тирикликда этар жанг-жидол,
Назди Худода бари тенг қулмисол.

Ҳар не жуз улдир, бақолиги йўқ,
Ўзи муққадас у фанолиги йўқ.

Миннати остидаги минг оламин,
Тоғ камари бирла қулоҳи замин.

Пардайи нурда эди айвони то,
Най бешакар, гул эди хордан жудо.

Чунки жуди-ла карам обод ўлиб,
Банди вужуд йўқдан озод ўлиб.

Бу икки-уч орзуси бузғу ҳиял
Эрди фалак иши чигалдан чигал.

Ечмаса то бу тугунин ваҳмасоз,
Кун қўлидан зулфи тун ўлмас халос.

Гавҳари иқди фалаки шуълавар,
Тунни қаро сочини сийпаб турар.

Бу икки-уч доира афлоккадур,
Етти тугуни камари хоккадур,

Ою қуёш жуббасин этди қабо,
Бу икки қалпоқсимон оқ-қаро.

Заҳраи абри дили дарёсидан,
Чашмаи Хизри лаби хазросидан.

Тўқди саҳар жомини тунранг гила,
Хўллади тош оғзини қултумила.

Оташу суви-ла баҳам бут ўлиб,
Ёғи гуҳар, гурдаси ёқут ўлиб.

Хуни дили хокни бухрон-шамол
Жойлади лаъли ичиға қонмисол.

Боги сахони чу фалак тоза қиб,
Мурғи суханни фалаковза қиб.

Нахли забонга рутаби нүш бериб,
Дурри суханга садафи гүш бериб.

Парданишин қилди бошин уйқуни,
Жонга либос этти ҳәётый суни.

Ташлади ер кокулини олама,
Холи асий қўйди рухи Одама.

Зар юзидан чангү ғуборин ювар,
Ҳайзи гулин абри баҳори ювар.

Зулматида сочгай анжуми нур,
Бўйи раёҳинни сабоси сурур.

Хуни жаҳони жигари гилга жо
Набзи хирадни этибон дилга жо.

Ғамли дудоқларга стиб кулгуси,
Зуҳраи мутрибаси тун куйчиси.

Нофайи тун мушкфуруши дурур,
Моҳи ҳилол ҳалқабагўши дурур.

Сўзнинг аёғики узоққа борар,
Қасрини тоши Ани бошни ёпар.

Ваҳми ялангпойни чўзилди йўли,
Эшигидан қайтди vale бўш қўли.

Йўл роса юрди на топди замир
Кўз роса кўрди на топди назир.

Ақл кириб келди, талаб айладим,
Тарки адаб эрди, адаб айладим.

Кимки тушар бўйлаки паргори у,
Жумла чу моҳдур талабори у.

Сидрнишинлар у томон пар қоқар,
Аршборарларда шу хил дар қоқар.

Гар сари чархдир, тўла тавқидан,
Ҳар дили хокдир, тўла шавқидан.

Зиндайи номи жабарути аҳад,
Пояи тахти малакути абад!

Хоси наволи нафаси хасталар,
Пайки равони қадами басталар.

Жонаки дил нисбати поклиғ этар,
Эшигига даъвийи хоклиғ этар.

Ернинг ўсимликлари бир донаси,
Бир гули боғи Эрам афсонаси.

Хоки Низомийники таъйидидур,
Мазраайи донайи тавҳидидур.

МУНОЖОТИ АВВАЛ АЛЛОҲНИНГ ҒАЗАБИ ВА ҮНДАН ҚЎРҚИШ

Эй, ҳама борлиғ Сана пайдо бўлиб,
Хоки заиф Сен-ла тавоно бўлиб.

Байробинг остидадурур коинот,
Биз Сенга қоим, Ўзинг якка зот!

Бор Сену сурату пайванд надур,
Сен не каса, кас Сена монанд надур.

Ул не тағайурда бўлувчи Ўзинг,
Ул не туғилди, не ўлувчи Ўзинг.

Биз ҳама фонию бақо бас, Сана,
Мулки таолою муқаддас Сана.

Ер Сенинг амринг-ла турибдур сукун,
Қуббаи қўкни Сен этиб бесутун.

Жуз Сен этиб қўкни чавгон на кас
Жон тузи-ла мурдага бердинг нафас.

Бонги илоҳинг қадимий ҳақ, эрур,
Ғайри Ўзинг ким на "аналҳақ" эрур.

Кетсанг, агар келмагай ороминго,
Тоқати ишқ тортишуви номинго!

То караминг роҳи жаҳонни олур,
Ернинг устида оғир юқ қолур.

Ҳар неки лутфу карамингдан эмас
Нофи замин тушди қоринданда, бас!

Иқди итоат Сенгадир ҳар маром,
Файри Сенга тиз чўкишилик ҳаром.

Кимки Сени демаса, беҳдир сукут,
Ёдинг эмас ҳар не, қилиш беҳ унут!

Соқийи тун тутгучи жоминг Сенинг,
Мурғи саҳар куйчии номинг Сенинг!

Пардани йиртгилу чиқиб ташқари,
Оч юзингни боқибон мен сари.

Ажзи фалакни фалакистонга соч,
Иқди жаҳонини жаҳонидан оч!

Насх қил ул ояти айёмни,
Масх қил ул сурати ажромни.

Ҳарфи тилини қалама ёна бер,
Қарзи заминни адама ёна бер.

Зулматилар уйини бенур қил,
Гавҳари бор бойини бедур қил.

Курсийи шашгўшани ур синдириб,
Минбари нўҳпояни тўнкартириб.

Хуққайи моҳни гили мўҳроға ур,
Тош Зуҳалин шишайи Зуҳроға ур.

Дона сочиб, бошдан олиб ҳушини,
Юл патини туну куни қушини.

Тепайи бу ерни лой айла ҳўл,
Қолипи бир ғишт замин, де на бўл!

Гарди шабин манглайи күкдан түк, ох,
Турма дегил, уйса қабоғини моҳ!

Янги ҳаёт йўлларида гарчи юр,
Пардайи ул роҳи қадимни кетур.

Тарҳини тузгилу бурун эт бурун,
Гардани чарх аз ҳаракоту сукун.

Сув-ла ўчир оташи бедодини,
Тўхтат хок қўзгамайин бодини.

Дафтари афлокшиносларни ёқ,
Дийдайи хуршедпарастларни ёп.

Жирми ҳилолдан бу буржни бўшат,
Мушти хаёлдан бу сирни узат.

То сенга иқори Ҳудолиғ етар,
Ўз адамингга гувоҳлиғ етар.

Ғунча камарбастаки бизмиз ғулом,
Сенла тирик жон гулимиз мудом.

Қонини тўксанг, сенга йўқдир товоҳ,
Йўқ бадали, дорга сен осган замон.

Манзили тунни сен этурсан узун,
Қайта кетургич сено ботганда кун.

Гарчи басе қаҳр этасан розимиз,
Арзи-ла етмас каса овозимиз.

Равшанийи ақл ила жон бердинго,
Шуури дил бирла забон бердинго.

Чархи равиш, қутби субот маҳсулинг,
Боғи вужуд, оби ҳаёт маҳсулинг.

Ғамзайи насринини боди сабо
Очмади, хокинг иладур тўтиё!

Пардайи савсанки масобеҳ* Сенга,
Жумла забон айтгучи тасбеҳ Сенга.

Банда Низомийки бири Сени дер,
Икки жаҳон кўйида ўпгувчи ер.

Кўнглини илминг ила обод қил,
Бўйинни ғам домидан озод қил.

ИККИНЧИ МУНОЖОТ АЛЛОҲНИНГ АВФИ ВА ИНЬОМИНИ СЎРАБ

Эй, Сен азал борсану йўқ эрдимиз,
В-эй, Сен абад қолгучи, ўтгувчи биз.

Давр жанибаткаши фармонинго,
Кифти фалак ғошиягардонинго.

Ҳалқа урар хонахаробингмизо,
Эшигинга ҳалқа қоқармиз бизо.

Доғи сенингдурмизу ит доғи бор,
Биз ила шоҳлар на этишгай ширкор.

Сен қабул этсанг, гули боғингмизо,
Кумрий тавқу ити доғингмизо.

* Машъал, чироқ.

Бетамамиз, барча на созандамиз,
Ғайри Ўзинг йўқ навозандамиз.

Сен учун барча бу уммеду бим,
Ҳам кечу баҳш айла ўзинг, эй, карим.

Чорамиз этгил, ҳукамосизмиго,
Гар қувасан, кимга борайлик бизо?

Бу не забону не забонронлиғо
Айтибу айтмайки пушаймонлиғо.

Қайдай дил, бу пару бол қайдано?
Мен киму таъзими жалол қайдано?

Жон не дил бирла бу баҳра тушар,
Дил не ўжар ушбу булоқдан ичар.

Гунг сифатингда сўқурмиз тубан,
Ман арафаллоҳ ўқурмиз тубан.

Чунки хижилмиз сўзимиз хом этиб,
Сен ўзинг ўргат биза инъом этиб.

Наздинга гар “бесару по” келдимиз,
Сени умидинг-ла Худо келдимиз.

Ёр бўл, эй, мўниси ғамхоралар,
Чора қил, эй чорайи бечоралар.

Сафга тизилдикки кўр оворамиз,
Эй, эгамиз, кўрки не бечорамиз.

Кимни паноҳ этсак, Ўзинг беназир,
Кимга қочайлик, Ўзинг дастгир.

Файри эшигинг сени на қибламиз,
Сийламасанг гар борайик кимга биз?

Ким қўлин олдига чўзар бизсимон,
Зор бўлиб сенга “аз аҳли” имон?

Кеч гуноҳларники, истовчимиз,
Мағфират этгил, дея қистовчимиз!

Эй, шарафи номи Низоминг Сени,
Шоҳлиги оники ғуломинг, Сени.

Нузли таҳийатни тилига тушур,
Маърифатинг жону дилига тушур!

РАСУЛИ АКРАМ ВАСФИДА

Тахтай аввалга алиф ёзилиб,
Эшигин Аҳмадни ниҳон жой қилиб.

Ҳалқаи “ҳо”га “алиф” иқлим бериб,
Тавқиға “долу” камари “мим” бериб.

Топди у шу боисидан “миму” “дол”,
Доираи давлату хатти камол.

Жонишину гунбази фирӯзахишт,
Тоза турунж меваи боғи биҳишт.

Расму турунжdirки ҳаётда самор
Бергай аввал, сўғуни келгай баҳор.

Кунту набиян аламин пеш суриб,
Сўнгра Муҳаммадга ливо топшуриб,

Моҳки, нигиндони забаржад эрур,
Хотамида мухри Мұхаммад эрур.

Гүши жаҳон ҳалқакаши мимидур,
Икки жаҳон ҳалқай таслимидур.

Хожай массоҳу Масеҳи қули
Ул Баширу исми Мубашшир були.

Уммию, гүёки сўз очгай фасеҳ,
Одам алифидану мими Масеҳ.

Мисли алиф рост бааҳду вафо,
Аввалу охири улуғ анбиё.

Нуқтаи равшанроғу паргориқун,
Сўзни доирасида боҳусун.

Сўзидан они адаб овоза бир,
Ва камаридан фалак андоза бир.

Кибри жаҳон гарчи на бошида бор,
На бу жаҳон мулкин этар ихтиёр.

Исматилар марҳамидирлар ниҳон,
Тарбияти покиза айлар чунон.

Кўздан эрур гўри жиноятситон,
Маккасидан марги жибоятситон.

Жимлиги они сухани дилфурӯз,
Дўстлиги они ҳунари айбсўз.

Фитна ёмон қатлдан, у дилпазир,
Фитна бўлиш ҳам ёмона, бўл ҳазир.

Барчага сархайлу сари хайр эди,
Қутби гаронсангу сабуксайр эди.

Шамъи илоҳий ила қалбидаги нур,
Дарси азалини тоабад ўрганур.

Чашмайи хуршидки муҳтожидур,
Ними ҳилоли туни меърожидур.

Тахтнишини туни меърож эди,
Тахтнишони камари тож эди.

Берди фароҳлик нафаси тангина,
Наъл уриб хинги шабоҳангина.

Қайта келишга этибон пойбаст,
Сўзни суворисига берди шикаст.

Тулпори тезлиқда тамоми чопиб,
Тавсифин айтди Низомий топиб.

МЕЪРОЖДА

Тун ярим, ул Малики нимрӯз
Қилди равон машъали гетиfurӯз.

Нўҳ фалаки кўздан иморий этиб,
Зуҳраю моҳ машъаладори этиб.

Қилди раҳойи ҳарами коинот,
Етти хату тўрт ҳаду олти жиҳот.

Кетганидан кундузи деб алвидо,
Келганидан кечада ~~янграбо нидо~~

Дийдайи ағёри гаронхоб эди,
Үйқудан у енгил инонтоб эди.

Боқафаси қилипи ушбу тузоқ,
Дил куши ором топиб бас, узоқ.

Қоқди қанотин қуши, яньни малак,
Хирқасини яньники, ёзди фалак.

Мурғи илоҳийси қафаспар бўлиб,
Қолиби қалбдан сабуктар бўлиб.

Гом уза гом у не таҳаррук этиб,
Мил уза милини табаррук этиб.

Икки жаҳон кўзни анга тиқдилар,
Бошларини сажда учун эгдилар.

Пойики ул поясидан, боши тик,
Марҳалаға марҳала юздан бийик.

Рахши баландохури пастга чопиб,
Ғошияси кўплани устин ёпиб.

Баҳри замин кон ўлиб ул гавҳари,
Ютди само мулкини тожи сари.

Гавҳари тунини қаро анбарин,
Гови фалак ғолиби гови замин.

Ул юлиб пешкаш этиб ул сафар,
Тожи Саратондиру Жавзо камар.

Сунбулидан хўшаси баҳра олиб,
Сунбуласини Асадига солиб.

То тунида они неча қадри бор,
Зухраси илкида тарозу биёр.

Тошин ани этди тарозу сужуд,
Тортмоғига йўқ ани вазни вужуд.

Шаҳд тўкиб эшиги сисанбари,
Думи бу каждумини нилуфари.

Чун ёйидан урди ўқини шакар,
Кочди Жад буржи хонидан заҳар.

Юсуфи челакда чиқар офтоб,
Юнуси ҳут қорнидадир зери об.

Тахти ҳамал токи сурайёдадур,
Лашкари гул хаймаси саҳродадур.

Равзайи боғи гулидан бовиқор,
Берди замин рубъига ранги баҳор.

Ушри адаб ўқиди етти само,
Узри қадам хостасидир анбиё.

Ситри кавокибини йиртиб юрар,
Сифти малоикка байроқ урар.

Нофи шаб оғуштайи мушки лаби,
Оти туёғи изидир ой каби.

Тунни қоронғусида билиттифоқ,
Барқ бўлиб елгучи пойи Буроқ.

Кабкваш ул бози кабутарнамой,
Каккусимон бўлдию фарри ҳумой.

Сидра бўлиб садраи пероҳани,
Арш яқоси ила тенг домани.

Кечаси кун бўлди наҳори шигарф,
Бўлди гули сарву баҳори шигарф.

Ул гулу ул наргисидан боғи бор,
Наргисидан сурмайи мозоги бор.

Чун гули бу пояйи фирмӯзафарш,
Қўлма-қўл келди-ку то соқи арш.

Ҳамсафар ўлғонлари ожиз ўлиб,
Синди қаноту пати ноҷиз ўлиб.

Уки таажҷубда мусофири мисол,
Ҳалқа уриб қасри эшигига лол.

Парданишинларки эшигига бор,
Ҳавдажина эттила яккасувор.

Кетди ўшал йўл ила ҳамроҳи йўқ,
Бу қадаму у қадам огоҳи йўқ.

Ғайри у ким бу сир эшикда қолур,
У ҳам ўшал сирли тешикда қолур.

Борлиғ узра қадами тож эди,
Арш бу моидага муҳтож эди.

Барчасига урди ҳариф чун қалам,
Чиқариб Арш енги учидан алам.

То тани борлиғ дами жонни санар,
Хожайи жон йўлига тан талпинар.

Аршни қасри чу поёнга етар,
Кори дилу жон дилу жонга етар.

Гавҳари асли уйига тан чопар
Дида чунондир, на хаёлин топар.

Дидаки нури азали бўлгуси,
Бош на хаёлоти ила тўлгуси.

Роҳи қидам пеши қадам йўл солиб,
Пардайи хилқатни ародан олиб.

Этдию йўл кетди бағоят фузун,
Боши яқойи табидан бас, бурун.

Ҳиммати кўп ғояту равшандили,
Манзилига келди чу bemanzili.

Ғайрати бу парда аро устувор,
Ҳайрати бу гўшасидан ихтиёр.

Парда аро топди чу илги висол,
Айлади таъзими саройи жалол.

Пойи бўлиб бош ила келди равон,
Тикди кўзини батамошойи жон.

Кетди, vale заҳмати пойи на бор,
Турди, vale рухсати жойи на бор.

Сўз ўзидан келди эшикка тамом,
Токи сўзи топди қабули салом.

Ояти нуреки, заволи на бор,
Кўрди кўзилаки, хаёли на бор.

Беаразу күргани жавҳардуур,
Аразида бир ёна гавҳар дуур.

Мутлақи бу жойдану мақбулидир,
Кўрди Ҳудонию Ҳудо қулидир.

Кўрганини кўзидан этмас ниҳон,
Кўрки у кас, кўрмайин этгай баён.

Кўрди паямбар на бўлак кўз ила,
Балки бу бош дийдасининг ўзила.

Кўргани ул парда, маконики йўқ,
Боргани ул йўлни, замоники йўқ.

Кимки у пардада назаргоҳ топар,
Бежиҳатидан жиҳати роҳ топар.

Бор, валекин на муқаррар бажой,
Кимки бу янглиғ эмас, ҳоливой.

Куфр бўлур нафъи субот этмагил,
Жаҳл бўлур вақфи жиҳот этмагил!

Ичди шаробеки ул омухта ҳақ,
Журъаси томган лойимизгаки нақ!

Лутфи азалга нафаси ҳамнишин,
Раҳмати ҳақ нозкаш, у нозанин.

Лабга шакарханда-ла берди шуоъ,
Умматини ўзини этди дуо.

Ҳиммати ганждан тавонгар бўлиб,
Жумлаи мақсад мұяссар бўлиб.

Белбақувват қайтди у боргоҳидан,
Юзини күрсатди бу коргоҳидан.

Ул сафари ишқи ниёздан келиб,
Эзгулигу арзу намоздан келиб.

Эй, ҳадисинг мүҳри тилимиздадурур,
Бўйи хушинг жону дилимиздурур.

Даври сахоники тамомига бер,
Хатми суханники Низомийга бер!

БИРИНЧИ САЛАВОТ

Шамсаи нўҳ маснади ҳафт ахтарий,
Хатми расул хотами пайғамбарий.

Аҳмади мурсалки, хирад хокидур,
Икки жаҳон бастаи фитрокидур.

Тозаю пок сунбули саҳройи ноз,
Хоса асил гавҳари дарёйи роз.

Сунбулидир Сунбулаи Қунбоқар,
Гавҳари лаъли-ла қуёшни ёқар.

Хандайи хуш ургучи на шаккари,
Элтмаса то сув садафин гавҳари.

Гавҳари тош қалбига бил не инар,
Тошдан ул гавҳари маъни синар.

Этди жудо санги маломатгаре,
Йўлдан ўтар гавҳаридан гавҳаре.

Тор қутидин чиқиб ташга дур,
То не ажойибки гавҳар бўлур.

Оре, ўшал жойки дили санг эди,
Хушкийи савдосига оҳанг эди.

Тош қачонки этадир шодмон,
Бўлса агар дуршикану лаълсимон.

Хун баҳо бўлса магар тошига,
Луқма эрур тор оғиз ошига.

Ҳар гуҳари тош оғиздан раҳо,
Жумла тишидан лаби бирла баҳо.

Гавҳари тошники замин конидир,
Хун пулиси гавҳари дандонидир.

Фатҳки жон узгучи тиши товон,
Илдизидан тишни узувчисимон.

Тошдан оғзини ювиб оби хун,
Этди сахола номини боҳусун.

Тишни тагидан олиб тиш учин,
Берди шукрони ила бор кучин.

Орзусини тарк этиб тишлари,
Зиммасида икки жаҳон ишлари.

Тортса ғазавотга саф лашкари,
Байроғ эди илки, тили ханжари.

Ханжарини этди у дандоннисор,
Хун на бўлур ханжари дандонадор.

Бу бари не? То карамин кўрсалар,
Хорни қўйиб, есала гулдан самар.

Гулга тўла боғ, сухани хор надур?
Мунчоғи дур тўла, думи мор надур?

Думи товус бирла ками зонги ол,
Булбули овозила бор, боғни ол!

Табъи Низомий, у била гул дурур,
Они гули савтига булбулдуур.

ИККИНЧИ САЛАВОТ

Эйки танинг покки, жондан-да пок,
Жон фидо руҳинга ўлгувчи хок!

Нуқтагаҳаи хонайи раҳмат ўзинг,
Йўқ этувчи неки заҳмат ўзинг.

Йўл юрувчи арабийлар маҳи,
Тож кийувчи ажамийлар шаҳи.

Йўл сенга топишди на йўл бергино,
Қишлоғ улуғи не қадинг кергино.

Сени каримларки тамошо қилур,
Танҳо қутулдинг, наки танҳо қилур.

Қайси зиёфатдаки хурмо единг,
На уйига элтгучи залла эдинг!

Оч дудоғ ки ҳама шаккар есин,
Лутфи шакардан рутаби тар есин.

Эй, қора сочинг ўзи рўзи нажот,
Оташи савдонг ўзи оби ҳаёт.

Бўлди ақл шефтаи рўйинг сени,
Силсилии мафтуни мўйинг сени.

Тавқи караминг ила чарх бандae,
Хуршеди рухинг ила субҳ хандаe.

Олами тар домани хушкинг топиб,
Нофи замин нофай мушкинг топиб.

Хоки асоринг сени мушкин губор
Этди у бум пайкарини мушквор.

Боди Сулаймони не, гардинг хуше
Равзайи ризвони не, атринг хуше.

Каъбаки сажжодаи такбиинг-o,
Ташнайи жуллоби табошиинг-o.

Тож ила тахtingда сени бор жаҳон,
Бўлди замин тахtingу тож осмон.

Сояи сен йўғу нури моҳисан,
Бор сен ўзи сояий нураллоҳисан.

Тўрт алам рукни мусулмонлигинг,
Беш дуо навбати сultonлигинг.

Сен-ла залиллар хоки гулшан бўлиб,
Сен-ла ғариблар кўзи равшан бўлиб.

То қадамингга туни гесўфишон,
Гардун уза бўлдику доманкашон.

Пурзару дур сендан ўлиб домани,
Ғиштчайи зар сўзани пероҳани!

Тонг садафи устида илги сафо
Ғолияйи бўйинг узатгай сабо.

Шубҳасиз ул жойда сабо от сурар,
Лашқари анбар алам – мушк урар.

Бўйи хуш ул анбари ларzon бериб,
Икки жаҳон эвази, арzon бериб.

Сидраки оройиши тахtingга зар,
Арш сени айвонига курси қўяр.

Равзани жонинг чу эрур субҳтоб,
Зарра эрур аршу нуринг офтоб.

Гар на саҳар кўзгу камина тушар,
Сени нуринг хоки замина тушар.

Икки жаҳон, зери заминсан нечун?
Ганж на сен, хокнишинсан нечун?

Хок ичига сен кириб, эй, ганжи пок,
Ганжни жойи бўлгуси охири хок.

Ганжингу фақринг ила вайрона, бас,
Шамъингу, зиллинг ила парвона бас.

Чархи муқаввас ҳадафи роҳинго,
Чанбари далви расани чоҳинго.

Икки бу ён юргучи оқу қаро
Йўлинга бергич хабару тири роҳ.

Ақл шифожүю табиби ўзинг,
Моҳ сарафрозу гарibi ўзинг.

Турғилу кутганла тунин айла кун,
Шод Низомий дилин эт бе ҳузун.

УЧИНЧИ САЛАВОТ

Эй, маданий бурқаю маккинниқоб,
Соянишин неча бўлур офтоб?

Гар моҳ эсанг, бер меҳрдан мўе,
Вар гул эсанг, бер боғингдан бўе.

Мунтазирийлар лабига етди жон,
Додима ет, сендан эрур дод-фифон!

Турма арабда ажама отни сур,
Оқу қаро отинга сен қамчи ур.

Мулкни кирит қўлга жаҳон тоза қил,
Икки жаҳон ичраки овоза қил!

Сикка сен ур, то умаро кам урар,
Хутба сен айт, то хутабо дам урар.

Сени хокинг бўйи вилоят олар,
Боди нифоқ бўйига ғорат солар.

Тортки бу маснади осудасин,
Сув-ла ювиб минбари олудасин.

Хона гўландни аларга тузат,
Йўқлиғ амборига айла узат.

Ажрини кам қил, есин-ла зиёд,
Хос қил иқтоғини ғоратниҳод.

Биз ҳама жисму кел, ўзинг жон бўл,
Биз ҳам мўрмиз, Сулаймон бўл.

Бир ёнидан рахнайи дин айлашар,
Ўзга томондин камин айлашар.

Шаҳна ўзинг, қофила танҳо нечун?
Қалб бор ўзингда, аламҳо нечун?

Ё Алини чун шери майдон юбор,
Ё Умарини раҳи шайтон юбор.

Тун ямоний маҳини эт ниҳон,
Тонга ямоний моҳидан бер нишон.

Икки-учов бирла камарбанди бўл,
Камурару камзадайи чанди бўл.

Беш юз эллик бас, айёми хоб,
Кун баланд мажлиса айла шитоб!

Тургилу амра айла Сирофилини,
Пуфласа то бир неча қандилини!

Хилватийи пардайи асрори бўл,
Биз ҳама ухлармизу бедори бўл!

Офати бу чархники офатпазир,
Қўл чиқару барчани қўлла ахир!

Ҳар не ризойинг сени жуз рост эмас,
Сенла киши ўзни баробар демас.

Бир назари роҳи иноят қило,
Жумла муҳиммотла кифоят қило.

Доира кўрсат бабармоғи қўл,
То сенга баҳшида ўлур ҳар на мўл.

Сенла тасарруф ким этар вақти кор,
Авфи гуноҳ этки у мушти губор.

Бир сени пардангники олмишларо,
Хирқа икки олама солмишларо.

Мағзи Низомийки, хабаржўй сенга,
Зиндадилу голияйи бўй сенга.

Анфасидан бўе вафоға юбор,
Мулки Сулаймонни гадоға юбор!

ТЎРТИНЧИ САЛАВОТ

Эй гуҳари тожи фиристодалар,
Тож берари гавҳари озодалар.

Ҳар неки бегонаю хайлинг сени,
Жумла бу уй ичра туфайлинг сени.

Аввали байт гарчи номингла гўзал,
Қофиядек охири ҳукминг тугал.

Бу деҳи вайронга ишорат етиб,
Одаму сен бирла иморат етиб.

Улчи ул уй ичра навойин эрур,
Ғишти охир суви нахустин эрур.

Одаму Нуҳсан, на икковдан-да беҳ,
Иккисидан мурсилайи бир гиреҳ.

Одам ўшал дондан ўлиб ҳайзадор,
Тавба бўлиб гулшакари хушгувор.

Тавбайи дил боғида бўйинг сени,
Гулшакари даргаҳи кўйинг сени.

Сендан этиб тавбайи дил гулшакар,
Тавбайи гулшакари берди самар.

Гўйи қабулинин азалдан ясаб,
Солди майдони кўнгулга ажаб.

Одами навзахма ўйинга кириб,
Ютса гўйини токи чавгон суриб.

Тулпори бошоқ изидан бориб,
Тўп қолиб чеккага етди ҳориб.

Нуҳки лабташна басувдон этиб,
Чашма ғалат этди батўфон этиб.

Маҳди Бироҳими не ройга тушиб,
Юрди ярим йўл неча жойга тушиб.

Чун дили Довуд нафастанг эди,
Дархўри бу зеру бам оҳанг эди.

Этди Сулаймон адабла нигоҳ,
Мамлакатолуда на излаб қулоҳ.

Юсуф ўшал чоҳдан аён не кўриб,
Жуз челагу ип нишон не кўриб.

Хизри қуруқ сафар этиб ихтиёр,
Этагини айлади ҳўл чашмасор.

Мусо бу жомдан қуруқ қўл иниб,
Арни тоши бирла саполи синиб.

Азми Масеҳи на бу дона эди,
Ичдан у бир туҳмати хона эди.

Ҳам фалаки тарҳини солдингку сен,
Сояда бу ипни қилолдингку сен.

Муҳри бу нома сени унвонига,
Хатми бу хутба сени давронига.

Турғилу чархдан мадореки қил,
Қилмаса у ишни кореки қил!

Хатти фалак хиттаи майдонинго,
Гўйи замин дар хами чавгонинго.

Турмади то гарди адамдан фано,
Чолу юргургилки бу майдон сано.

Ким фано шарбати жоминг олар,
Ё адами сифлаки номинг олар.

Йўқни адам пойига овора қил,
Илги фано бирла фано пора қил!

Эй, нафасинг нутқизабонбасталар,
Марҳами савдойи жигархасталар.

Шаръ ила ақлингдуру дарёйи хун,
Киштийи жон соҳил аро элтди чун.

Қиблайи нўҳ чархики кўйингдадур,
Наргиси беш кунлиги мўйингдадур.

Мулк чу мўйинг бари дарҳам бўлур,
Бошдан агар тола сочинг кам бўлур.

Беқалами пўсти бурунхон ўзинг,
Бесухани мағзидан ичдон ўзинг.

Ҳарфга то бармогинг урмай оёқ,
Бўлмаса бармоқ каби ҳарфингки боқ.

Ҳарфи бари эл бўлиб ангуштирас,
Сени сўзинг заҳмати бармоқ эмас.

Писташакардир губори даринг,
Пистаю унноб бўлиб шаккаринг.

Бир сиқим унингдаки сахрои ишқ,
Озиғи қирқ кунни тамошои ишқ.

Тозатарин субҳи нажотимсано,
Хокинг ўлай, обиҳаётимсано!

Хокинг ўзи, равзай жоним менинг,
Равзаларинг, жону жаҳоним менинг.

Кўзига хокингни Низоминг сурар,
Бўйин эгиб, мисли ғуломинг турар.

Равзани боши уза чун жони пок,
Турсаму боддек, ўтирсам чу хок.

Бошни то ул анбари тар айлашар,
Хоки мани анбари сар айлашар.

МАЛИК ФАХРУДДИН БАҲРОМШОҲ ИБН ДОВУД МАДҲИДА

Меники бу доирайи даҳрбанд
Нуқтаси чун нуқта этиб шаҳрбанд.

Қўл етар пойқушойим на бор,
Соя, вале фарри ҳумойим на бор.

Пой ботиб кетдию бу хокина,
Қўл фалаким бирлаю фитрокина.

Бошни зери қадами этарам,
Тизза боши бирла юриб кетарам.

Юрди басе равшаний рўйиме,
Ойинайи дил, сари зонуйиме.

Манки бу оинада қолгаймано,
Ойинайи дидани соглаймано.

Токи қай ул кўзгусидан тоб етар,
Токи қай ул оташидан об етар?

Чун назари ақлни ройи дуруст,
Гирди жаҳон илк чиқарди чу чуст.

Дийдаки ул моясида ҳиммати,
Пояберувчийу валинеъмати.

Шоҳи қавийтолеъйу фирӯза чанг,
Гулбуни бу равзай фирӯза ранг.

Хизри сикандар кабию чашмарой,
Қутби расадбанди Мажастикушой.

Улки вужуд мақсудининг аввали,
Ояти мақсуди анинг мунзали.

Шоҳи фалак тожи Сулаймоннигин,
Фаҳри жаҳондир малик Фаҳриддин.

Нисбати Довудлиғини этди чуст,
Шарафига номи Сулаймон дуруст.

Рояти Исҳоқ у била олидур,
Зидди агардур, Симоилидур.

Бир дилаю олти жиҳат, етти гоҳ,
Нуқтайи нўҳ доира Баҳроми шоҳ.

Оники Баҳромлигидан вақти зўр,
Гўр бўлур баҳрайи Баҳроми Гўр.

Сарвари шоҳларда тавоно жуда,
Машҳури давронию доно жуда.

Хос этур мулки жаҳонни умум,
Ҳам малику Арману ҳам шоҳи Рум.

Салтанатавранги хилофатсарир,
Румни оловчиидиру Абхоз асир.

Олиму одилрагу аҳли вужуд,
Муҳсину мукримрагу абнои жуд.

Дин фалаку давлатидур ахтари,
Мулк садаф, хоки дари гавҳари.

Чашмаю дарёсида моҳио дур,
Чашмаси осудаю дарёси пур.

Кафтида бу чашмайи симобрез,
Мисли симоб ҳар тарафи обрез.

Ханда урар камаридан лаъли ноб,
Зар камари лаълкаши офтоб.

Офати бу панжараи ложувард,
Панжа уриб, қўлга киритди у мард.

Кўси фалакни жараси тиндиур,
Шишаи моҳни нафаси синдиур.

Эзгу бошидан хушу хуррамлиғи,
Нексанжому бор одамлиғи.

Жами саховатга кафи соқидур,
Боқий ўлур, токи жаҳон боқидур.

ХИТОБИ ЗАМИНБЎСДА ДЕЙИЛУР

Эй шарафи гавҳари одам сенга,
Равшанийи дийдайи олам сенга.

Чархки бир пушта зафарсозинге,
Нўҳ қорин ҳомила бир нозинге.

Гўши ду моҳи забару зерингу,
Бўлди садаф гавҳару шамшерингу.

Ойки тун тигини ургандуур,
Тигинг учига сипари нуртуур.

Чашмайи тигинг чу оби Фурот,
Тўқдику қурробайи оби ҳаёт.

Кимки тўфонинг ила уйқу босар,
Нуҳ масал бўлиб они су босар.

Жомингу Кайхусраву Жамshedҳуш,
Рўйингу парвонайи хуршедикуш.

Шердил ўлки, далерларни йиқ,
Шер, хато дедимо, шерларни йиқ.

Чархни шерлари бу хил бешае,
Сендан этар кўпрак андешае.

Ул дилу ул заҳра кимиға масоф,
Сен-ла урар заҳраю дил бирла лоф.

Ҳар неки зери фалаки азрақи,
Илки муродингдадур ул мутлақи.

Сенга итоатдадуро қанча кас,
Ҳамнишининг сени малоикла бас.

Давр сенга хотами даврон ёзиб,
Бод хокинг узра Сулаймон ёзиб.

Сенга Ҳудо ёшлигу берди сулук,
Мулк сенга берди, сен билу мулк.

Хокки иқболинг ила зар бўлур,
Захр сени эсласа шакар бўлур.

Майки Фаредун сен ила ичмагай,
Захҳок ипин кифтида тутгувчидай.

Май ичасан, мутриби соқингки бор,
Ғам емагил, давлати боқингки бор.

Мулкка ҳимоятчи салотинпаноҳ,
Соҳиби шамширсану соҳибкулоҳ.

Гарчи қиличингла салобат солиб,
Тож олиб келдингу тахтлар олиб.

Чун хулафо ганжфишонлиғ это
Тож беру тахтситонлиғ это.

Сени тигинг остида ҳар тахту тож,
Шоҳларидан олмагусен чун хирож?

Тахтбор ул бошлаки пойингдадур,
Бахтвор ул дилки жойингдадур.

Чуғз сени даврингда ҳумойлик қилур,
Сенга не бош етсаки, пойлик қилур.

Мункири маъруфу ҳидоят топар,
Сенга шикоятла иноят топар.

Рахши сумингдан замин ичра бех,
Наъл каби хасминг ўлиб чормех.

Етти фалак дурринг ила ҳуққае,
Ҳашт беҳишт байрогинга шуққае.

Ким сени ҳукмингда эмас сўхтаваш,
Тожи бўлар боши уза нўхтаваш.

Бор фан уза, соҳиби бир фан ўзинг,
Икки жаҳон жонию бир тан ўзинг.

Гўши суханни адабомўз қило,
Шамъи суханни нафасафрўз қило.

Хилъати гардунни ғуломингга ёп,
Бўйи қабулига Низомий, де, чоп!

Гарчи сухан семизу жонпарваро,
Етса дасархонига чун лоғаро.

Бегуҳару лаъл бу денгизу кон,
Бер гуҳарин қўлдану лаъл “аз даҳон”.

Улки ҳасуддир, анга бедариғ
Лаълинини ўқ айлаю гавҳарни тиғ.

Чун фалакинг толеъти масъуд ўлиб,
Оқибати ишда маҳмуд бўлиб.

Қурмаку куйдирмак зурӯр роҳларинг,
Менга на хуш, куйдила бадҳоҳларинг.

Фатҳ сенга бош кўтарувчи алам,
Ҳасм сенга бош эгувчи қалам.

БУ НОМА МАҚОМ ВА МАРТАБАСИДА

Менки сарояндайи бу навгулам,
Нагмасаро боғинг аро булбулам.

Ишқи йўлингда нафасе олгуман,
Кўча бошингда жарвасе солгуман.

Орияти касни на кўзловчиман
Ул не дилим деса, де, сўзловчиман.

Шуъбадаи тоза макр сўкаман,
Янги қолип ҳайкалини тўкаман.

Субҳидаме неча адаб уқдимо,
Пардайи сеҳри саҳарин тикдимо.

Мояйи дарвешлиғу шоҳлиғ удир,
Махзани асрори илоҳлиғ удир.

Шакарига они ўтирумай магас,
Не магасидур шакаролуди кас.

Тўққизи бу баҳрда қалқон ташар,
Хизр булогида сабў синдирап.

Бор ҳама шоҳларга дебон бу жамол
Қуръя ташасам, сеники чиқди фол.

Қўша номинг келди ду номус гоҳ,
Иккиси мусажжалу Баҳромишоҳ.

Кони қуҳандан эди ул зари,
Янги денгиз маҳсули бу гавҳари.

Ғазнадан ул қўлга киритди алам,
Бу уриб сиккайи румга рақам.

Гарчи ўшал сиккада сўз чун заре,
Сиккаи заррим мени лек беҳтаре.

Гар ками удир бунаю борларим,
Беҳроғи удир харидорларим.

Шева ғарибдир, на бўл номужиб,
Сийланишида эмаса гар ғариб.

Бундан ўта сўз бирор нақши боғ
Офиятафрўз бўлиб чун чароғ.

Уки бу дөх ичра дөх ободраке,
Тозаю чархдин күхэнзодраке.

Ранги на бордиру нишонида, бор,
Рост на келгайки забонида, бор.

Хонинг уза икки бу ош сўзидур,
Қўл на урилган, анга қўлни ур.

Гар тузи бордир, егил, нўш ўлур,
Ҳар не ёдингдан фаромуш ўлур.

Боғалак ул тун ўтуурсан баҳон,
Ташла мени олдима бир устухон.

Охирики, лоф итингдек ҳурай,
Дабдабайи бандалигингда турай.

Ҳар маликидан ки вафо кўргамен,
Ўзни сенга қул этибон юргамен.

Хизматим охири вафога етар
Ҳам сари бу ришта у жога етар.

Гарчи шу хил даргаҳи подшоҳлари,
Юз қўйишар дарвешу дилҳоҳлари.

Назди Низомийда ҳисобда турур
Ўзгадир у, ўзгалари кимдуур?

Менки бу манзилларида қолгамен,
Илгарироқ йўл ҳадисин олгамен.

Тигни алмоси тиг айлабки, бас,
Бошига урдим келур кимки пас.

Тиғи Низомийки сарандоз ўлиб,
Кунд надур, гарчи күхансоз ўлиб.

Гар ўзи бу паяйи юксак дуур,
Пойима юксаклиги юксак турур.

Авжи баландтур учарман фароз,
Химматидан егали неъмат-ла ноз!

Токи магар равшанийи ройинга,
Бош қўяй ул жойки сени пойинга.

Гардинг олиб сеники гардун етай,
Сен мени етказмасанго чун етай.

Эрдики жаҳдим бу бир-икки моҳ,
Тоза этай аҳди заминбўси шоҳ.

Гарчи бу ҳалқани ясоғлабдулар,
Ташга чиқиш йўлини боғлабдулар.

Қошингга мен баҳри фузундан борай,
Пўст ташаб роҳи узундан борай.

Ёна чу кўрдим, ҳама йўл шер эди,
Пешу пасим ханжару шамшер эди.

Лек бу ер узраки шамшерибанд,
Сенга этай хутба бабонги баланд.

Сўз сувини эшигинга сочдимо,
Кум каби қолдим мену не қочдимо.

Заррасифат наздинга, эй, офтоб,
Бўлгусидир тонгги дуом мустажоб!

Бўлди дилим баҳри гуҳаррезинго,
Гавҳари жоним камаровезинго.

То туну кун бор, тунинг кундузо,
Дурри шоҳингдан таралсин зиё.

Бахти юлдузли ўлиб шоҳлигинг,
Беҳраги ул мулкда огоҳлигинг.

СЎЗ ФАЗИЛАТИ БАЁНИ

Жунбуши аввалки қалам олмишо,
Илк ҳарф сўзига ўт солмишо.

Пардайи хилватни тузиб эрдилар,
Аввалида сўзга жило бердилар.

То сухан овозайи дил берди на,
Жон, тани озода багил берди на.

Келишини чун қалам оғоз этиб,
Чашми суханни сўз ила боз этиб.

Сўзсиз овозайи олам надур,
Бу ҳама дейишди сухан кам надур.

Ишқ луғотинда, сухан жонимиз,
Биз сухану жуссамиз айвонимиз.

Хатти ҳар андешаки пайвастадур,
Сўз қуши қанотларина бастадур.

Йўқ бу кўҳнасида янги гуҳар
Мўйшикофи сўзидан тезучар.

Аввали андеша сүгини ҳисоб,
Сүз зур, бил буни этсанг хитоб.

Тожлилар тожсимон деб атар,
Үзгалари нури имон деб атар.

Гоҳи наво бирлан алам урсалар,
Гоҳи нигорега қалам сурсалар.

У алами бирла бўлувчи ғолиб,
У қалами бирлаки иқлим олиб.

Гарчи сўз ўзи наки очгай жамол,
Қуллари наздида қуруқ бир хаёл.

Бизки назар сўзга солдик йирик,
У била ўлгаймизу ундан тирик.

Ўчирадур ўтини совуғнафас,
Баҳра олур солику олийҳавас.

Деҳида у деҳидан ободроқ,
Тозайи бу чархи куҳанзодроқ.

Рангу нишони йўғу ўзи бор,
Рост надур тилга чиқар сўзи бор.

То сухан ул жойда кўтарса алам
Ҳарф зиёддиру тили ҳам қалам.

Гар не сухан риштайи жон ўрдинго,
Қайдада бу жон риштасини кўрдинго?

Мулки табиат сўз ила едилар,
Муҳри шариат сўз ила дедилар.

Ул сўзимиз бизни ўзи зар эди,
Иккиси саррофга гавҳар эди.

Ким сухани тозаю зарри қуҳан,
Айтчи, не беҳ, деди: “Сухан беҳ, сухан!”

Пайки сухан йўлбошию раҳбари,
Сўз каби на кимса сурар илгари.

Сими сухан урки дирам хокидур,
Зар не ити? Оҳуи фитрокидур.

Тахтнишин йўқ суханданки кас,
Давлати бу мулки эрур сўзда бас.

Ҳар не кўнгул бехабари сўз турур,
Шарҳи сухан кўпраги сўздан дурур.

То сўз эрур, сўз ила овозадур,
Номи Низомий сўз ила тозадур!

МАНСУРДАН МАНЗУМ СЎЗНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Чунки сеҳрли сухани сарсарий,
Гавҳариларга баридур гавҳарий.

Нуктани асрагилу кўр, чун бўлур,
Нукта, ки санжидаю мавзун бўлур.

Қофиябозларки сўзин чўзадур,
Икки жаҳон ганжини кўргузадур.

Хоса калидеки дари ганждадур,
Зери забон марди сухансанждадур.

Улки тарозуйи каломни тузур,
Сўзла баҳт топилишин кўргузур.

Булбули аршдир шоирларки бор,
Ўзгаларга ўхшамагай бекарор.

Оташи фикратла парешонларе,
Жумла малоик ила эшонларе.

Пардаи розики суханпарвари,
Сояйи ул сояйи пайғамбари.

Аввалу сўнг боғлади саф кибриё,
Сўнг шуаро келди бурун анбиё.

Икки бу кўз маҳрами бир дўстлар,
Икки бу мағздек, бари ул пўстлар.

Ҳар рутаби борки бу хондан эрур,
У не сухан порайи жондан эрур.

Жонини йўнгувчиси минқори гил,
Фикратини чайнади дандони дил.

Чашмаи ҳикматки сухандонидир,
Сув бўлур иккиси бир нонидир.

Улки бу пардада навоеки бор,
Хушраки бу ҳужра сароеки бор.

Тиззига бошини вилоятгирин
Не қўяр, остонасин истаб бирин.

Тиззаси бирла қадами гил қилур,
Икки жаҳон илк ҳамоил қилур.

Фарқига келгувчи саломи қадам,
Ҳалқасифат бошу оёғи баҳам.

Бас, хами ул ҳалқада чуст айлагай,
Жон шикану боз дуруст айлагай.

Гоҳида ул ҳалқаси тизда қарор
Ҳалқа осар гүши фалакға ҳазор.

Гоҳ бу хил ҳуққайи ферўзаранг,
Муҳра бири ўнига солгувчи чанг.

Сўз ила чун бўлса исиг маркаби,
Жон лабига етгуси, ўпса лаби.

Кондан олар лаъли учун пешадур,
Етти само байзасини тешадур.

Нисбати фарзандию абёти бир,
Ота учун икки бу авлоди бир.

Хизматин этгай фалаки чанбари,
Етмагуси офати хизматгари.

Ҳам нафаси роҳати жонлар бўлур,
Ҳам сухани муҳри забонлар бўлур.

Кимсаки наққоши бу пайкардуур,
Сўзига ургилки, суханвардуур.

Муштарийи сеҳри сухан қилгумо,
Зуҳрайи ҳорутишикан билгумо.

Бу хона оҳанги суворни олиб,
Хорларидан пояи хорни олиб.

Мени бу сўз қилди иложсиз баси,
Сўз сувини олгуси сўз устаси.

Мевайи дил деяки жон берсанго,
Қайда у сув, ўрнига нон берсанго!

Эй, фалаки дастидан ўлган халос,
Бу тугунин айла камарбанди хос.

Қўлдан ўтиб иш, баангушти пой,
Еч тугунин ушбу сўз ҳолигавой.

Сиймташувчиники зар ўлдирап,
Сийму зари гўрига ўт тўлдирап.

Кимки зара сиккаи чун рўз берур,
Тошга уриб дурри шабафрўз берур.

Ушбу қавм шубҳа на доно дурур,
Пастроғ эрур, ҳолбуки юксак турур!

Улки боши заркаши султон дегай,
Охири сўнг луқмайи темир егай.

Улки чу симоб ғами зар емас,
Нуқра бўлур оҳани ханжар емас.

Сўзинг асал бўлдики, арzon на эт,
Шаҳд сўзингни магасафшон на эт!

Бермасалар олма агарчи вафо,
То эшишишмас, демагил гар дуо!

Айламаса шаръ сени то номдор,
Номзади шеър на бўлгилки хор!

Шеър сенга сидранишоний берар,
Салтанати мулки маоний берар.

Шаръ ила шеърингки ўшал жодадур
Сояси қасрингники Жавзодадур.

Шеър амир деб берар сенга ном
“К-аш шуароси умаро-ул-калом”.

Чун фалак оёққа тургилки тик,
То сухане чун фалак ол боилик.

Шамъ сифат бош згиб бериё,
Кундуз ўчиб, тунлари сочгил зиё!

Чопса хаёл оти қизиб гарм ўлур,
Тундрави чархи фалак нарм ўлур.

Беҳ сухани кечписанд келгани,
Сўзни то илки баланд келгани.

Ҳар не бу пардада кўурсан, бироқ,
Ёқмаса гар, беришади яхшироқ.

Дур қидириб, тирнама кўнгулни хор,
Беҳроғини излаки кўксингда бор.

Кимки бу йўл бошида байроқ урар,
Гўйи қуёш ойдан ўзиб улгурар.

Гар нафаси тез тариқат қадам,
Бир нафас ул тезлигин этди накам.

Фикрати елгувчи, равиш гарми бор,
Олди фалакни, вали озарми бор.

Борагиси шаҳпари Жибрил бўлиб,
Бодзани боли Сирофил бўлиб.

Пайсипари кимса на қил киштани,
Берма яна кимсага бу риштани.

Супрайи анжир бўлур эрди бўш,
Гар еса жам анжирини барча қуш.

Менки бу шевада шариф келмишам,
Кўргани арзимни гариб келмишам!

Шеър манга савмаабунёд ўлур,
Мастабадан шоири озод ўлур.

Зоҳиду роҳиб сўйи ман чопишар,
Хирқаву зуннорларин ёпишар.

Сурх гулу ғунчамисолман ҳануз,
Мунтазири боди шимолман ҳануз!

Кўргузур эрсам сухани тозани,
Сури қиёмат этай овозани.

Ҳар не вужуддур янги кўҳна то,
Фитнайи мен жодусухан бўлгайо!

Жоду ўлиб санъатима ношикеб,
Сеҳри ман афсуни малоикфиреб.

Бобули ман Ганжайи ҳорутисўз,
Зуҳрайи ман хотири анжумфурўз!

Зуҳрайи бу мантиқи мизонидур,
Ложарами мантиқи руҳонидур.

Сөхри ҳалолим саҳари қут ўлур,
Нусхуни нусхайи Ҳорут ўлур.

Шакли Низомийки хаёлим менинг,
Жонвари сөхри ҳалолим менинг.

ТУН ТАВСИФИДА ВА ҚАЛБНИ АНГЛАШ

Ташлади қалқонини чун офтоб,
Бўлди заминнинг сипари зери об.

Этди жаҳонни нафаси танграке,
Ва сипаридан сипарак ранг раке.

Ташлаганидан сипарин лашкари
Тиф уришди бошига сарсари.

Бўлса сигир бўйнида мунчоги гар,
Ерга йиқилса ҳама ханжар урар.

Тун гўдаги доясига чўзди қўл,
Зангулаи кун тугади, ухла, бўл!

Излади савдойи шаб андешишонк,
Маъжуни қувватберари ўлди хок.

Хок бўлиб боди Масиҳосига,
Сувни уриб оташи савдосига.

Шарбати ранжур баҳам соғ этиб,
Хонайи савдони сарандоз этиб.

Тўқди ранжур бири тоси хун,
То қадами бошидан анқостгун.

Ташга чиқиб ранг ичидан охирин,
Деди қазо кона мин-ал-кофири.

Ҳар нафаси бошида таннози бор,
Тунги ўйин тузгали шаббози бор.

Гоҳ қасаби моҳ гуломез этур,
Гоҳ дафи Зуҳрони дирамрез этур.

Менки бу хил тунда, чароғи на бор,
Булбули ул боғки, боғи на бор.

Хуни жигар сўзига дур тоқдимо,
Оби жигарла ўтини ёқдимо.

Сўзим ила чун сухане чанд ўтиб,
Бекасим андешайи бу панд ўтиб.

Ҳотифи хилват менга берди садо,
Қарз чунон қилки, беролгай яно.

Сув аро бу оташи покинг нечун,
Бод жанибаткаши хокинг нечун?

Ҳоки таборандани тобутга бер,
Оташи тобандани ёқутга бер!

Ўқ на отгилки нишон ройинго,
Қамчини кам урки, отинг пойинго.

Ғофили бундан зиёд неки чўк,
Бўлса сувинг, кўнгил эшигига тўк.

Бу хуми хам кўқдиру уди гўзал,
Қиссан дил деки, суруди гўзал.

Бўл йироқ йўлтўсаридан халос,
Сени йўлинг дил билару дилшинос.

Аршборарларки тан қоғламиш,
Шаҳпари Жибрил дила боғламиш.

Улки инон икки жаҳондан бурур,
Гўшайи даръюзайи дил хушдуур.

Кўнгил агар бу дури сув хокидир,
Иқболидан эшаги дил покидир.

Жонла тирик, барчаси ҳайвон зур,
Дил-ла тирик бўлгучи инсон эрур.

Кўзу қулоқ мақсади афзунлигинг,
Коргари пардайи мазмунлигинг.

Пахта тиқилганми қулоғингми кар?
Наргиси чашминг ҳушу ақли басар!

Наргису гул парварининг боғдадур,
Наргису гул сендан аё, доғдадур.

Дийдаки, ойинайи ҳар нокасо,
Оташи они суви ёшлик басо.

Табъ ила ақлингдаги бебошлигинг,
Мунтазири нақди чу қирқёшлигинг.

Токи қириқ ёшида болиғ бўлур,
Харжи сафар неъмати холиғ бўлур.

Ёр шу хил бўлгуси, афсун дема,
Дарси қириқийлгини афзун дема.

Күлни дуога күтару чора сўр,
Бу ғами дилга дили ғамхора сўр.

Ғам ема, албаттаки, ғамхор ўлур,
Ғам бўйунин синдир, агар ёр ўлур.

Ул нафасе кимки забуни ғамо,
Ёрлиги ёрлар мадади маҳкамо.

Иссиг ўлур икки киши-ла нафас,
Лаҳзада юз ғам бўлар ундан абас.

Субҳи нахустин нафаси тонг урар,
Субҳи сўғун юлдузига бонг урар.

Аввалийи субҳга хорлиғ етар,
Гар не сўнги субҳ ила ёрлиғ етар.

Келмаса ёлғиз қўлингдан ҳунар,
Ёр талаб қилки, ёрдан унар.

Гарчи бутун юрт эмас хор, бироқ,
Ёрни талаб айлаки, ёр яхшироқ!

Ёрлиғ этар барчани камсизу кўст,
Қўллагучи бўлгусидур сенга дўст!

Бу икки уч дўстларинг борки нам
Хушкроғ ул ҳалқайи эшиқданам.

Кўл узатгилки бафитроки дил,
Сени сувингдир, бўласан хоки дил.

Чун малик-ул-арш жаҳон тузмишо,
Мамлакати сурату жон тузмишо.

Берди батартиби адаб резише,
Сурату жонга баҳам омезише.

Жисм ила жондан падид ўлди дил,
Етди хилофотга халал ушибу хил.

Дилки анга хутбайи султони бор,
Ақдаши жисмонию руҳони бор.

Нури адиминг суҳайли кўнгул,
Сурати жон икки туфайли кўнгул.

Чин сухани дил димогимдадур,
Равғани мағзим чироғимдадур.

Ҳалқа қулоғини забон айладим,
Жон ҳадафин ҳотифи жон айладим.

Ёғли тилим бўлди семизликда ҳам,
Кўнгул ўлиб шод, кетиб барча ғам.

Кўз булоғим тўкиб оби сард,
Отапи дил айлади қайноқ бадард.

Қўлни чиқардим, у қўл бандидан,
Йўлтўсар ожиз мени зўрмандидан.

Пойгада ул йўлда икки манзилим,
Бир югуриб етди эшикка дилим.

Мен сўйи дил кетдиму жон сўйи лаб,
Ўтди ярим умр ярим тунла заб.

Эшигига масжиди руҳоними,
Гўйи бўлиб қомати чавгоними.

Гүй келиб дастима чавгони ман,
Бўлди этагимки гирибони ман.

Пойни бош айладиму бошни пой,
Гўйсифат бўлдиму чавгоннамой.

Кетди ишим қўлдану мен муз бўлиб,
Юзни кўриб бирида, бир юз бўлиб.

Ҳамсафарон жоҳилу мен навсафар,
Кимсасизу дого ватандан бадар.

Йўл неки чиқсан эшигимдан нари,
Қайта оёқ қўймагумен ичкари.

Унда сабаб нақби забоним олиб,
Ишқ нақибона иноним олиб.

Қоқдим эшик, дедики: “Ким бу дами?”
Дедим: “Агар рухсат ўлур одами”.

Пардани кўтарди чу илғорлари,
Пардайи таркибни тузиб борлари.

Ложаромо хоси сарой дилпазир,
Берди садо хуш на: “Низомийки кир”.

Хосраги маҳрами ул дар бўлиб,
“Ичкари кир, – деди, – дарунтар бўлиб”.

Қасрга кирдимки чароғон эди,
Барча ёмон кўздан у пинҳон эди.

Етти халифага бир эшик – уй,
Етти ҳикоят ва бир афсонагўй.

Мулки уни кўпки афлоккадур,
Давлатилар хокка ул хоккадур.

Чун нафасободда дами нимсўз,
Тахтнишин бўлди шаҳи Нимрўз.

Сурхсувори адаби пешидур,
Лъялқабоси зафарандешидур.

Талх жавони язак этса шикор,
Қорарак ундан тагида йўрга бор.

Қасди камин этди камандафгане,
Сийм зиреҳ айлади рўйинтане.

Бу бари парвонаю дил шам эди,
Жумла парокандаю дил жам эди.

Мен қаноат ила меҳмони дил,
Жонни наво айлади султони дил.

Чун алами лашкари дил топдимо
Оламидан юзни буриб чопдимо.

Дил деди тил бирлаки зй, безабон,
Мурғ талаб қилгилу кеч ошиён!

Оташи дил маҳрами бу дуд эмас,
Ул тузи, бу пора намаксуд эмас.

Сояму сарвиға тавонो дуурур,
Пояму бу пояға юксак туурур.

Ганжману не кисайи Қорундаман,
Сен-ламасу сен ила бил шундаман.

Мурғи лабимда нафаси гарми бор,
Түқди забоним патини шармисор.

Шармдан этдим сарафкандалик,
Қилдим итоат ила бандалик.

Аҳди дилим хожа ила тозадур,
Номи Низомий фалаковозадур.

Чунки на күрди риёзат фақир,
Хожасидан қайтди риёзатпазир.

ХИЛВАТИ АВВАЛ ДИЛ ПАРВАРИШИДА

Тойчогим чун адаб оғоз этиб,
Ечди түққиз күк тугунин соз этиб.

Гарчи тугун узра тугун эрди жой,
Тортмади бу ришта учин ҳойнаҳой.

Ришта учи токи бажое етар,
Риштасидан токи тугунин кесар.

Хожа маалқиссаки пайвандимиз,
Гарчи Худомас, худовандимиз!

Йўл қўриғу икки жаҳоним эрур,
Гар на нечун боғами жоним эрур.

Гарчи эмас мен била у ҳамариғ,
Шафқатини тутмагуси лек дариғ.

Бўлди чу мен беадабега ғулом,
Ул адабомўз мени этди ром.

Мен кабидан бўлди не маглубу хор,
Билди ғанимат сўзимизни шиор.

Бир қуни бу Мисри Зулайхопаноҳ,
Юсуфилик бирла этиб тарки чоҳ.

Тун кўзидан уйқуни қочирдилар,
Тонг чароги кўзин очирдилар.

Субҳ ҷароғи фалакафрўз ўлиб,
Кўҳли шаб қирмизи кундуз бўлиб.

Хўжа гиребони ҷароғе тутиб,
Илку мену этаги боғе тутиб.

Этагиму хори ғам осудадур,
Ёқагача гул била омудадур.

Мен чу лаби лола бўлиб ҳанданок,
Гул юз жойда тўнини қилди чок.

Топширибон лола дилин жонима,
Гул камарин бердику эҳсонима.

Гарчи май олудайи хун келдимо,
Гул каби гоҳ парда бурун келдимо.

Гул багулу шоҳ башоҳ бошитоб,
Шу тариқа айладиқу нашъи об.

То алами ишқ бажое етар,
Шодлигидан бўйи вафое етар.

Нуктайи бодини забони фасех,
Зиндадил этди чу боди Масех.

Ер тагига түкди иморимниё,
Чирпириатиб елга саворимниё.

Дедики: “Туш пастигаю дам урмагил,
Йүқса тушургум сени қайғурмагил”.

Менки ўшал сувда чу киштийдурам,
Сокини ул боди биҳиштийдурам.

Оби равон эрди, фуруд келдимо,
Ташна тилимла лаби руд келдимо.

Чашмаси равшанрак эди офтоб,
Хизр на хазросида кўрганди хоб.

Хобгоҳ эрди суманзори ул,
Ухлашибон наргиси бедори ул.

Доирайи хатти сипеҳри мақом
Ғолияйи бўйи биҳишти ғулом.

Гул сумани ёқасида этди жой,
Хоркаши домани гул зери пой.

Оҳую тулки тўла ул марғзор,
Нофа берар гулгаю белбоги бор.

Тўти у гулдан шакархандадир,
Сабза боши узра парафканнадир.

Тоза гиёҳ тўтийи шаккар бадаст,
Шаккаридан оҳулари шермаст.

Жилвагари ҳижлайи гуллар шамол,
Гулшакари шохи гиёҳи ғизол.

Хайрии манишур мураккаб бўлиб,
Марваҳайи анбари ашҳаб бўлиб.

Сурмайи кўргувчиси нарғисмано,
Савсани афъи чу зумрадгиёҳ.

Қофиласи ёсуману гул баҳам,
Қофиягўй қумрию булбул баҳам.

Савсани бир кунлиғи Исозабон
Кафти берар тонгга Мусо нишон.

Фохта фарёд қилар субҳидам,
Фохтадек тўлдирадир кўкка ғам.

Бодни ёзгувчиси илки висол,
Қиссаи гулнинг варақи мушки тол.

Гоҳи салом деб, келур навбаҳор,
Гоҳи шукр дегучи гул назди хор.

Турки сухан хаймаси саҳродадур,
Чодири моҳтобни сурайёдадир.

Лоласи оташгаҳи розга келиб,
Мисли муғи ҳинду намозга келиб.

Ҳиндуйаки лолаю турки суман,
Саҳли арабдуру Суҳайли Яман.

Заврақи боғда алами сурху зард,
Панжаралар гирдида бас ложувард.

Суви мулойимлиги қоқумнамой,
Турфа эрур қоқуми санжобисой.

Шох фалак нури ила ёқди шам,
Соя уза сочдику олтин дирам.

Соя сухангүй балаби офтоб,
Құмни тирилтиргучи тасбеки об.

Настарина бўсайи сунбули доғ,
Мижжайи ғунчаси ила гулдудоқ.

Хайрини тирдонида йўқ тири хор,
Гоҳ сипар истагай огаҳшиор.

Суҳрланиб толни титроқ тани,
Мижмари лола ани дудафкани.

Истади учмакни чаман чобуки,
Истади томмакни суман нозуки.

Най башакарханда бурун келмишо,
Зардайи гул наъл баҳун келмишо.

Ул гул ҳудройики ҳудрой эди,
Бод нафаси бирла сухангүй эди.

Барги турунждан кўкиш осмон,
Келди иликка норинж ул замон.

Байробини урди у жойда фалак,
Сабза ёзиб қатлига ташга палак.

Ҳар тугуни риштайи ул сабзхон,
Жони замин эди дили осмон.

Ахтари сарсабз магар бомдод,
Деди заминга, кўкар бомурод!

Ё фалак унда гузар этган эди,
Сабза қизил тошига етган эди.

Чашмаси равшан эди “аэ чашми хур”,
Чашмайи хуршиддин олур токи нур.

Сабзаси ул чашмада айлаб вузуъ,
Шукри вузуъ айлади тузди хушуъ.

Күшга бериб бўйи Сулаймонни гул,
Довуди янглиғ фифон қилди ул.

Чангали дуррож баҳуни тазарв
Силсилайи осиги оёғи сарв.

Маҳзари маншур ёзарлори боғ,
Фатвойи булбулла тўкиб хуни зоғ.

Бумки, ўшал бумдан ўлиб пайкари,
Сирри дили бўлди қазойи сари.

Боди ямоний басуҳайли насим
Айлади кимухти заминни адим.

Лолаки таъжил ила шошилиб,
Дил тапиши бирла хафақон бўлиб.

Сояи шамшоди шамойилпараст,
Сўйи дили лола қуи элтди даст.

Тирноғи сиймин сумани субҳифом,
Тундан олиб тирноғи шабни тамом.

Тонгки бўлиб Юсуфи зарринрасан,
Чоҳ қазирлар занахи ёсуман.

Зардқасаб хок жуҳуд мислидур,
Сув яди байзойи Мусо кўргузур.

Хок у сув бирла топадур даво,
Ҳар не ботибдур анга хушҳаво.

Нури саҳар топди майдон фарах,
Берди соя юргичини елга шох.

Соя қуёш лабини тишлаб чу бол,
Тол сочига урди тарогин шамол.

Сояю нурдан алами шохисор,
Рақс этар бартарафи жўйибор.

Уд бўлиб ул хорки мақсад эди,
Оташи гул мижмари ул уд эди.

Гардани гул минбари булбул бўлиб,
Зулфи бунафша камари гул бўлиб.

Қуш Довуддан хушвазроқ магар,
Гул Низомийдано сочгич шакар.

САМАРАЙИ ХИЛВАТИ АВВАЛ

Бод ниқоб бир тарафидан олиб,
Ҳожа ошиқлиққа ўзини солиб.

Гул нафасе кўрди шакархандае,
Гулу шакарга нафас афкандае.

Фитнайи ул ойки қасабдўхта,
Хирмани ул ойки қасабсўхта.

Сочини айлаб зиреҳ то камар,
Бошдан оёқ тузини тотди магар.

Кўрди уни чун намакангездир,
Кимки уни кўрса намакрездир.

Токи тузи шакарини кўргузиб,
Шаккари ширинни тузини бузиб.

Туттийи боғ шакаридан шармисор,
Тути бошидек занахи тавқдор.

Бағбақаси гирдки норинмисол,
Фабғаби сиймин турунжи чу бол.

Маст навози чу гули бўстон,
Тавба фиреби чу мули дўстон.

Лаб ширинликда чун унноби ол,
Мағзи новотдурки ичи тұла бол.

Сурх гули сабзрогу найшакар,
Хушкнаботе бори жуллоби тар.

Холи чу удики жигарсўз эди,
Мүшк сочувчи садафи рўз эди.

Қайғуи ул донаю холи сиёҳ,
Жумлайи тан хол ўлиб рўйи моҳ.

Жазъ жигарсўзраку офтобидан,
Лаъл шабафрўзтари моҳтобидан.

Дил уйидан токи бафарсанг эди,
Йўл чу майдони даҳан танг эди.

Ул дили саҳтики жигархорадур,
Бағрима меники дилим порадур.

Лаб сўзида, хандаси шаккар егай,
Рух бадуо, ғамзала афсун дегай.

Ёпди оғиз ҳуққасини муҳрадор,
Йўлдан ўтар эрди бир муҳравор.

Ишқ чу ул ҳуққаю мунчоғла мот,
Булъажаби ўлдию тортди бисот.

Кисай суратни белимдан очиб,
Тавқи тани, гардани жоним қочиб,

Бўлди ишим, тоқату сабрим кетиб,
Оби ҳаётим оғизимга етиб.

Ақли азиматгаримиз кўрди дев,
Нуқрасини қилди темир макру рев.

Шодлик ила дилки ғами дил олур,
Чашмайи хур shedини богил олур.

Мўниси ғамхорайи ғам ул эрур,
Майзадага чора майи гул эрур.

Эй, юзида ғам изи догоғим менинг,
Бехабари сабзайи боғим менинг.

Сабза фалакдуру назар тобидур,
Боғ саҳардиру сиришк обидур.

Улки юзи пардалигу хос эди,
Ойинайи сурати ихлос эди.

Баски бошимни тиззим узра солай,
То бу ип учини құлга олай.

Бу сафарим йўли яқиндан юрай,
Роҳи равондирки чуниндан юрай.

Маҳрами бу йўл на сен роҳжўй,
Шуғли Низомийни Низомийга қўй.

ИККИНЧИ ХИЛВАТ ТУНГИ ИШРАТДА

Хожа бир тун батаманнойи жинс,
Сўзлади бир неча баабнойи жинс.

Топди бир тунда чу яшнар саҳар,
Сўрагани эрди дуода магар.

Мажлисини равshan этиб навбаҳор,
Ишрати осудайи ҳар рўзигор.

Оҳи атирдек нафаси равшани
Шарҳ берур Юсуфи пироҳани.

Шаҳнайи шаб хуни аласни тўкиб,
Шаккарига парри магасни тўкиб.

Пардашиносларда навойи шигарф,
Парданишинларда вафойи шигарф.

Пои Суҳайл бошина натъи адим,
Лаълсочар бошига дурри ятим.

Шамъи жигар ёқди шамдан жигар,
Оташи дил чун дили оташ ёқар.

Мижмари товоқчайи мажлисфурӯз,
Уди шакарсозу шакар удсӯз.

Шишайи гуллоб шакар сочадур,
Шамъини саллочаси зар сочадур.

Нуқли изидан майи бўсаҳез,
Кўзу оғиз шаккару бодомарез.

Шаккару бодом баҳам нуктасоз,
Зуҳраю Мирриҳ баҳам ишқивоз!

Келди қулоқ эшигига ваъдаси,
Эрди ширин даръюза лабхандаси.

Тулки думини паланг босди зер,
Нофайи оҳу эди занжири шер.

Ёр яқо тутгану этаккашон,
Енги рақсдан жавоҳирфишон.

Шамъ чу соқий қадаҳи май бадаст,
Ташти майолудаю парвона масти.

Пат тўкиб уйқуда парвонага,
Шамъ эгиб бошини шукронага.

Зуҳра ниҳоний қидириб парда чун
Нагмасидан бўлди тамоман нигун.

Уйқуни олгай димоғдан димоғ,
Нур олувчи чароғдан чароғ.

Ул не ҳама умр касе топадур,
Ҳамнафаси бир нафасе топадур.

Нузл юборгувчи замон то замон,
Дил бадилу тан батану жон-бажон.

Дединг, ўшал ҳужрада дам олдилар,
Рахти адамни адама солдилар.

Мурғи тараб номала пат силкитар,
Етти сурайё қуши пат синдирап.

Оташи мурғи саҳари бобзан,
Хушнамакийлар дилига обзан.

Уйқуси оғир хўроз тонг саҳар,
Боғлади кўк пойини илги қамар.

Ҳалқайи дар, пардайи бегоналар,
Зулфи пари ҳалқайи девоналар.

Ул ҳами ҳалқада дили муштарий,
Тангроғи ҳалқайи ангуштарий.

Келди чопишиб паризодалар,
Мисли пари кўнгула озодалар.

Дил йўлига экди суманворини,
Киприк учила кўтариб хорини.

Мевайи дил найшакари ҳадлари,
Гулбуни жон норвани қадлари.

Финдуқайи шаккару бодоми танг,
Сабзхати пистаси уннобиранг.

Тун хатида айлади сеҳри ҳалол
Бобулича ғамзаю ҳиндича хол.

Ҳар нафаси ғамзайи холи чунон,
Бўлди жаҳон Бобули ҳиндуситон.

Чун кўзида неча писандидадур,
Дил зиёрат этари дийдадур.

Ғамзаси ўткиртилу нишлардано,
Сочи тугун солгучи ишлардано.

Шасти карашма чу камондор ўлиб,
Ўқини солмай иши тайёр ўлиб.

Дил нафасидан Масеҳона бод,
Гил даҳанидан томиб оби ҳаёт!

Гул чу суман ғолия “дар гўш” эди,
Маҳ чу фалак ғошия “бар дўш” эди.

Чун руху лаб, шаккару бодом сочиб,
Гулки ҳимоятла шакарга қочиб.

Ҳар назари жони жаҳоне бўлиб,
Ҳар мижа бутхонайи жоне бўлиб.

Оқ сими бошиға зулфи сиёҳ,
Мушк сочиб толварақи узра оҳ!

Ғабғаби симин камарбанди сув,
Қавси қузаҳ бўлди қуёшдан сулув.

Зулфи Бироҳиму рух оташгари,
Чашми Симоилу мижа ханжари.

Оташи бул дастайи райҳон бўлиб,
Ханжари ул наргиси фаттон бўлиб.

Бўса чу май мояи айши набот,
Лаб чу Масеҳо нафаси хуш ҳаёт!

Тер юзида чун гули насрин зур,
Хирмани моҳ ҳўшайи Парвин эрур.

Очди яқосини дегилки қуёш,
Нури бўлиб тонгда ҳар ёна фош.

Ҳиммати хосларла дили омилар,
Шефта нури бирла чу сарсомилар.

Ғамза мунодийки, даҳон хастадур,
Кўзи сўз айтурки тили бастадур.

Май чу гул оройиши иқлим бўлиб,
Жом чу нарғиз зари дар сим бўлиб.

Ақл у доирада сармаст қолиб,
Сабридан охир қуруқдаст қолиб.

Хандадан оғзида на роҳ бор эди,
Тоқата на тоқати оҳ бор эди.

Сабр ниҳон, унда наво танг эди,
Фитна эгикбошу баоҳанг эди.

Нагмайи Довуди ила топди соз,
Қиссайи Маҳмуду ҳадиси Аёз.

Шеъри Низомий шакарафшон ўлиб,
Вирди ғизолларни ғазалхон ўлиб.

ИККИНЧИ ХИЛВАТ САМАРАСИ

Умрки бу фаршида ўтгай азал,
Ул не эди, қайта топувчи бадал.

Гүшида ул номайи таҳъятрасон,
Кўзида ул саждайи таҳъётихон.

Тангӯнгил хандайи туркдан шакар,
Сурма олар чашми ғизолдан назар.

Турки қасабпўшим у жойда чу моҳ,
Этди дилимни чу қасаб рахнагоҳ.

Ой кечага қўлини силкиб эди,
У туни то тонггача балқиб эди.

Новаки ғамзаси сабукпар бўлиб,
Жон ер ўпиш бирла баробар бўлиб.

Шамъ нуридан мижжаси пурашк эди,
Чашми чароғ обилайи рашк эди.

Ҳар ситаме, унгаки етди жафо,
Кўнгли табаррук ила этди вафо.

Гоҳ бўлиб ул сабзаю мен жўйи об,
Гоҳ мен ўлиб ювгучи, ул офтоб.

Ул рутаб ул кечаси бардор эдим,
Йўқ хабарим, гарчи хабардор эдим.

Улки ҳилолу камари нур бўлиб,
Янги ою шефталари дур бўлиб.

Шефта ошиқ ўзига хўп эди,
Рағбати роҳимда сади кўп эди.

Дилки таманносида не эрди кун,
Ёқмаса гар пардасини келса тун.

Бул тун агар жуфти саломатсилар,
Ҳамнафаси рўзи қиёматсилар.

Равшанийи ул шаби чун офтоб
Изларимо кўпу на кўргайма хоб.

Ғайри кеч тун, тарабим хуш надур,
Хайрли кеч деди, шабим хуш надур.

Ул ҳама тун ё рабу ё раб қилай,
Бул тунида жилвайи ул шаб қилай.

Кун эди ёруғ на туни дож эди,
Тун эди, аммо туни меъроҳ эди.

Ойки, лаъли фалака кон бузар,
Барча тун, ул тун ғамида жон узар.

Куи, ки туни душманийи мазҳаби,
Ҳам эрур орзуюи бу хил бир шаби.

Мен фориғ ўлдим, йўлида саҳар,
Тигин уриб кирдику субҳ жилвагар.

Оташи хуршедики мижгонима,
Қилди равон сувини айвонима.

Абр келиб боғима бози қилиб,
Жомайи хуршидни намози қилиб.

Ҳавзайи бу чашмага ҳуршид уриб,
Чун мену сен неча идиш синдуриб.

Чарх уриб юлдузига сийми ноб,
Тилло заридур варақи офтоб.

Субҳи оғирийқу сабукхез ўлиб,
Қўлида ханжарчаси хунрез ўлиб.

Мен уни қарисида қалқон тутиб,
Ханжарига жонни қурбон тутиб.

Олгали жонимни саҳар жўй тузиб,
Ташнақатил этдию кўприк бузиб.

Янгради афгон хароботима,
Эй, саҳари ушбу мукофотима!

Илгарироқ менга касе ёр эди,
Шамъи шабафрўз басе бор эди.

Ул туну ул шам не қолди, не суд,
Нест чунон бўлди, де, қолди не дуд.

Унга ниш ургилки ширининг ичар,
Унга макр этки кафанилик бичар.

Хомлай ўлдурки савоб жон бўлур,
Куйгучини куйдириш осон бўлур.

Йиғлади мен йиғлаганимда саҳар,
Раҳми келиб менга шафақ хун магар.

Хирмани кун қуиди ғамимдан ёвуқ,
Чашмайи ҳуршед дамимдан совуқ.

Барчайи заҳрамга кўк умmed бериб,
Мори шабим муҳрайи хуршед бериб.

Чун асари нури саҳар топдимо,
Йўқ хабарим, гарчи хабар топдимо!

Кимсаки бу тахти равонда чопар,
Кўпроғин нури саҳардан топар.

Эйки, хижолат ҳама шабҳойингиз,
Рўсияҳи рўзи тарабҳойингиз!

Менки бу тундан сифате қилгамен,
Ул сифатин маърифате қилгамен.

Тун сифати пардайи танҳосидир,
Унда шамъи гавҳари биносидир.

Уду гулобики анга бастадур,
Нолайи ашкии неча дилхастадур.

Барча гўзаллигила ул садр эди,
Нури хаёлоти тун қадр эди.

Маҳрами бу пардайи зангинавард,
Ким ўзи пардаси бор ложувард.

Субҳки парвонага пар тоқдия,
Хушрогои ундан на шамъ ёқдия.

Кўшиши ул шамъ ила доғига ет,
Мисли Низомий то ҷароғига ет!

МАҚОЛАТИ АВВАЛ – ОДАМ ЯРАТИЛИШИДА

Ишқапастлиғ бурун йүқ зди,
Борлиғи овозаси чун йүқ зди.

Муқбили катми адамин соз этиб,
Сўйи вужуд келдию дар боз этиб.

Сўнгра сўғун тифли паризодалар,
Олд келувчи башаризодалар.

Улки хилофат ила байроқ уриб,
Чун алам афтодаю боз ғоз туриб.

Аллама Одам сифати покидур,
Хаммара тина шарафи хокидур.

Дурила у ҳамқадару ҳамсафи,
Ҳам маҳаку ҳам зару ҳам сайрафи.

Янги шоҳид фитнайи афлокилар,
Навхати фард ойинайи хокилар.

Құдратидир соиди жонга нигор,
Етти фалакдан куч олар илки бор.

Икки бешикни у этган бино,
Икки мағиз гавҳарини қоргано.

Тортиг этур хилъати зиндонилар,
Мўҳтасибу соқийи руҳонилар.

Сарҳади хилқат ани бозоридур,
Поклигу қудрат шуғл-коридур.

Гүдаки қирқунлиги каж-мажзабон,
Пири қирикёшли анга қиссахон.

Хусни хати ишқ навишти эрур,
Гулбуни бир боғи биҳишити эрур.

Нури у кўзданки бинороқ кўрур,
Қуши у шоҳданки баландроқ туур.

Ундан ўлиб мурғи фалак доначин,
Барчага ризқ бергучи Ундан замин.

Улки бир донила айлаб карам,
Ҳулла кийинтиргучию ҳулъя ҳам.

Домига келдику чунин донае,
Камтари овозайи шукроне.

Улки дуоларда вужудга келур,
Жумлайи оламки сужудга келур.

Эшиги ул қиблада ҳар дидае,
Саҳв бўлиб саждайи шўридае.

Гулсочари бўлди секиз боғу роғ,
Барчага гулбарги шайотинга доғ!

Йўқ танида сенсизи бир дам севинч,
Йўқ Эрамида нафасе олса тинч!

Оқибат ул ишда даҳое змас,
Шугли ғамингдан у раҳое змас.

Меҳри чу буғдойни дилингга тўлиб,
Чун дили буғдой тилинган бўлиб.

Орзуйимиз унга бўлиб янги сир,
Егани буғдой ани бир арпадир.

Улки чу буғдой бош-оёғи на бор,
Безамину тошу фироғи на бор.

То наки ташлашди, на унди умед,
Токи на синмай, на бўлур рўсафед.

Бўлди чу буғдойу замин узра коҳ,
Топди жавдона кимухти чу моҳ.

Арпаю буғдой каби тупроқда жо
Қайғунг ила арпаю буғдойнамо!

Еди у буғдойни ю номардуми,
Қилди ялангоч чу дили гандуми.

Ул ҳама хорлигики бадҳоҳ уриб,
Буғдойи яқдиллиги йўлдан буриб.

Буғдойи қаттиқ жигара тушди ғам,
Ёшлигининг мояси айбсиз у ҳам.

Эл ани емакни муҳайё қилиб,
Бошдан оёқ де, даҳани очилиб.

Эй сенга сарриштайи жон гум бўлиб,
Сени доминг донайи гандум бўлиб.

Арпа патир синдиру бўл бошикеб,
То емагил буғдойи одамфиреб.

Пайки дили пайрави шайтон на бўл,
Шери амирий, саги дарбон на бўл!

Кирни дилингдан на ювар мутлақо,
Тавбайи Одамники этмай бажо.

Унга узр беҳки хатое етар,
Одам ул узрила бажое етар.

Дона изидан чу ҳаваснокидур,
Мүктеи бу мазраайи хокидур.

Кўрдики донига тамаъ хом этиб,
Ўзини афкандайи бу дом этиб.

Берди сувин бу гули пажмурдани,
Урди Сарандебда саропардани.

Рўсиёҳи бу гуноҳ ул ён қочиб,
Хоки уза они қаролиғ сочиб.

Муддате нилила хуми осмон,
Ҳиндситонни этибон кўксимон.

Нили гуноҳдан ювилиб чун қўли,
Нили гиёҳли эди юрган йўли.

Турки хитойи яъни, бўлди чу моҳ,
Зулфи хито устиға кийди қулоҳ!

Тавба ила қалби латофат олиб,
Мулки заминни ба хилофат олиб.

Адл ера тухми вафони экиб,
Вақфии ул мазраа бизга чекиб.

Хозини фирмавс анга берса на,
Ҳужрайи шашдорга барин қўйди, ҳа!

Ё самари мояки суди сенга,
Экиб-ўришию дуруди сенга.

Нолайи уддир нафаси мижмари,
Ранжи эшак роҳати полонгари.

Сенинг ишинг сенсиз ўткуздилар,
Номзади лутф сенга туздилар.

Кемайи гул бўл бамавжи баҳор,
Токи на бўл лангари бўстон чу хор.

Бўл кўнгул йўли, чу кўрдинг ҳазон,
Сув бўлар дилгаю оташ бажон.

Сурати шерсан, дили шерлик на бор,
Гарчи дилинг бор, далерлик на бор!

Шерни этурсанки нақши қаср,
Жилмагуси жойидан ўтса аср.

Хилъати афлок ярашмас сенга,
Хоксану жузъ хок ярашмас сенга.

Толеъий шуғлингки эшиқда забун
Дил ғами камлиқдан эшиқда фузун.

Йўқса нечун қилди самойи баланд,
Шаҳркушо сен кабини шаҳрбанд?

Доиракирдор миёнбаста бўл,
Кўқдасан, кўк ила оҳиста бўл!

Тез югуриш пешайи оташ эзур,
Қолма емишдан яна у хашибур.

Сувсифат бўлгилу енгил равон,
Сув эзур енгилу нархи гарон.

Гавҳари танни топишди заиф,
Қиммати жонни топишди латиф.

Бод енгилроқ этувчи тавоғ,
Сен жоногир нисбати кўҳсори Қоф.

Гар неки алдовчийи ранг чун тикон,
Рух на бур ўзингга бунафшасимон.

Хона мусаққал юзингла бари,
Сени кўрар кўзинг учун сен сари,

Гарчи пазирандайи ҳар ҳад ўзинг,
Барчадану ҳеч мужаррад ўзинг.

Ўзинга ошиқсану суратпараст,
Ул не само кўзгуси илгингда паст.

Арпайи тошсан гару тузингни tot,
Бенамакини бу хил четга от.

Зулмини қўйгили вафога югур,
Халқ не бўлгай? Худога югур.

Яхшилигин кўр у билан ишни қил,
Ўзни ёмонроқ эканинг англа, бил!

Сен чу хижилвор чиқорсанг нафас,
Фазл қилур раҳмати фарёдрас.

ДОСТОНИ ПОДШОХИ НОУМИД ВА УНИ ХУДО КЕЧИРГАНИ

Додгаре күрди бараъий савоб,
Сурати бедодгарин вақти хоб.

Деди: “Худо зулм қилуриңг учун
Зулм кунидан не етказди тун?”

Деди: “Манга бўлдики шундоқ ҳаёт
Барчасини кўрди бутун коинот”.

То менга уммеди ҳидоят кима,
Ё баҳудо чашми иноят кима?

Кас дилида шафқате мендан на бор,
Ҳиммат умид қилмас эди эл бирор.

Ларза менга тушдию титраб чу бед,
Чехра хижил бўлдию дил ноумед.

Тарҳни гарқоба аро жойладим,
Такайи омурзиши ҳақ айладим.

Эй, мени мискину маюс шармисор,
Кеч, хижилдурману кечиб юбор.

Гарчи сени амринга кирмайки бад,
Рад этурам, барчадан ўлдимку рад.

Ё адабим мени шарор бирла қил,
Барчага зид иш ё барор бирла қил!

Мени хижил кўрди чу берди мадад,
Кимсаси йўқларга берувчи аҳад!

Файзи карамла сухан этдим баён,
Олди юкимнию менга босди ён!

Ҳар нафаси улки надомат эрур,
Шаҳнайи ғавғойи қиёмат эрур.

Жумлайи анфосларинг эй, бодсанж,
Кайли зиёндиру тарозуий ранж.

Кайлу зиён бирла йилу ой ўтар,
Бу ою йилки ҳолингвой ўтар.

Қолса тарозунг сени бетошу дур,
Кайл бўшаб қолгайу паймона пур!

Ер тошини тоши тарозу на қил,
Лойни қориб муҳрайи бозу на қил!

Бир дирам улдирки анга бандасен,
Бир нафас улдирки тирик андасан.

Ҳар не бу оламда олурсан бакуч,
Олма ўзинг, бер, гадоларни қуч!

То бўлур ул кун сенга яхшироқ,
Гарданинг озоди ғулу бўш дудоқ.

Қарзи етимлар-ла не пур доманинг,
Не юки кампирлала хам гарданинг.

Янгила бу қонуни дунёйи пир,
Тозала этакда на қолсинки кир!

Ёки ғариблар изидан йўлни сол,
Ё чу Низомий дунидан гўша ол!

ИККИНЧИ МАҚОЛАТ – АДЛ ҲИМОЯСИДА ШОҲГА НАСИҲАТ

Эй, малики жонварон рой сенга,
Ҳей, гуҳари тожварон пой сенга.

Гар шоҳ эсанг, хонайи шоҳлиғ сўра,
Гар дур эсанг, тожи илоҳлиғ сўра.

Ул сўйи оламда бўлак роҳ на бор,
Жуз мену сен бир каси огоҳ на бор.

Ул азалий нурки этилмиш бино
Сенга ошиғроқ назар ўлган ато.

Нақди ғариблигу жаҳон шаҳринго,
Нақди жаҳон сенга бари маҳринго.

Мулк бу хил кору киёлик сенга,
Сийна қило, сийнакушолик сенга.

Доирадан ташқаридур давринго,
Икки жаҳондан зиёд қадринго.

Ойинадор бўлди изингдан саҳар,
Токи кўурсан юзингни магар.

Жунбуши бу маҳд, ки меҳроб сенга,
Тифлсифат этгали хушхоб сенга.

Дил қушию Исийи жон ҳам ўзинг
Сен каби гар бўлса у одам ўзинг.

Сийнайи хуршедки пур оташ дурур,
Сени юзинг кўрса у дилхаш дурур.

Ой сочингдек озиб бандалар,
Кұрса юзингни уражак хандалар.

Шод яша оламда на касдан камо,
Фам ема, сен бандайи не оламо.

Барчага чун хоки замин паст бұл,
Мисли шамол құлқуруғ мискин үл!

Хоки қуруғ яхши, не қоришгани,
Чангу ғубор лой бўлиб шишгани.

Дилни Худога беру хурсандлығ эт,
Ҳар юмушингда Анга пайвандлығ эт!

Де, хабари дину диёнат қани,
Қайдамизу биз амонат қани?

Ул дила диндан асари етмишо,
Суйи ул олам хабари етмишо!

Чорайи дин айлаки дунёңг чу бор,
То магар ул ҳам сенга етгай барор.

Динни олурсан сотиб оламин,
Дев каби тинглама шайтон ғамин.

Боргуси ҳар жавҳаридан каҳрабо,
Ҳар тоши арzonни мани кимиё.

Тошларини беру гүҳарларни ол,
Ер хокини бергилу зарларни ол.

Улки сенга тұшаи раҳ бергуси,
Сендан олар бирини даҳ бергуси.

Беҳтари бу мояситонинг на бор,
Фойдалан охирки зиёнинг на бор.

Сени ишинг динни этиш парвариш,
Додгар – одиллар этувчи бу иш.

Адл гўзал маслиҳатандешадур,
Ушбу қавмга нажотпешадур.

Шаҳру сипоҳингга чу бўл эзгуҳоҳ,
Шаҳру сипоҳ сенга бўлур хайриҳоҳ.

Хонабари мулк ситамкор на бўл,
Давлати боқий камозор ҳа, бўл!

Оқибати бор, кел андин бурун,
Қилган ишингни кўру эт фикри дун.

Роҳат элингга тила, озори на?
Жуз хижили ҳосили бу кори на?

Маст эсанг ақл қўзин босса хоб,
Кемайи тадбир бўлиб ғарқи об.

Моли заифларники қўлга олиб,
Моли ятимларни оғизга солиб.

Рўзи қиёмат, сўралгайсано,
Узр не дейсан, уялмайсано?

Юзни бур динга, қавипуштилидур,
Пушт қўёшгаки у зардустилидур.

Лўйбати зарнихи бўлиб гўйи зард,
Ҳайзли хотин каби юрма бадард.

Ҳар неки бу пардайи түқкіз меки,
Үйини бу лўъбати зар-зарнеки.

Пуфла анга мисли Масеҳий димоғ,
Қўйма ёғингни бу ўчувчи чироғ!

Неча чу парвонаси пар қоқдилар,
Ўзларини оташида ёқдилар.

Парчала бу пардайи исигарой,
То пари Исинг унур тозапой.

Кимки чу Исо раги жонни олур,
Адлу баинсоф жаҳонни олур.

Расми ситаммас жаҳон топмалик,
Эпласанг инсоф ила бўл малик.

Ҳар не эмас адл, не додинг берур?
Улки не инсоф, бабодинг берур.

Адл баширдир хирад шод этар,
Ишбилари мамлакат обод этар.

Мамлакатин адл этар пойдор,
Сени ишинг адл ила топгай қарор.

ЎЗ ВАЗИРИГА НЎШИРАВОННИНГ ХИКОЯТИ

Ов қилиб тулпори Нўширавон
Кетди йироқ аҳли атёндан чунон.

Мўниси хусрав эди дастуру бас,
Хусраву дастуру бўлак ҳеч кас.

Шоҳки ул ноҳияда сайдиёб,
Кўрди овул, чун дили душман хароб.

Иккита қуш бир-бирила тортишар,
Шоҳ дилидек танг эди ҳол ишпишар.

Дедики дастурига, не сўзлаюр?
Элчиси уми, нимани кўзлаюр?

Деди вазир: “Эй, малики рўзгор,
Десам агар, шоҳ эрур омўзгор.

Иккисини сайраши не оҳу воҳ,
Эру хотинликка ўқишгай никоҳ”.

Бу қуш анга берди қизини магар
Сут ҳақини истагай ундан саҳар.

Бу деҳи вайронани бер бизлара,
Неча бу янглиғ яна қарз сизлара.

Ул бири дедики, бу даъводин ўт,
Кўр малик жаврини, ғам ема, чўт!

Гар бу жаҳонни малики бўлса шул,
Сенга берай юз минги вайрон овул.

Шоҳга бу сўз ботди қаттиқ чунон,
Оҳ, дея, чиқди дилидан фифон.

Бошини чангаллади, қон йиғлади,
Ҳосили бедоди дилин тиғлади.

Тишлади бармогини зулмила ғам,
Дедики: “Кўр, қушлара етмиш ситам.

Жаврни кўргил, не кирап тушлара,
Юрт талош бўлдику бойқушлара.

Эй, мани ғофилики дунёпараст
Қўлга олай ўзники кетмай чу паст!

Неча моли элни олурман базўр,
Ғофили ўлмакману эртоси гўр.

Токай ахир зулму тажовуз этай,
Ўз бошима ҳийлайи ёвуз этай.

Мулкни анга берди мана Кирдигор,
То на этай улки эмас фойдадор.

Менки мисимга зарини сурдила,
Этгум аларники не амр урдила.

Зулм ила номим нечун бад қилай?
Вой, зулм ўзима беҳад қилай!

Беҳраги бу қалбима урсинки тиғ,
Шарми Худою ўзимо водариг!

Зулм бўлиб менга тамошо бугун
Войки расво ўлурам эрта кун.

Күйгучи бўлди тани беҳосилим,
Ёнди бу ғусса ила жону дилим.

Неча ғубори ситамию сўкиш,
Ўз сувиму элни хунини тўкиш.

Рўзи қиёмат манга бу туркитоз
Ҳақда бўлар тафтишу сўроқ на оз!

Шармзада чун на ўтиргум хижил,
Ғамга не ботмайки эрур тош бу дил.

Кўр не маломатда чекурман қадар,
Бу хижилим токи қиёмат қадар.

Менга бўлур юк менга боралик,
Чорам ўлур чорайи бечоралик.

Бу гуҳару ганж сабили қолиб,
Сому Фаредун не кетишди олиб?

То менга бу амру вилоятки бор,
Оқибат-ул-амр недур фойдадор?

Шоҳ бу борада чунон гарм ўлиб,
Наъли оти иссигидан нарм ўлиб,

Чунки етиб лашкарига бу ўйи,
Етди вилоятга навозиш бўйи.

Урди адолат ила хатти қалам,
Расми ёмонлик ила этмай ситам.

Қилди адолат, зулм ўлди абас,
Қайтмади бундан то охирги нафас.

Сүнгра басе гардиши баҳттозалар,
Адли бўлиб олама овозалар.

Салтанати ичра у соҳибдили,
Эрди номи элни севар одили.

Охири нек топди саранжоми ул,
Адл эшигин очса ким номи шул.

Хушнуд этиб эл дилин умр ўтказо,
Хушнуд ўлур токи чу сендан Худо.

Сояйи хуршедисавор истагил,
Ранж ўзинга роҳати ёр истагил!

Дардини олгилу чу дармонла бер,
То этади шоҳ сени фармонла бер!

Иссиф ўлу меҳр ила не сард бўл,
Чун моҳу хуршед жавонмард бўл!

Неклик ила ким амал оғоз этар,
Бад қолиб у эзгу йўлидан кетар.

Гумбази чарх ургучи этгил қиёс,
Яхши ёмонига эрур ҳақшунос.

Бур гуноҳдан юзу тоат-ла қил,
Узр сўраб то на бўлурсан хижил.

Ҳосили дунёси чу бир соате,
Беҳ баридан тоати, эт тоате.

Узр на келтир, на ҳиял айлагил,
Ҳақ сўзи бу, унга амал айлагил.

Гар сўз ила иш мұяссар бўлур,
Иши Низомийни фалаквар бўлур.

УЧИНЧИ МАҚОЛАТ – ОЛАМ ҲАВОДИСИДА

Бир нафас, эй хожайи сарви равон,
Силки бари олама енг шодумон.

Ранжа на бўл, роҳати ранжур бўл,
Муҳташамидан соате дур бўл!

Ҳукми чу ҳар оқибатандешидур,
Муҳташами бандайи дарвешидур.

Мулки Сулаймон сўрама, он қани?
Мулк ўшалдурки, Сулаймон қани?

Ҳужла ўшалдурки Узро нигор,
Базм ўшалдурки Вомиқи вор.

Ҳужлаю базми мана танҳо бўлиб,
Вомиқи Узросидан айро бўлиб.

Гарчи расо ўтди йили оламе,
Тола сочи бўлди на бошдан каме.

Хок ўшал душмани бўйнийўғон,
Чарх ўшал золими тўккувчи қон.

Суҳбати дун ким таманно этар?
Кимга вафо қилдики бизго этар?

Хок бўлур кимки бу хоқда яшар,
Хок не билгайки хок ичра налар?

Ҳар варақи чеҳрайи озода ё,
Ҳар қадами фарқи маликзода ё.

Бизлаки ёшликни жаҳонга ато
Айладик, андинмизу қўлда асо!

Сомки семурғи ўғилгир эди,
Ёш эди, гарчи ўгули пир эди.

Гумбази айлангичи эрмас абад,
Ғайри хилофинг сени эрмас на бад!

Гоҳ малики жонли бағпарлар этар,
Гоҳ гили кўзаясарлар этар.

Бор бу дунёсики оқу қаро,
Ҳар кишида бор ғаму можаро.

Деди гуруҳики бу саҳрола соз,
Эй, совуғ, ул аҳлига дарёла соз!

Оники дарёга дури саҳти куш,
Наъли оташдаки биёбони хуш.

Ҳодисадан одами беғам надир,
Ҳўлу қуруғига мусаллам надир.

Фарз бу қоғия йўлин тутмали,
Ушбу жаҳондан яшаб ўтмали.

Кимки бу ҳалқада қолгувчи лол
Шаҳр ила қишлоғида қувғунмисол!

Йўл юрагигаки амон бергуси,
Йироқ адамданки нишон бергуси.

Мулкни раҳо қилки ғуруринг берар,
Зулмати бу соя, не нуринг берар?

Умринг ўйинчоқ ила ўтмоқдаё,
Беҳад ўйин этгуси бахтиқаро.

Гардиши бу гунбази бозичаранг,
Эрмас ўйинчоқ изидан бу даранг.

Мартабайи оқимидан күп биле,
Ғафлати хушдир, хушо ғофиле.

Чун назари ақлни ғоят топур,
Давлати шодлиги ниҳоят топур.

Ғофил ўлиш билки не фарзоналиғ,
Ғофил ўлиш жумлайи девоналиғ.

Ғофил ўтирма, вараңе тирна ҳам
Ёзмас эсанг ҳамки йүнгил қалам.

Сұхбати соҳибдилидан бурма юз,
Мүқбили белбоғидан не қўлни уз.

Хорки суҳбатдоши ҳар гул эрур,
Фолияйи домани сунбул эрур.

Рўзи қиёматки барот айлашар,
Бодиясини арасот айлашар.

Эй, жигаролуди тилибасталар,
Оби жигархўрдайи дилхасталар.

Қўмларинга оби ҳаёт қайдано?
Бодияю файзу фурот қайдано?

Қўм этар нола, қон ичдим дебон,
Қўмни тўқмангла, на этдимки қон!

Хон уза тўқдим неча туз билиб,
Неча жигар бирла аралаш қилиб.

То чу ҳамоғуши ғаюрлар бўлай,
Маҳрами танбурчайи ҳурлар бўлай.

Ҳукм чу ҳукмига сиришт айлашар,
Мутриби халхоли биҳишт айлашар.

Кимки этар суҳбати нек ихтиёр,
Ризқини бергувчи эрур Кирдигор.

Суҳбати неклар бу жаҳондан нари
Хони асал узра тўлур бас, ари.

Даврни кўр, қолмади одамчилик,
Одам этар одама алдамчилик.

Маърифати одамилар кетмишо,
Одамилиғ борини йўқ этмишо.

Чун фалаки аҳди Сулаймон нари,
Одамий улдурки, энди пари.

Ҳар нафаси бирла сўз очганмано,
Маслаҳат улдурки қочганмано.

Сояйи кас фарри ҳумоси на бор,
Суҳбати кас бўйи вафоси на бор.

Тухми адаб не? Экишлик вафо,
Ҳаққи вафо не? Этишлик адо.

Парвариши донин этиб ғаллакор,
Кун келиб, ҳосилин олиши бор.

ДЕҲҚОНГА СУЛАЙМОН ҲИКОЯТИ

Бир куни ул жойда фароғе етиб,
Боди Сулаймон бечароғе етиб.

Мамлакати йўлини саҳро этиб,
Тахтини бу тахтайи мино этиб.

Кўрди шу янглиғки дилчок ўлиб,
Ғалла экар чолни даштда сўлиб.

Кафтла сиқимлаб сочар эрди дон,
Қопга тиқиб қўлини у ҳар томон.

Дона сочиб тўлдики ҳар гўшаси,
Ундики ҳар донни бошоқ-хўшаси.

Пардали ул донники деҳқон қиласар,
Қушлани нутқини Сулаймон билар.

Деди: “Йигитёш бўл, эй кекса чол,
Бунча емак сенга зарурми манол?

Дом на сен, донафишонлиғ на эт,
Мен кабила қушзабонлиғ на эт.

Йўқ белинг, тирнама саҳрода хок,
Сув йўғу арпа экишдан не бок.

Бизлаки экдик сероб эрди гил,
Ул неки экдик, не олдик ҳосил.

Сен бу куйик даштида бўлиб кукун,
Ташнаю сувсиз не олурсан бу кун?

Чол деди: “Ранжима шу хил жавоб,
Менда на бор парварини хоку об.

Хўлу қуруғила мени йўқ ишим,
Бергучи Аллоҳ, мени шарт экишим.

Мени сувим елкадан оққувчи тер,
Бармоғу тирноқ ила ковлайма ер.

Йўқ ғами мулку вилоят мана,
То мену бу дона кифоят мана.

Улки башорат этар менга қуз,
Донасига бергусидур етти юз”.

Донани шайтон ила экма шарик,
Бири берар етти юз ҳосил ғариқ.

Аввали бўлсин яроқли чу дон,
То бошоги унса бўлиб тўлақон.

Ҳар назаре бўлгусидир шодумон,
Танга лойиқ тўнни тикишган замон.

Рахти Масеҳ тортгич эмас ҳар эшак,
Маҳрами давлат кам ўлгай бешак.

Гардани филни ғажигай каркидон,
Мўрча малаҳ пойидан ўтмас у ён.

Денгизи юз наҳр ила сокин дурур,
Жилғаси бир сел ила бас, чинқурур.

Бор чу бу доирайи ложувард,
Мартабайи мард балиқдори мард.

Давлати бор бўлгуси соҳибдиранг,
Сал юки кетса не бўлур ҳоли танг.

Ҳар нафаси ҳафсалайи ноз эмас,
Ҳар қорини ҳомилайи роз эмас.

Ёна не айтайки, бу хомлиғ бўлур,
Юкташири кори Низомлиғ бўлур.

ТЎРТИНЧИ МАҶОЛАТ – РАИЯТГА ҲУСНУ РИОЯТИ ШОХ

Эй сени тарк айлади мардоналиғ,
Дев каби ром айлади бегоналиғ.

Мулк ила мағруру вафоси не бор,
Ҳай умр бирла бақоси не бор.

Пайсипари журъайи майхоралар,
Тобеъю ўйинчоғи сайёralар.

Мусҳафу шамшерини ташлаб тамом,
Ўрнига олмиш суроҳи жом.

Ойна-тароғ қўлида ушлабди паст,
Раъно хотун мислида кокулпараст.

Робияи тўртила ул етти мард,
Ўз кокулин қилди не кўр, гард-гард.

Эй, ҳунаринг мардга ярашмас, аё,
Беваҳотин нағмасидан қил ҳаё!

Даъвийи мардлик на эт бунчалар,
Бева хотиндан эрурсан батар.

Ақл ҳунарсизки мавло әмас,
Ҳеч ҳунар адлдан авло әмас.

Тоза бу суву на жүйингда сени,
Яхши бу холу на рүйингда сени.

Чарх несен, айла мудом яхшилик,
Чархи баланддек баланд чўз илик.

Жуз гуҳари нек на қўрсатки бут,
Фойда берур токи бу сармоя суд!

Ҳеч муборак әмас ушбу иш,
Ўз сувию ўзга хунини тўкиш.

Кетди басе даъвиси бундан бурун
То неча ҳиммат қўшилиб келса чун.

Одил ўлу элни дўқидан чўчи,
Тун ярими зулм ўқидан чўчи!

Ҳиммат у жойданки назарлар бўлур,
Хор на этгилки заарлар бўлур.

Ҳиммати олудайи ул неча кас,
Бошига Маҳмудни нелар солди пас?

Ҳиммати неча нафаси бегубор,
Сен-лаки кўр, то не қилур рўзгор?

Йўл юрарларки малоикқадам,
Кашф йўлида қашафдан на кам.

Тиги ситам эт йироқ роҳидан,
То емагай ўқ саҳаргоҳидан.

Додга етиш шарти жаҳондорчилик,
Шарти жаҳон кўрки ситамкорчилик.

Кимки бу тун адлни бунёд этар,
Эртага ўз уйини обод этар.

СУЛТОН САНЖАРЛА КАМПИР ДОСТОНИ

Бир онахонга етиб кўп ситам,
Санжар этагин тутиб, айтди алам:

“Эй, малико раҳмни кам кўрдимо,
Сендан умр бўйи ситам кўрдимо.

Миршаби масти келди мани кўйима,
Тепди неча бор юзу рўйима.

Бегуноҳ уйдан чиқориб таша
Судради сочимдану бомашмаша.

Бас, ситамобод тили бўкириб,
Мўҳри ситамни эшигимга уриб.

Деди: “Ким ўлдирди палончини тун
Сени кўчанг бошида, букри, нечун?”

Излади уйимники қотил қани?
Бу каби ифлос ишинг шоҳ сани?

Миршабики мастдир, ул хун қилур,
Арбада кампир или нечун қилур?

Май нўш этиб шаҳру вилоятда шер,
Кекса хотинларни жиноятчи дер.

Улки бу зулма күзини лўқ этар,
Ситри ману адли сани йўқ этар.

Зарба еди сийнайи мажруҳимо,
Қолмади ҳеч менлигиму руҳимо.

Додима гар етмасанг, эй, шаҳриёр,
Рўзи қиёмат бўласан айбивор.

Доварию додни на кўргаймано,
Зулмидан озодни на кўргаймано!

Шоҳладин қуввати ёрлиғ етар,
Кўр, биза сендан не хорлиғ етар?

Моли ятимларни юлиш иш эмас,
Ташла бу одатники олқиши эмас.

Кекса хотинлар ҳақига чўзма қўйл,
Паст на кет, шоҳ каби номусли бўй!

Бандасану даъвийи шоҳликдасан,
Шоҳ на сен, чунки табоҳликдасан.

Шоҳки тартиби вилоят қилур,
Ҳукми риоят бариоят қилур.

Фармони хатига ҳама бош қўяр,
Жону дили бирла у шоҳни суяр.

Оламини зеру забар айладинг,
То сену охир не ҳунар айладинг!

Давлати туркларни, улуғ юксалур,
Мамлакати адлидан ободу хур.

Чунки зулмкору ҳақоратчисен,
Турк на сен, ҳиндуйи ғоратчисен.

Маскани шаҳр, касринга вайронадур,
Хирмани дәхқонида не донадур.

Келмай ўлим хайр ила эҳсонлар эт,
Қўл етажак, ҳифз ила қўрғонлар эт!

Адлки қандили ёруғ тун сенга,
Муниси эртанг сени бу кун сенга.

Кекса хотунларни дилин шод қил,
Кекса хотундан бу сўзин ёд қил.

Зулм қўлин тортки ночорладин,
Ўқ ёғилмай токи ғамхорладин.

Ўқ отарсанки ҳар гўша сен,
Тўшасидан ғофили бетўшасен.

Фатҳи жаҳонга калид келдинго,
Зулм этиш-чун на падид келдинго.

Шоҳ бил ўзингу жафони кам эт,
Ўзгала реш айласа, сен марҳам эт!

Расми заифлар сенга нозиш бўлур,
Шеванг эса сени навозиш бўлур.

Тингла тиланчилани сен ҳар нафас,
Гўшанишинлар сенга этсин ҳавас.

Санжари иқлими Хуросон олур,
Бу сўзидан шаррки осон олур.

Адлда бу даврда ким турмишо,
Үттизи қүш патла ватан құрмишо.

Шарм на бу торами азрақда бор,
Сув на бу хоки муаллақда бор.

Түр Низомий, ҳадидан афзун эт,
Қалби хуноба ўлурини хун эт!

БЕШИНЧИ МАҚОЛАТ – КЕКСАЛИК ВАСФИДА

Яхши умр кунига түн хүш етар,
Бодға хок, оташига сув кетар.

Бўлди саҳар, сен не учун масти хоб,
Ўтдику девор бошидан офтоб.

Кеч бу азмики жаҳонгирлиғи,
Ёш ҳукм айлама, бу пирлиғи.

Хушкдир ул дилки ғамдан яра,
Ул тузи йўқ, буки бурунги қара.

Шефтадур ақлу табоҳ ўлди рой,
Обиладур илки замон ўлди пой.

Сен ила ер узраки бахшоиши,
Пойни пас торт, гаҳи осойиши.

Бундаки йўқ поклигу олудалиғ,
Тинчлигидан ҳушрагу осудалиғ.

Чашмайи маҳтобларинг сард ўлиб,
Лолайи серобларинг зард ўлиб.

Сочу сочингга Ҳабаши то Тироз,
Тозиу турк айладику турктоз.

Пири иккисочли куну тун сенга,
Таълим этар ёшлиги ҳар кун сенга.

Ёшраги сенданки жаҳонда неча,
Банд эрур қаримай онда неча.

Боди ҳазон лашкари гулга етиб,
Келди қарилигию ёшлик кетиб.

Айбини ёшликни дегайларки, шўх
Кексалик айби юзу унданда чух!

Давлат агар давлати Жамшедидур,
Сочи оқинг ояти навмедикур.

Оқ сочингдур ажалидан паём,
Букри белинг бергуси маргдан салом.

Эзгую ёш мулкила ким баҳтиёр,
Менда на, ё Рабб, дегил кимда бор?

Ёшлик ўтиб ғафлата бўлди увол,
Энди дариг айту дариг сотиб ол.

Йўқ бўлурни ҳар киши Юсуф бўлур,
Йўқ бўлиши жойи таассуф бўлур.

Ёшлиги қадрин не билар музтариб
Қолмагунича ўзи токи қариб.

Шоҳиди боғдир дарахти жавон,
Кекса дарахтни кесадур боғбон.

Ёшлик ўзи гар бари оташ масал,
Қарилиги аччиғу ёшлиқ асал.

Навдайи ҳўл ҳосилики гул бўлур,
Куруғ ўтун ёниб охир кул бўлур.

Қора сочинг бош уза анбар эзур,
Қора тошинг сайрафийи зар эзур.

Ухламагил, аҳди жавонлиғ магар,
Ухламагил, ўтди тун, ўлди сахар.

Отапи табъинг кофури оқ этар,
Мушки табъинг кофури мутлоқ этар.

Чунки ҳаво совуғ ўлиб неча моҳ,
Оқ қорини келтирур абри сиёҳ.

Жомашўйинг рангини бузгай ахир,
Кулбайи хуршеду Масеҳоси бир.

Ювғучисида сифати об ўлиб,
Ранг тўкиши санъати маҳтоб ўлиб.

Рангхари курраи бу ложувард,
Ранг тўкар они Исоси бадард.

Чунки ҳавода жавидан ранг йўқ,
Жумла ҳавода жавига санг йўқ.

Чун туну чун кун дурангий на эт,
Сурати румий, рухи зангий на эт.

То асари зангию румий сенга,
Доги жуҳулию зулумий сенга.

Төғ камаридаки феъли дуранг,
Белини синдириди ахири паланг.

Токи дарахтлар келинидан қиёс,
Гоҳ қасаб кийдингү гоҳи палос.

Бундан этиб хўйи мухолиф таёр,
Иссигу юз жуббаю совуғ на бор.

Шеру палангдек е, кийиб наъра ур,
Қўлга киритгил уни бор умр.

Қорнига то етгучи бор суву нон,
Ҳар косага урма қошиқ ҳеч қачон.

Нон ўчирмас оташингни агар,
Суву гиёҳингни сени ким олар?

Ўзга нонин урмайин о, бахтсиёҳ,
Яхшиси, е, чун хари Исо гиёҳ!

Оташи бу хоки ҳами бодгард,
Нон на берар, олмаса то оби мард!

Гарчи будир даҳмайи зиндонилар,
Нурсиз эрур оташи руҳонилар.

Бўринафас, Юсуфи жонинг нечун?
Шерюрак, мушуви хонинг нечун?

Бир сиқими арпайи буғдойнамо
Деб, анга дил донасини қўймайо!

Нонхўриш сийнанги айла чу об,
Айла дилингдан чу оташ кабоб.

Хок егилу нони баҳиллар на е,
Хок на сен, захми залиллар на е!

Қўл ила қалбингга тикан айла пур,
Танни на ур, қўлни бир ишга ур.

Яхвиси бир ишни бажар хушадо,
Ўзгала қошида на бўлгил гадо.

ҒИШТЧИ ЧОЛ ДОСТОНИ

Шом тарафида эди бир отахон,
Чун пари ҳалқдан эди бир томон.

Ўз кийимини гиёҳдан тўқиб,
Ризқини топгувчи эди ғишт тўкиб.

Тиф урарлар ҳалок бўлсалар,
Гўрда у ғиштин этишарди сипар.

Ғайри у ғишт кимни ниқоби на бор,
Гарчи гуноҳкору азоби на бор.

Бир куни иш бирла эди отахон
Иш уза иш ташвиши ошиб чунон.

Келди у жойданки қазо соз этиб,
Хушрў йигитки сухан оғоз этиб:

“Бунча забун, хор бўлурми киши,
Лою сомонга ботиш эшак иши.

Турғилу тупроғ уза бас, урма бел,
Не аягай бир нонини сендан эл!

Қолипи бу ғишини оташда ёқ
Үзга назар бирла бу дунёга боқ!

Неча кесак бирла такаллуфдасан,
Сув ила хокла не тасарруфдасан.

Үзни ҳисоблаб қарияларсимон,
Ёшлар ишин ёшлара қўй, отахон!"

Чол деди: "Унгаки ёшлиқ на эт,
Кеч бу ишдан, бебошлиқ на эт!

Фишт уриш пешайи пирлар дуур,
Юқ ташиш кори асиirlар дуур.

Касбу ҳунар айлаганим бор буни,
То сенга қўл чўзмайино бир куни.

Ганж учун касга змасман асир,
Меҳнат ила нон егайман, басир.

Азми бу ризқдан уволим на эт,
Гар не чуниндиr, ҳалолим на эт!"

Пири маломатгарининг сўзидан
Қайтди йигит ёш тўкиб кўзидан.

Эрди жаҳондидаю доно у пир,
Топган эди ушбу иши-ла қадр.

Неча Низомий дари дунёни ур,
Дин эшигин қоқ, магар энди тур!

ОЛТИНЧИ МАҚОЛАТ – МАВЖУДОТ ЭЪТИБОРИДА

Лўъбатибози паси бу пардадур,
Бу бари қўрчоқлаки ўйнардадур.

Дийдайи дил маҳрами бу парда соз,
То не бурун пардасидан келса боз.

Ул тарафи пардайи зангоригун,
Орияти борлари ғоят бурун.

Гавҳари кўзи адабидан чароғ,
Хизматига дил камари бўлди боғ.

Ҳечки бу нуқтаи паргорм эмас,
Бу хати доирайи даввор эмас.

Бу икки-уч маркабин эгар этиб,
Бизлар учун қўлини тегар этиб.

Илгарироқ жунбуши бу тозалар,
Янгисафарлар – қуҳановозалар.

Пойгаҳи ишқ на биз эдимиз,
Ишқи ғамини наки биз едимиз.

Икки жаҳонда этишар айб-ҳунар,
Иккиси фитроки сенга ғам унар.

Сен каби оламда на ҳамхонае,
Ер қушига сен каби беҳ донае.

Кеч бу қушиданки табиаткарош,
Мисли семурғ бўл бу қушига бош!

Мурғи қафасдир Масеҳоларинг
Эшиги остингдаю юксак паринг.

Чангалин эт ёки қафасдан жудо,
Үз қафасинг ёки қил андин раҳо.

То молини сўйи вилоят этар,
Үз қанатинг бирла ҳимоят этар.

Гар ўтасан неча бу даҳлези хок,
Лавҳи гуноҳинг ювиб этгайла пок.

Хотимайи оқу сиёҳлиғ бўло,
Маҳрами асрори илоҳлиғ бўло.

Саҳл бўлоки қадами анбиё,
Аҳл бўлоки ҳарами кибриё.

Икки жаҳон йўлики қўшманзилинг,
Йўл яримиdir нафаси бир дилинг.

Улки асосинг сени бу гилдадур,
Каъбаи жонинг ҳарами дилдадур.

Нақши қабули дили равшанпазир,
Гарди гилеми сияҳ олма ахир.

Сурмакаши дидайи нарғис сабо,
Мис тўнини рангга бўяр кимиё.

Тан не эрур? Бир сиқими гилдадир,
Ҳамдилу ҳам дилки сўз дилдадир.

Бандайи дил бўлки султонсано,
Хожайи ақлу малики жонсано.

Нармийи дил истасанго нефавор,
Нофасифат айла дағал танни хор.

Сенга дағал түнидан авлоси йүқ,
Хұмм ипак түніга фатвоси йүқ.

Оқуни хублиги дағалпүстлиги,
Риқши үшал номзади дүстлиги.

Мушк хашин ичрадир оромгир,
Бўлди пароканда чу кийса ҳарир.

Гар шакар ўлсанг нафаси тангда соз,
Гар гүхар ўлсанг садафи сангда соз.

Гоҳ чу тун лаъли саҳаргоҳи бўл,
Гоҳ чу саҳар захмгаҳи оҳи бўл.

Ғам юкини торт қаро бўлса тун,
Ҳар неки ранж кўп, иноят фузун.

Аҳли вафо етгусидир қайга гар,
Кўпраги ранж йўли бирла етар.

Нузли бало оғияти анбиё,
Улки сенга оғият ўлса, бало.

Захми бало марҳами ҳудбинлиги,
Талхлиги май мояси шириналити.

Ҳориси аждарларики ганждалур,
Хозини роҳатларики ранждадур.

Сарв бўлу бандадан озод бўл,
Шамъ бўлу ўзни ебон шод бўл!

Ранжки фарёд этар соҳатинг,
Ранжни ортида расо роҳатинг.

Чарх на боғлар бошингга тугун
Ўзга тугун ечмасидан бил бурун.

Ул сафарики, роҳи озодлигинг,
Лашкари ғам бирла келур шодлигинг.

САЙЁД ИТИ ВА ТУЛКИ ДОСТОНИ

Бор эди бир овчи ажаб тезбин,
Бодия кезгувчи йирофу яқин.

Шер кучуги бор эди чангсолар
Сояйи хуршед ила оҳу олар.

Гарданидан титрар эди каркидон,
Тишларига ем бўларди қулон.

Этса сафар муниси ёри эди,
Туну куни бирга шикори эди.

Эрди кўнгул меҳрчироғи ҳабиб,
Тун қоровул, кундузи ризқу насиб.

Йўқолиб ул шерити шермард,
Еди мушук жигарини дилда дард.

Деди: “Бу йўлдаки арочи қазо,
Ит пойига каллаи шери баҳо.

Гарчи бу ғам бирла жигар жон олур,
Ўз жигарин тишлаб этиб қон олур”.

Собиru ул эрмас этиб бовужуд
Ҳар жави сабри дираме берди суд!

Масхаралаб тулкики маккорадур,
Деди: “Сабуриг на эт, эй носабур.

Эшитаман, йўқ югуришга ҳунар,
Сен яша кўп, бўлмасада ит магар!

Кечаги наздингдаги нахчиридур,
Тез югурдию адамгиридур.

Сенгаки булкун шикор этди у ит,
То икки ой сенга бас, эй шерийигит.

Тур кабоб айла бадил мисли шер,
Гўштини е, пўстини дарвешга бер”.

Мойли таомларки ер эрдинг бурун,
Тулкийи семиз на е бундан фузун.

Соғсан ошаб равғани аъзойимиз,
Барҳам ўлиб сен ила сафрайимиз.

Ундан узоқда жигаринг хор эрур,
Ғам ема, бу сенга не даркор эрур?

Овчи деди ҳомила бўлгувчи тун,
Бу ғами бир кунлигидур мен учун.

Шод эрурман анга бу дайри танг
Шодлигу ғамни на тутувчи таранг.

Бу бари ўлгичу бари бандадур,
Қолаби ичра бори гардандадур.

Анжуми афлокики чарх тутгучи,
Роҳату меҳнат бариси ўтгучи.

Шодкўнгилманки дилимда ҳузн,
Шодлик ўлур ғам келишидан сўғун.

Мени бўримга Юсуфи етди пок,
Бўри на мен, тўнини этгувчи чок.

Мендан олишса юлиб эй, ҳийласоз,
Сен каби сайд бирла кетургайла боз.

Сўзлар эди улки таралди ғубор,
Чанг ичидан чиқди ити ошкор.

Икки-уч атрофида жавлон уриб,
Тишлади тулкини бадандон, ҳуриб.

Деди: “Бу хил хўрдаки дер келдимо,
Тулки билиб қўйки, чу шер келдимо.

Думима осилдингу дининг мубоҳ,
Тулки аниқ кавладинг ўзингга чоҳ”.

Кимки аниқроқ иродат этар,
Охири иши басаодат этар.

Изла аниқ йўлки ҳар ҳосили,
Йўқ муборакроғи бу манзили.

Юрса оёғинг аниқ сар бўлур,
Тошни гумон айла, аниқ зар бўлур.

Гар қадаминг бўлса аниқ устувор
Оташидан сув, сувидан чанг чиқор!

Кимки таваккал ила иш юргизар,
“Ха, карам-ур-ризқни ал-Аллоҳ ёзар”.

Пашшайи хону чиқини кас на бўл,
Олдида бўл, ортдаги иплас на бўл!

Ризқу рўзинг қайтмагай эшикдано,
Кори Худо қил, ғами ризқ емаё.

Эшигига юр, У булардан ҳабиб,
Ризқ сўра Ундан, У берувчи насиб.

Мену сену ким эшигидан ўтар,
Қайтма қуруқ, ризқ берар У, кўтар.

Аҳли яқин тоифаи ўзгалар,
Гар биз эсак пой бори бошdir алар.

Чун сари сажжодайи об айлашар,
Ранги асал бар майи ноб айлашар.

Умр қароринг ўзи кунлуғ эмиш,
Нега керак сенга асрлиғ емиш?

Суратимизники амал айлашар,
Қисмати ризқ-рўзи азал айлашар.

Ризқни ўшал жойидан этмиш ато,
Бунда егайсан уни, воҳасрато.

Гарчи бу халқ жаҳд басе қилди хўп
Емади ризқдан бирор кимса кўп.

Жаҳд қил унгаки сенга ўлди аҳд,
Ризқ ила давлатни оширгай на жаҳд!

Жумлайи оламдан ўлурсан азиз,
Тавфиқ ила чўк Худойингга тиз!

Жаҳди Низомий нафасе эрди сард,
Тавфиқи тафти ила йўл топди мард!

ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ – ОДАМИЙЛИКНИНГ ҲАЙВОНЛИКДАН АФЗАЛЛИГИ

Эй, ер уза чун фалаки нозанин,
Нозкашинг ҳам фалаку ҳам замин.

Сенинг ишинг ундаки топдинг хабар,
Сен гумон этгандан ўлиб нек магар.

Аввали ул энагадан баҳравар,
Сут на ичдингки, ичириди шакар.

Эзгулигинг бўйлаки афзун бўлур,
Афзали неклиги яна чун бўлур?

Сени қалам учила йўнмиш ўшал,
Нақшу вужудингни этибон гўзал.

Риштайи жонни жигарингга тугиб,
Гавҳари танни камарингга тугиб.

Беҳки, заифсан бу марғзорида,
Семиз оҳу чолмагай ўтзорида.

Жонвари борки ғуломинг сенинг,
Қуши алаф егичи доминг сенинг.

Сен чу ҳумосен, шарафи кор бүл,
Кам ею кам дею камозор бўл!

Кимни кўурсанки оқу қаро,
Бир иш ила банд эрур даҳр аро.

Бойқуши шум эрур афсонада,
Булбули ганжинау вайронада.

Ҳар не бу пардада нишоники бор,
Тан емиши қимати жоники бор.

Гарчи сенинг чун камандида дур,
Чун бари сен гавҳари оламдуур.

Кўпу камини санагил, не унут,
Ранж бақадри дияти кўзни тут!

Яхши ёмон мулк бароринг сени,
Нек – бадида оинадоринг сени.

Кафш берурсан, берурлар кулоҳ,
Пардан оч, парданг очарлар чу моҳ.

Турғилу пардани на оч субҳивор,
Тун каби то номинг ўлур пардадор.

Пардайи занбур гули суридур,
Сеники бу пардайи занбуридур.

Қанчаки учма чу чивин баҳри қут,
Тортанак оғзига тушар бовужуд.

Пардагилардаки бор эрди жаҳон,
Сени сиринг ҳақда на очди даҳон.

Парда йўлидан юриб бас, фузун
Пардасидан ложарам ўлдинг бурун.

Дилки на пардада видо айлама,
Ҳар неки пардада само айлама.

Шаъбадабозики бу пардадур,
Бошинга не парда солиб ўйнашур.

Ғайри бу пардаси кўлинг урмәё,
Хорижи бу парда на этгил наво.

Пардасини тинглаю бедори бўл,
Хилватийи пардайи асрори бўл.

Жонидано жисминг ила покрак ўл,
Чунки қириқ кунгача зиндони бўл!

Зиндон эранларга шараф келтириб,
Юсуфи шу боиси зиндон кириб.

Қадри дилу пояни жон топилар,
Ранж на чекмай на осон топилар.

Сийми табиатни ҳисоби маҳол,
Зарри табиати риёзатла ол.

Токи риёзатла топурсан мақом,
Одамиликмас таяниш касга хом.

Табъни тулпори чу роминг бўлур,
Сиккайи ихлосли номинг бўлур.

Ақлу табиатки сенга ёр ўлур,
Қиссан оҳангару аттор ўлур.

Иссиғидан обиларўй айлагай,
Хуш нафаси ғолиябўй айлагай.

Қасри табъингда нажот озгина,
Қафаси ўлимда ҳаёт озгина.

Ҳар не хилоф келгучи одат бўлур,
Қоғиласолори саодат бўлур.

Бошни ҳаводан буриш шоҳлиго,
Тарки ҳаводир қуввати анбиё.

Гар нафасе нафсинга солсанг инон,
Кафшни келтир, сеникидир жинон.

Нафс жарасидан чиқаргил гирев,
Бандайи дин бўл на муздури дев.

Дин ҳарамида ҳимоятга қоч,
Токи нажот эшигин охират оч!

Оташи дўзахки чунон ғолиби,
Бўйи наби посбони Бўтолиби.

Бор ҳақиқат назари баҳтлилар,
Поклара зирхини қалқон қиласар.

ФАРЕДУНЛА ОҲУ ДОСТОНИ

Неча яқин дўстларила тонготар,
Ташга тамошо Фаредун йўл босар.

Ов учун келганида марғизор,
Оҳучани кўрди Фаредуншикор!

Бўйни қулоғи хусуматдан нетар,
Кўзи гўзалликла шафоат этар.

Дединг у жойдаки кўз ташлабон,
Шоҳни кўриб сакради чўрчиб ямон.

Шоҳ ўшал сайдга чун сайд ўлиб,
Борлиғила бастайи ул қайд ўлиб.

Оти анга чун жигарин гарм этиб,
Пушти камон қорни каби нарм этиб.

Ўқ унинг изила кетди хато,
Оти етолмай изидан толдиё.

Ўқга деди: “Ул пари кининг қани?”
Отга деди: “Ул таки дининг қани?”

Иккиларинг етмайу бечорасиз,
Хўрдайи ул хўрд гиёҳхорасиз”.

Ўқи бўлиб тил бари, эй марзбон,
Бўлди назаргоҳ сенга бу безабон.

Диръ канопингда сени жавлон урар,
Диръинг уза ким сени пайкон урар?

Яхши эмас боқса бу хил сарвари,
Чалса дафин жуз кафи хунъёгари.

Доги баланд қил талаб, эй хушманд,
Токи баланд догидан ўлсанг баланд.

Сурати хизмат сифати мардуми,
Хизмат этар одами, на хар думи.

Афзали йўқ одами соҳибназар
Аҳдни адо этса амалда магар.

Илки вафо дар камари аҳд қил,
Аҳдбузар бўлмаки то, жаҳд қил!

Ганжнишин морки дарвеш эмас,
То думи бошдан камар беш эмас.

Бўлди фалак изи ила тожи сар,
Хизматидан борлиги ўлди камар.

Кимки ҳунарга ўзини чоғлагай,
Хизмати йўлида камар боғлагай.

Шамъки ул хожагийи нур топур,
Хизмати белбоғила занбур топур.

Турки, Низомий нимани чоғладинг,
Хизмат учун не камаре боғладинг?

САККИЗИНЧИ МАҚОЛАТ – ЯРАТИЛИШ БАЁНИДА

Собиқи аввалгиларида вужуд,
Сув на ичишди етиб наҳри жуд.

Илки бу мулкида йўқ эрди ясор,
Бу йўли хокида йўқ эрди ғубор.

Ваъдайи таъхир на бошда хаёл,
Пардасидан чиқди на таш гулжамол.

Туну куну кулфати на бор эди,
Жону тани улфати на бор эди.

Кашмакаши жаврида аъзо ҳануз,
Эт, на эту адл не пайдо ҳануз.

Файзи карам қилди мувососидан,
Ташлади томчисини дарёсидан.

Ҳоле ўшал қатрадан ўлди бурун,
Бўлди равон бу фалаки сувли чун.

Оби равон гарди ила хушчирой,
Жавҳари жисмингга қоришдила лой.

Чунки туарсен бу коргоҳидан,
Қўзғалади чанг юрар роҳидан.

Эй, хунук ул дамки, жаҳон сенсизинг,
Нақшингу бесурати жон сенсизинг.

Чашми фаалк фориги бу жустужўй,
Етди жаҳон элига бу гуфтугўй.

Токи бу йўлда наки қўйдинг қадам,
Шукр басе этди вужуди адам.

Фориги бу боғланиши рўзу шаб,
Номия иннину табиат азаб.

Боги жаҳон заҳмати хори на бор,
Хоки саросима ғубори на бор.

Толеи Жавзоки камарбастадур,
Томир урар шиншила пайвастадур.

Ер уза ой бўлдику чун юз қаро,
Неки қўёшни қиласан иззайо.

Зуҳра ҳануз сувни гула не тўкар,
Шаҳлари Ҳорут Бобила не тўкар.

Сендану тоқдир замину осмон,
Четда сени қайғунга тўлди жаҳон.

То сенга туғрои жаҳон тозадур,
Гумбази перўза пурвозадур.

Чашми бадингдан кавокиб иниб,
Кавкабай маҳди кавокиб синиб.

Ою йили айласада яхшилик,
Токи на сен айладинг ошночилик.

Рўйи жаҳон ойинайи пок ўлиб,
Бу дамидан неча халалнок ўлиб.

Машъалайи субҳни ўчирдингки шом,
Козиби содиқи қўйибсенки ном.

Хоки замин оғзинадир осмон
Токи на наздингда белин боғлагон.

Чун фалака мевайи жон десалар,
Эшитасанки базабон десалар.

Афсуси тожингки бошингдан беҳ ул,
Тўрва эшакдан итидан яхши жул.

Лофт басе бўлдики бу лофтгоҳ,
Сенга жаҳон арзимасу хоки роҳ.

Сен ўзи кафт хокини жона бериб,
Арпа сомонини жаҳона бериб.

Ер юзи эй, сендан ўлиб зери ранж,
Сени жойинг зери замин беҳ чу ганж.

Ёғли миянг сеники симобидур,
Сард бу хил финдуқи санжобидур.

Улки чу финдуқ на қилур хона танг,
Кечки будир финдуқи санжобиранг.

Оқу қародан туну кунлар жудо,
Мошгуруч пўсти палангаждаҳо.

Гурба на сен, қўлни на этгин узун,
Ваҳший мушук бирла на этгил ўйун.

Шер юрар йўлида қолдирмиш из,
Сувга на тиқ бошни сен чун ҳўкиз.

Гар фалакинг ишвайи обе берур,
То на фиреб еки саробе берур.

Тез на юр, оби фалак кўрдинго,
Оби даҳон ички, намак кўрдинго.

Ташна то қолмайки батадбир бўл,
Хирмани қўйган чу табошир бўл!

Юсуфу сен то забари чоҳ эди,
Мисри илоҳийси назаргоҳ эди.

Зардрухи чархи кўкидан қўйун,
Чунки бу хил чоҳдан ўлибсан бурун.

Бу ҳама сафрою юзи сарғайиш,
Сиркайи қошингга на қилди бир иш.

Сени жиринг равғани юз йилгидир,
Сиркайи ўн йилги қошинг нилидир.

Хуни падар кўргани бу етти хон,
Сув на тўқ “аз пайи” бу етти нон.

Хирманинг ўт олса чу мой сепасан,
Давлати баҳтингни аё, тепасан.

Сакра, югиргилки, бу майдон сенга,
Иш буюргил, ҳама фармон сенга.

Бу ики-уч кун жомини ич ҳалол,
Хуш егишу ухла хуш ором ол!

Ҳам сенга қаттиқ жафо этдилар,
Ул расанинг суст раҳо этдилар.

Кунда оёқ букри белинг бўлди кўз,
Ўз ёғинга қоврилурсан ҳанўз.

Ушбу жаҳонда дағали хорисан,
Рўзи қиёмат ўтуни норисан.

Нону сувин қорнинг тўлдирмагил,
Енгил ўлу бўлма у пайт мисли зил.

Ейиш ила кўп яшаса гар касе,
Ҳар киши кўп еб, яшарди басе.

Камдир умр, боиси шул пурбаҳо
Қадри умр камлигидан, эй даҳо!

Кам егибу кўпраги роҳатни кўр,
Кўп егибу кўп жароҳатни кўр!

Хўрд ила ақлингни не бозори бор?
Ҳирсни бил ишинга озори бор.

Ҳирсинг ўлур фитнасидан ношикеб,
Кечки будир аblaҳи зиракфиреб.

Ҳирс ила сенга берилди ақл,
Ема бўкиб, гоя шу эзгу нақл.

Ваҳм этарам пешада пеш этишар,
Ранглазирандайи хеш этишар.

Ҳар неку бадки бу маҳзардадур,
Бир-бирига боғлиқу ҳампардадур.

МЕВАФУРУШ ВА ТУЛКИ ДОСТОНИ

Мевафурушеки Яман жо эди,
Тулкичае хозини коло эди.

Чашми адаб йўлига тикконидур,
Кулбайи баққолни нигаҳбонидур.

Киссавури неча солар бўлса даф,
Усталиги бермади ишида наф.

Кўзларини юмди шитобин олиб,
Ухлади уйқу раги хобин олиб.

Тулки кўриб ухлашин ул бўрини,
Уйқуси келди қуритиб шўрини.

Киссавур ул хобни ғанимат билиб,
Чўнтағидан борини кетди шилиб.

Кимки бу йўлда гар этар хобгоҳ,
Боши кетар, ёки бошидан кулоҳ.

Турки Низомий на ётиш вақтидир,
Барчаси таркини дейиш нақдидир.

ТҮҚҚИЗИНЧИ МАҚОЛАТ – ДУНЁВИЙ ЖОХУ ЖАЛОЛНИ ТАРК ЭТМОҚ

Эй, ки висол кечасидан боқадр,
Байроғи тонг сояси пуркаб атири.

Соясифат неча чекурсанки ғам,
Туру адлроқ күттаргил алам.

Шоҳларидек келгали азм айлашар,
Ўрни бурун эл гапига шайлашар.

Азми йўл айла малик ўлсанг агар,
Дабдаба бирла этиб азми сафар!

Ўздан олдин савоб истабон,
Эртаги тўшангни бугун эт равон.

Хонайи занбури тўла шаҳд-асал,
Оқибатин ўйлагай у ҳар маҳал.

Мўрки мардона сафе тортадир,
Эрта учун елкага юқ ортадир.

Одами ғофил на агар кўр эмас,
Не ками ул наҳлу ва бу мўр эмас.

Кимки жаҳон истаса, осон егай,
Тобситон барги зими斯顿 егай.

Жуз мену сен кимки бу тоатдадур,
Сайрафийи гавҳари соатдадур.

Ҳиммати кас оқибатандеш эмас,
Кўриши кас то нафасе беш эмас.

Манзилимиздир фалаки бешлиги,
Манзилати оқибатандешлиги.

Йүқки ҳар навъида күрсам басе,
Оқибат этгувчи чу биздан касе.

Оқибати ишни күришлик тугал,
Комаи ваңт жондан арчи гүзал.

Бизлаки огох күнгүллар чу пок,
Гавҳаридурмиз, магар кони хок.

Келганидан бизлара келгай асар,
Ҳар неки бўлса топиб ундан хабар.

Жонла ўқиб резайи андешанок,
Абжади нўҳ мактаби бу лавҳи хок.

Кимсаси не доғи, сену мен эдик,
Мевайи бу боғи, сену мен эдик.

Сени хокингни элаклаб у кун,
Дил или қоришдила маъжун учун.

Сени хокинг маҳсули ранжалдуур,
Бу дили хокда басе ганжлардуур.

Қиммати бу хокни бил боҳузур,
Хокни шукрини қил, эй, ношукр!

Манзилатинг бил у қайи роҳидан,
Келмоғу кетмоғи бу жойгоҳидан.

Бу сафари келмаги ройинг надур.
Ҳикмати кетмоғи бапойинг надур?

Аввали бу мулк на бноминг эди,
Бу дәхи вайрон на мақоминг эди.

Фарри ҳумои малакида эдинг,
Авжи ҳавои фалакида эдинг.

Гар пари ишқингда ғоят на бор,
Роҳи абадийда ниҳоят на бор.

Чарчадингу ер уза дам олиб,
Суву хоки устига соя солиб.

Боз бу гўрдан чиқасан бофироқ,
Домани хуршидга қўюрсан оёқ.

Гарчи мужарадсане тоқ касе,
На ани қошида қолурсан басе.

Ғайри тараддуға бароринг на бор,
Бир ипи учига қароринг на бор.

Муфлиси эҳсончи ўзинг вақти жуд,
Эскию янгиси ўзинг бовужуд.

Кечки бу онайи фарзандикуш,
Ул не ота деди, ақл эт баҳуш!

Ўз отангта қара, эй сода мард,
Суннатин ол, боқ не қилди бадард?

Мунтазири роҳат ўтирма, бўла,
У бу хил умрингла на келгай қўла.

Гар нафасе табънавоз келдинго,
Умр ўтиб ўйина, боз келдинго.

Қайгуру күнгилки қаю гилдасан,
Шод ўтиргувчи не хил дилдасан.

Улки анга деди фалак шод бўл,
Ул не мену ул не сен, озод бўл!

Ранж учун биз падид келдимиз,
Сўзлаб эшитмакка бадид келдимиз.

Зўрлаб олиш адлу жаҳонеки бор,
Тўғри эмас ҳар нима жонеки бор.

Ранг нечун келсанг агар майсимон,
Келгучиларнинг изидан бегумон.

Токаю токай бу бўлур рўзгор,
Келишу кетиши на боихтиёр.

Не шаку ундахи адам ҳеч эмас,
Шак вужудга келури кеч эмас.

Тез на уч, аста йўла келдинго,
Зуд на кет, кеч қўла келдинго.

Вақт келурки оломон ҳарб этар,
Сиккамиза янги дирам зарб этар.

Янгилагайлар бу гили гандани,
Қайта йигишгай парокандани.

Эйки бу кундан неки сен шармисор,
Охири ул бир кунидан айла оп!

Бу ҳама меҳнатки фаропешамиз,
Ушбу сабурлигу дили решамиз.

Маркаби бу бодия диндириу бас,
Чорайи бу иши чуниндириу бас.

Йўл машаққатли, на бўл сустрон,
Суст гумонлиғ на қил, эй сахтжон!

Ойинайи жаҳдни олдингга тут,
Боқ юзингга шукурин на унут!

Тавба қил, этгувчи қабулдир Худо,
Жумлаи тақдирга кўн, этма гуноҳ.

ТАВБАБУЗАР ЗОҲИД ДОСТОНИ

Масжидиси бандийи офот ўлиб,
Жойгири кўйи харобот ўлиб.

Йиглади май оғзига элтганча, ҳа,
Эй, мани бечорасига чора на?

Орзу қуши учди дилимда узоқ,
Донайи тасбеҳ менга қўйди тузоқ.

Каъба манга роҳзани авқот эди,
Асли уйим кунжи харобот эди.

Толеъий бад эрди бадахтармано,
Номзади кўйи қаландармано.

Чашми адаб зери ниқоб мендано,
Кўйи хароботи хароб мендано.

Танг жаҳони мани маҳжургадур,
Гарди ганоҳдан этагим тозадур.

Гар на қазо эрди ману Лот қачон?
Масжидию күйи харобот қачон?

Химмат ўшал жойда, назаркардада,
Деди йигит, бор эди ул пардада.

Ташла бу одатни, қазодан қил ор,
Қисмати пас сен каби юз мингта бор.

Узр эшигин очу гуноҳданда қайт,
Ул гаҳи шундоғ ҳадис борки айт:

Борсанг агар тавбапазир элтишар,
Йўқса, келиб сени асир элтишар.

Сабзани ўтлаш забари хок бас,
Найшакари кўкишинг афлок бас,

Келмаса уйқунг, тила ҳақдан ризо,
Озгинасин охирата эт ғизо!

Хуш на эрур кўзида хунобидир,
Зиндасию ўлигу уйқули бир.

Динки сени кўрди чунин мости хоб,
Чеҳра ниҳон айлади зери ниқоб”.

Тур, Низомийки, малик ухлаюр,
Тун ярими бунда не бор, отни сур.

ЎНИНЧИ МАҚОЛАТ – ОХИРУЗЗАМОН КҮРИНИШИДА

Эй фалак оҳиста, бу даври неча,
В-эй, ер ўл осуда бу жаври неча.

Ҳар шомидан сўнгра келур чошгоҳ,
Охири бардош тубанлигу оҳ.

Ер табақотида чу босгай ваҳм,
Зилзилат-ус-соату шайун азим.

Ерни севишликка сиёsat тузиб,
Ҳалқайи занжири фалакни узиб,

Бод тани шефтани тиргизур,
Силсилани шефта истар узур.

Кимла гаров ўйнади ер, бу замон
Ялла ечурми камари осмон?

Шомида ранг тонгда на бўй турар,
Чархда чавгону ери гўй урар.

Хоки дари чархи баринни урар,
Чарх миён баста заминни урар.

Ҳодисайи чархи каминни очиб,
Бирма-бир андоми заминни очиб.

Пири фалак хирқа чокин сўқадир,
Риштайи гил муҳрасини тўқадир.

Чарх урар пастгаю якто бўлур,
Чарх уриб ер эса боло бўлур.

Иккисидан фориғ үлур дардимиз,
Икки йўлида на қолур гардимиз.

Ҳам фалаки шуғлинги сокинидур,
Ҳам замини макринги эминидур.

Шарми келур анжуму афлокни,
Қанча шарафлашса кафи хокни?

Морсифатдур фалаки ҳалқавор,
Хок егай мор саранжоми кор.

Эй, жигари хокики хун сиздано,
Ким бу хок узра бурун сиздано?

Хок бу хил хунлиғу пурғам нечун,
Ранги хуми азрақи мотам нечун?

Гар на камингоҳ қуриб олгайлаё,
Бу гилини, бу хума солгайлаё.

Этаги бу хунбарайи дуднок
Пок ювинг еттисуву бирла хок.

Хирқайи анжумни фалакдан узинг,
Хатти харобини жаҳона тузинг.

Ер бошига тезюарар осмонидан
Воқеа тез ўтгучи пайконидан.

Унда муқим ишлари бўҳрон бўлур,
Жунбуши афлоки намоён бўлур.

Бош учар, хоҳласа чунки синар,
Титраши бул кун хок уза не тинар.

Душманинго бу садафи мушкранг,
Күзи тұла дурдану дил пурнаңанг.

Бу на садаф, гавқари дарёйидур,
Бу на гуҳар, маъдани бинойидур.

Кимки уни күрса фигони чиқар,
Күзни зумуррадга чу аждар тикар.

Ложарами нури назар ўзи йүқ,
Дийдаси бор мингта күрар күзи йүқ.

Роҳи адамни на күрурсан нағиз,
Ўзга күзила күрасан bemafiz.

Дарди сари чалса оёқданки, оҳ,
Кимса оғила юрарсан на роҳ!

Гар фалака юксалажак зарру зўр,
Гўр бўлур баҳрайи Баҳроми Гўр.

Бу кўйида не ёпадурсан эшик,
Бу томидан бош чиқар йўқ тешик.

Бўл, будир хонайи зиндонилар,
Дарчаю дар баста чу буҳронилар.

Чанд ҳадису фалаку ёдидур,
Хок қўяр каллайи пурбодидур.

Ранжимагин кўқдану текин йўли,
Тортса сомон арзиши арпа-сули.

Учмали бу гумбазидан құшга хос,
Токи бу дунё ғамидан бўл халос.

Ваҳм бир ипдир нозик мисли қил,
Ичкалик касридан ўлмиш хижил.

Ожизи ваҳми хижил рўйни кўр,
Мўй-бамўй бу роҳи чун мўйни кўр!

Бир тола сочин бошидан олмагил,
Йўқса чиқ ташга ҳамирдан чу қил.

Қўлга бундан кирит беҳ самар,
Бад бўлур бунда ўтурсанг агар.

Пуштайи бу гул чу вафодор эмас,
Унга қарашиб, маслиҳати кор эмас.

Ҳар қулоҳи жойи сарафкандалиғ,
Ҳар камар олудайи юз бандалиғ.

Ҳар ҳунари таънайи шаҳри анга,
Ҳар шакари заҳмати заҳри анга.

Оташи субҳики бу дунёда бор,
Заррайи учқуни жаҳаннамшиор.

Моҳқи, чароги фалакийдур тани,
Хуршиди файзидан ани равшани.

Абрки жондоруйи сўлган ҳазон,
Ҳам қадари балғами совуқдаҳон.

Сувдаки осойиши жонлар дурур,
Кемали билгайки зиёнлар дурур.

Хонайи пурайб бу дунёсиё,
Ҳеч не айбига солурсан нигоҳ.

Кўзни юмарсан чу ўз айбингдано,
Ўзгалар айбини очурсан яно.

Айбнамолиғ на эт ойинавор,
То на сўзингдан бўлу айбли хор.

Ғийбатидан тилни тиндир ва ё,
Ойинайи айбини синдир ва ё!

Ўзгалар айбини мудом сен кузат,
Суратинга боққилу феълинг тузат!

Барча неларда ҳунару айби бор,
Айбламай, этгил ҳунарин ихтиёр.

Не топасан тунда ёқибон чароғ,
Кун қафаси ичра кўрунгувчи зоғ.

Товуси патики эрур зарнигор,
Оёгини айбламагай ақливор.

Зоғки ани барча танидур сиёҳ,
Қўзлари оқдур анга сол нигоҳ.

ИСО ДОСТОНИ

Пойи Масеҳоки кезарди жаҳон,
Ўтди бозорча бошидан ногаҳон.

Бўрибосар кўрди гузарда ғариб,
Юсуфи чоҳдан чиқиб эрди қариб.

Хаста кучук бошида бир тўп хароб,
Мурда егич каргасидек, ўй сароб.

Деди, бири ваҳшати бирла димоғ,
Бир нафас ўтмай ўчар умри чароғ.

Ўзгаси деди, неки бор ҳосили,
Кўрлиги кўзини, балойи дили.

Ҳар кас ўшал ҳақда навое этиб,
Бошига ул итни жафоे этиб.

Навбати сўзлашга чу Исо етиб,
Айбни раҳо қилдию маъно етиб.

Дедики нақшинли хуш айвонидур,
Оқ садафинг не уни дандонидур.

Ул ики-уч тандаги ваҳму умед,
Садафидан тишлари дурдир сапед.

Ўзгани айблаб дема ўзни тугал,
Ёқа аро кўзни яширсанг гўзал.

Ойинани бир куни олсанг бадаст,
Синдир ўзингники на бўл худпараст.

Ўзни ясантирма мисоли баҳор,
То тамаъ сенга не этар рўзгор.

Жомайи айбингни тўқишиган тунук,
Сенга тўқиз парда тагидан хунук.

Не бу эрур ҳалқайи бармоқ узук,
Тавқ эмас, анга назар сол тузук.

Итки на сен тавқи сурайё на торт,
Ҳарки на сен, бори Месеҳо на торт!

Ким бу фалак? Кекса ғарип бевадур.
Не бу жаҳон? – Дардзада бир мевадур.

Жумлаи дунё қадиму янги ҳам
Чун бари ўткинчи эрур бир дирам.

Андуҳи дунё ема, эй хўжа чўк,
Гар ичасен, бахши Низомийни тўк.

ЎН БИРИНЧИ МАҚОЛАТ – ДУНЁНИНГ БЕВАФОЛИГИ

Тургилу дунёни унут чекма дард,
Улки вафосиз ўзи бу тахтанард.

Нақши мурод эшиги васлин на сўр,
Хислати инсоф ила хаслин на кўр.

Пойи бу денгизда киме кечадур?
Тўлқунида бўхчани ким ечадур?

Боз деди батгаки, саҳро сара,
Деди: “Тунинг хуш, манга дарё сара”.

Эйки бу гам кемаси узра сувор,
Сени хунинг гардани молингда бор.

Ташла юкинг, ранж ила тер тўқтирас,
Нон на берар, токи сува чўқтирас.

Кунжи амонлиғ на эрур бу жаҳон,
Мағзи вафосиз бу қуруқ устухон.

Заррачалик не бу жақон нози бор,
Торт оёқ, берма анга ихтиёр.

Ул неки бу моидайи осимон,
Косайи олудаю йүқ парча нон.

Ҳар киши күрди уни юмди дақон,
Кимки уни деса, қуйикдир забон.

Хеч на маҳмилдаю бунча жарас,
Косада йүқ ҳеч нею бунча магас.

Ким бу товоқдан еса бир ошам,
Бош косасин айлади қошида хам.

Йүқ бу дунёда ҳама йил савоб,
Фитнаю андешаю ғавғойи хоб.

Хилват ўзингга эт адамхонани,
Қўй бу деҳ – кулбайи вайронани.

Туйнуги бу хонани ёпгил бадуд,
Хонани хотинга сотишдан на суд?

Қўлни бу оламга уришлик нечун?
Ўз қоринингдан чиқарибсан бурун!

Кеч бу жақонидану беғам яша,
Ўт замонидану хуррам яша!

Йўл сенга олисдиру манзил узоқ,
Охират озигини йиф бетузоқ.

Хосаки бу бодияси девсимон,
Дўзахи маҳжур этар ташнажон.

Оби жигар чашмайи ҳайвонидур,
Чашмайи хуршеди намақдонидур.

Шўри уни bemазаларга шароб,
Шўр тузин кўргучи кўз чун кабоб.

Сув эмасу ушбу тузи сувсимон
Заҳрайи дил оби дилу заҳра қон.

Йўл, ки дил кўрганидан хун бўлар,
Қофилайи табъ у била чун бўлар?

Оташи бу бодияйи дев басе,
Хонайи дил тангу ғами дил васе.

Кимсаки бу бодияда табъ туяр,
Бағри совиб, заҳраси ўтда куяр.

То нетасан бу гили дўзахсиришт,
Турӯ дўзахни беру олгил биҳишт.

То бу бўлур ҳайкали хоки ғубор,
Пойма-пой мавҳ этар рўзигор.

Оқибатинг элгаким чўх қилур,
Қўлма-қўл икки аро йўқ қилур.

Чунки сўйи хокда топарсан қарор,
Ўтади бу хок бошида неки бор.

Қўл тагида кимсани на пойла эз,
Сендек оёқ остида у рез-рез.

Кимса жаҳондан наки обкетти жон,
Кимса бу хатни на тутатди, аён.

Пой бу тикон узра на қўйгилки, тур,
Ўзни тикондан авайлабки, юр!

Ул не мақоминг сени эрмас муқим
Жойи хатардур, нетасан жойи бим?

Манзили фонийки, қарорин на кўр,
Боди хазондирки, баҳорин на кўр.

СОҲИБНАЗАР МЎБАД ДОСТОНИ

Мўбаде Ҳинд ўлкасида бир замон,
Йўл қаратган эди бўстонга томон.

Марҳалае кўрди мұнаққашработ,
Мамлакате топди музавварбисот.

Ғунча ботиб хунга чу гардун камар,
Лола яшар кам ўзидан бехабар.

Гулшанида гул очилиб ранг-баранг,
Шакарига май қоришиб тангу танг.

Гул чу сипар хастайи пайконидан,
Тол тушиб ларзага ўз жонидан.

Зулфи бунафша расани гардани,
Дийдайи нарғис, дирами домани.

Лола сариғ юзлию кўк тўнли гул,
Бир нафаса лолаю бир кунли гул.

Муҳлатидур бир нафасу беш эмас,
Ҳеч киши оқибатандеш эмас.

Пир у кўк боғидан ўтганди чун,
Борди у ён неча ой ўтгач сўғун.

Ул гулу булбулли гўзал боғ кўриб,
Ўрнида бир тўп зағану зоғ кўриб.

Дўзахи тушганда бажойи биҳишт,
Қайсари қасри бўлиб эрди куништ.

Сабзаси таҳлилда хазоне бўлиб,
Дастайи гул тўда тиконе бўлиб.

Пир у тезравлара кўз тиғлади,
Кулди барига, ўзича йиғлади.

Дедики, ҳар несики зоҳир бўлур,
Қолмас абад, барчаси охир бўлур.

Сув ила хоқдан тобиши офтоб,
Ҳар не унар охири бўлгай хароб.

Йўқ харобийлигидан беҳ макон,
Охири бўлгум хароб, йўқ амон.

Тавфиқ ила кўзларига нур яниб,
Ориф ўлиб, олди Худони таниб.

Сайрафии гавҳари ул роз ўлиб,
То адама сўйи гуҳар боз ўлиб.

Эйки мусулмонсену габринг чу йўқ,
Чашмасану қатрайи абринг чу йўқ.

Камтари ул мўбади ҳинду на бўл,
Тарки жаҳон дею жаҳонгў на бўл.

Нече бўлинг гул каби девонасар,
Бошга кулоҳ, белга боғлаш камар.

Тур, камари гулни қўлингдан чиқар,
Йўқса хуни сени лаҳадга тиқар.

Тожу камар бўлгуси офоти ишқ,
Иккисидан беҳ хароботи ишқ.

Гоҳ кулаҳинг хожалиги гил берур,
Гоҳ камаринг бандалиги дил берур.

Жаҳд қило, хўжағуломдан қутул,
Ё чу Низомийси низомдан қутул.

ЎН ИККИНЧИ МАҚОЛАТ – ХОҚ МАНЗИЛИ ВИДОСИДА

Туру видо айлагил айёмини,
Ташла этакдан бу тузоқ-домини.

Мамлакати беҳроргини соз қил,
Хушраги бу ҳужра дарин боз қил.

Чун дилу дийданг бўлиб роҳбар,
Нолаю кўзёши кетургай самар.

Токи бири нам ила бу гилни ур,
Лофи валинеъматийи дилни ур.

Гар туясан, юқ кўтариб рақс қил,
Жангиги фили бирла ҳеч ўйнашмагил.

Чунки сенга маҳрами йўқ заррае,
Ғайри адам боргучи бир маррае.

Табънавозларки зариф бўлдилар,
Кимла ўтирангки, ҳариф бўлдилар.

Гарчи басе табъизарифлиғ этар?
Ким сенга танҳо ҳарифлиғ этар?

Беҳки қидирса дили парҳезнок
Равшан эрур суву таги тира хок.

То на етар тафриқайи роҳ кўза,
Тафриқа эт ҳосили маълум ўза.

Ташла юкингни оғир ўлсанг, кетар,
Манзилига енгил одам тез етар.

Чиқ самога талаби дил дурур,
Бу хонада сенга не ҳосил дурур?

Чун бу тузоқ қасрига тушдинг, бўла,
Тешиб уни тушгусисан то йўла.

Бу хати пайваста ҳам узра чу мим,
Йўл на берар иккига бўлмай наким.

Захмгоҳи чархи мунаққат на бўл,
Гирд хатидан ташда турап хат на бўл.

Гар туну кун хаттидан ўлсанг фузун,
Бу доира хаттидан ўлсанг бурун.

То на этиб жойи қадам устувор,
Қўйма оёқ бир иш этиб ихтиёр.

Ҳар неки ишга урарсан чу қўл,
Охири расволигига берма йўл.

Шартдуурур йўлга тик, эй кўзни,
Чоҳидан асраб қоласан ўзни.

Тешки бу хонайи селоби мўл,
Токи қочишга сенга бўлгуси йўл.

Ит нафаси тулкига қандоқ етар,
Уясини икки тешикли этар.

Огоҳ эмасдурки йўлида кутар,
Дудайи бу гумбази тулки тутар.

Бу не нишотдурки чу хушдилсано?
Фофил ўзингдан, ўзи фофилсано.

Аҳд чунон бўлди бу тангнойида
Танг кўнггул келгилу бўл жойида.

Аҳди илоҳийни бузарсанки гар,
Эвазига қай куни жонинг чиқар.

Йўл чунон юрки жондан кўриб,
Икки жаҳонини жаҳондан кўриб

Паст на қара, токи на бўл поятарс,
Ортга на боқ, токи на бўл соятарс.

Тўшайи дин элтки иморат чу кам,
Кўз сувини тўкки йўли на нам.

Ҳам садафа бер гуҳари покни,
Боз қутулу айла халос хокни.

Даври фалак сен каби күп ёр ўлиб,
Қўли қавийроқлари бисёр ўлиб.

Булажаби тузки бу душманлиги,
Ерга то ур лаҳзайи манманлиги.

Ул каби бул жойда ҳунарпеша йўқ,
Қалқон ила тигидан андеша йўқ.

Эрмас илон, бу расани печ-печ,
Жозибайи ишқинга ҳечдиру ҳеч.

Қайғуи бу шишани емак на шарт,
Бир тош ила синдирасан гард-гард.

Сиймкуши зар оташин бўлдирап,
Душманини шакар ила ўлдирап.

Эпласанго маърифатингдан кўнгул,
Кун каби ағёрини ўлдир багул.

ЎЧАКИШГАН ИККИ ҲАКИМ ДОСТОНИ

Икки ҳаким эрди чу ҳамхона бас,
Сўз талашиб бўлди чу бегона бас!

Лофи мани эрдию сенлик на бор,
Мулк эди бир иккисига жойи тор.

Ҳақ на ики, бирини тинглашсалар,
Бош на ики, бирини кесса алар.

Жойи ики шамширидир қайси қин?
Кўрди қўша ким ики Фағфури Чин?

Этди тамаъ икки у фарзона ҳам,
Хонани то этса ўзига қарам.

Чун асабият камари кин олиб,
Хоналари охири холи қолиб,

Түн то саҳар иккиси қилди наво,
Үйни сотамиз дея бас, бедаво.

Ушбу келишмовчилик ўлса тамом,
Иккиси то ўзича сипқорса жом.

Қай бириси ўзи қавийдил дурур,
Шарбати заҳрики ҳалоҳил дурур?

Мулки ики ҳикмати бир фан бўлар,
Жони ики сурати бир тан бўлар.

Душмани аввал заҳар қорди, ул
Қора тошин куйдириб, айларди кул.

Берди анга, бу майи жонпарваре,
Оғу дема, ютуми беҳ шаккаре.

Они майин сипқориб ул шермард,
Шаккари ёдила заҳар берди дард.

Нўшгиёҳлар пишириб, бок ила
Ювди заҳар йўлини таръёқ ила.

Куйди чу парвонаю пар топди боз,
Шамъсифат мажлисига чопди боз.

Боғ чаманидан узиб бир гуле,
Ўқиди афсун солиб дам уле.

Берди ғанимигаки қаҳри учун,
Ул гули таъсирини заҳри учун.

Душман анга гулки фусунхон берур,
Қўрқув анга ғолиб ўлиб, жон берур.

Ўз танидан заҳрни кетказди ул,
Бир гул ила ваҳм ила ўлди бул.

Ҳар гули рангинки бу бўстонидан,
Қатрайи одам дилининг қонидан.

Боғи замонаки, баҳори ўзинг,
Хонайи ғам билки нигори ўзинг.

Тошни бу хоки мутаббақдан оч,
Хокни бу оби муаллаққа соч!

Кеч бу сув бирла хаёлотидан,
Уч бу хок бирла хароботидан.

Ою қуёшга на келтири вуқуф,
Ойни е, хур shedни тўс чу кусуф.

Бул моҳи зарринки, бу дунёда рев,
Ишқи Ҳалилulloҳи йўлида дев.

Сени кунинг субҳ жигархун қилар,
Чарх ўшал кунни бу хил кун қилар.

Гар дили хуршеди чароғонсано,
Бу кунидан ризқи фаровонсано.

Кўз ёши тўқ токи гулоби умед,
Ювса бу лавҳики сиёҳу сапед.

То чу амалсанжи саломат бўло,
Чарби тарозуйи қиёмат бўло!

Динки қавий тутгучи бозунгни чун,
Тўғрилагай ақли тарозунгни чун.

Ҳеч ҳунарпешайи озода мард
Дин ғамида чекмади дунёда дард.

Чунки бу дунё сенинг орзунг бутун,
Динни Низомийга беру сенга дун.

ЎН УЧИНЧИ МАҚОЛАТ – ЖАҲОН МАЛОМАТИДА

Кекса бу оламни кўру тангу тор,
Учма ёшарган каби очса узор.

Бу пири илгидаки барноваш ул,
Дастайи гул кўрасану оташ ул.

Чашма саробдурки алданма боз,
Қибла салибдурки ўқишга намоз.

Бу бари гул, сен на тиконидасан,
Бу бари бор, сен на жаҳонидасан.

Недан умид қилсанг уни элтасан
Үйдан, олиб келсанг агар ҳар на сан.

Ул не мато баҳри қиёмат борар,
Бедирами жони саломат борар.

Хоҳи мулук жамғару хоҳ сарфласа соз,
Не беришар, сендан олишгувчи боз.

Беріб олиш хонаси ушбу жаҳон,
Берганини қайтиб олар ногаҳон.

Гарчи бири құрт ипак солгучи,
Қурти ипак ул бири сотовлгучи.

Шамъ эту бу зард гули жаъфари,
То чу чароғ етса гулинг анвари.

Танни койитгил думалоқ, де, на бўл,
Зарни соч олтиялоқ, де на бўл.

Пойи карам зар бошина қўй, на қўл,
Токи на гулзорга сигингувчи бўл.

Зарки, анинг сиккайи мақсади йўқ,
Ул зару зарниҳни тафовути йўқ.

Дўстлиги зарники эрур зарсимон,
Ул думи товусдаги пайкарсимон.

Сиккаи зар темир ила саҳт туур,
Кўпраги шоҳларни темирчи дуур.

Ҳимматидан Қоруни этди кулоҳ
Етди зиён, ютди замин мисли шоҳ.

Сени юкинг олди то бошингда жой,
Минган отинг бўлди охир зери пой.

Зарни бериш жонни беришдан батар,
Олмаса беҳ, бу беришидан магар.

Юлқаб олиш ҳирси жаҳонинг бўлур,
Кетмаги осойиши жонинг бўлур.

Тортигб олиб оники сочсанг, бироқ,
Олмаганинг ундан эрур яхшироқ.

Зар йиғишинг мой каби сафро этар,
Есанг агар мевайи сафро кетар.

Машриқидан зарки сочилгай бадар,
Магриби дегай уни ҳар бехабар.

Магрибу ул қавми сахо душмани
Машриқу аҳлики сахода гани.

Ҳар не берур машриқийи субҳи бом,
Магрибийи шомидир олгувчи вом.

Волийи жони ҳама конларки зар,
Нойиби илки ҳама қушларки пар.

Ул зари румий ила тоши Димишқ,
Тўғри келувчийи тарозийи ишқ.

Гарчи ярақловчию зебандадур,
Соч анга тупроқки фиребандадур.

Кимки бу ўғри қулоҳин урмаган,
Офати бу деви роҳин бурмаган.

ҲОЖИ ВА СҮФИЙ ДОСТОНИ

Каъба борар азми йўл оғоз этиб,
Қоидай каъбаборар соз этиб

Ул не зиёд харж пули бисёр ўлиб,
Маблағи бир халтайи динор ўлиб.

Деди: “Фалон сўфийи озода мард
Енгини силкиб бу дундан бадард.

Кўнглима келди у диёнатлидур,
Ўзга киши йўқ у омонатлидур”.

Борди ниҳон уйига вақти қабул
Халта зарин сўфига топширди ул.

Деди: “Бу сирни ниҳон тут сана,
Қайтарасан келгани чоғим мана”.

Хожа раҳи бодияга солди йўл,
Шайх зари орияға урди қўл.

Ёраб, зинҳор ўзи чанд эди,
То дили дарвеш анга банд эди.

Дедики: “Зар йўғида музтар эдим,
Топдим ўшал ганжники истар эдим”.

Сарф этайин зуд на қолсинки ҳеч,
Ул неки Аллоҳ манга берди кеч!

Ечди ул халтани оғзини чун
Шодлик ила этди айш неча тун.

Халтадаги жумлайи зарни борин
Үрди қорингаю чиқорди қорин.

Илкида ул ҳуққайи динор ўлиб,
Зулфи гўзал ҳалқайи зуннор ўлиб.

Хирқайи майхона бўлиб шоҳ-шоҳ
Ғам кетиб, келди севинч хушфароғ.

Сайд чунон едики доғ қолмади,
Баҳри чароғ заррайи ёғ қолмади.

Ҳожийимиз қайтди сафардан чу боз
Қилди у ўз ҳиндусила туркутоз.

Деди: “Олиб кел манга, эй тез ҳуш!”
Деди: “Не?” – “Зар” – деди, деди: “Бўл ҳамуш!”

Айла карам, кеч қилиб бир илож,
Ким дехи вайронадан олгай хирож?!

Бўлди ҳавас йўлида зарлар адо,
Халтайи зар қайдаю қайда гадо?

Форат этиш бўйлаки туркнинг иши,
Ҳиндуга бергайми матосин киши?

Сени заринг дил сутуним синдириб,
Едим ичимга уни шайтон кириб.

Молини юз хандала торож этиб,
Юз йигиси бирлаки қайтиб кетиб.

Деди: “Карам қилки пушаймондурам,
Коғир эдим, энди мусулмондурам.

Табъи жаҳонига зиёндан мато,
Етди зарар гарчи ўзимдан хато”.

Юз шўру ғавғола то эҳсон деюр:
“Турки дарвеш оёғида, тур”.

Сийми Худо қайтди Худосига чун
Кечди саховат ила симдан бутун.

Айлаб ўгит ўзини у кўндирап,
Ҳеч нимаси йўқ, нимани ундирап?

Несин олай арпа-жави йўқ эса,
Жуз гаравидан гарави йўқ эса.

Молни совургувчи гадо сўфи бор,
Мими мутаввақ, алифи куфи бор.

Деди: “На истаки уволинг этай,
Ул не ҳаромдирки ҳалолинг этай”.

Қўлни торт, эй чу фалак бофусун,
Калта эса енг бўлур қўл узун.

Ҳеч кўнгул ҳирсу ҳасаддан на пок,
Йўқ ишончли киши “дар рўйи хок”.

Дин сара дурки на шайтонга бер,
Қудрати Фағфурни на итбонга бер.

Гар берасан хожа пушаймону ғам,
Муфлиси не қайтиб берар бир дирам.

Манзили айбдирки фазилатда бўл,
Дин этагин тутгилу узлатда бўл.

Чарх на дирамсизлара чангол урар,
Бою бадавлат бор эса мол, урар.

Шаҳнайи бу йўл чу горат этар,
Бой таланар, муфлиси мамнун кетар.

Англадим андинки нафс зўрлиги,
Офати занбурни ширинхўрлиги.

Шер магар андин эрур талху бад,
То емаса ўлгач уни дому дад.

Шамъ ўтириди баландроқ бўлиб,
Ой яна синди тамоман тўлиб.

Бўрияраш хок этар бод ила,
Ўзгача бу йўлда қилолмас ҳила.

Кўл қушига қўринадургон танга,
Болигининг тангаси оғат анга.

Зарки тарозуий ниёзинг сени,
Фотиҳаи беш намозинг сени.

Тарк на этмай бу роҳи ниёз
То чу Низомий наки сен покбоз.

ҮН ТҮРТИНЧИ МАҚОЛАТ – ҒАФЛАТ МАЛОМАТИДА

Эйки бўлиб шод бирам тула жон,
Эшагу молдекки кавшаб сомон!

Фориги бу маркази хурshedигард,
Фофили бу доирайи ложувард.

Эрсалар огоҳ агар шуғли кор,
Бехабарида не ғами рўзгор.

Иш бошига келки ухлаш нечун?
Қил чунон ишки эрур боҳусун.

Маст не ётгилки камин этдилар,
Коршунослар на чунин этдилар.

Ташла нигоҳ, кўр бу ғам тоғини,
Ўзни ожиз кўр бу титроғини.

Кекса эрур ақлингу этгич унут
Токи сени эсласа, ёдингда тут.

Гар шарафи ақлингу йўқдир фикр,
Сенга ёқар номин этурсан зикр.

Ақл Масеҳо, анга исён на қил,
Гар на эілаксан, лой уза на йиқил.

Ёки ақл измила юр, нур ол,
Ё этагинг йиғ эшигидан йўқол.

Маст на эт ақли адабсозни,
Тўъмайи чумчук на қил бозни.

Майни ҳалол айласа гар ҳар мақом,
Душмани ақлинг сени этди ҳаром.

Майки, сувинг бирла тұла жомидур,
Ақлдир ул чашмаки, ул номидур.

Гарчи май андуҳи жаҳонни олур,
Ичма уни хўжа имонни олур.

Май жигаромехта туз эл билар,
Бемазалар жигарига сепилар.

Не сотиб ол бир не воқифсан магар,
Барчасидин этгусидур бехабар.

Бехабар ул кимсаки бир не тотар,
Бехабарийлик қаламини отар.

Милкаши чашми хаёлоти бүл,
Кунда қўйур пойи хароботи бүл.

Эй чу лиф ошиқи болойи хеш,
Дўстлиги ваҳшатлийи савдойи хеш.

Эрсанг “алиф”, мурғи парофканда бўл,
Гар на чу “бе” ҳарфи сарафканда бўл.

Мисли алиф яшнагучи мажлисинг,
Ҳеч наисиз мисли алиф муфлисинг.

Хор на сен, авжга ниш урсанго,
Яхшиси, гулдек очилиб юрсанго.

Гўдак эмассан, на ўйунга югур,
Умр эмассан, на узоқ истаюр.

Кун бўлиб охир қуёш ботди ҳам,
Соя кўпайса бўлар нур кам.

Кунни эшитдимки чу поён бўлур,
Сояйи ҳар нарса ду чандон бўлур.

Сояпарастлиғ нетасан мисли боғ,
Сояни синдир чу нури чароғ.

Сояни ўздан йўқотолсанг бадид,
Айбинг ўлур соя каби нопадид.

Соянишинлиғ на этар жумла кас,
Соянишин чашмайи ҳайвону бас.

Эй забару зери бошу пойинго,
Зери забар – пою боши ройинго.

Субҳки андин берур ташти зар,
То сен ўзингдан юvasан илк магар.

Чунки бу таштида эсанг жомаішӣ,
Сув берур чашмайи хуршеди жӯй.

Кулчайи хуршидки собунинго,
Пок этур жомайи пурхунинго.

Оташини сочди табиат ҳароб,
Жигари умрингда сени қолмас об.

Гар баданинг чирки ғараз пок эмас,
Зар на қизилдир бари, бок эмас.

Поклигидан гарчи сўз унсур бўлур,
Меъдайи дўзах қачон пур бўлур?

Оташи танҳосидану гарму сард,
Мардни ростлиги бўлур диръи мард.

Кажлигидан тушкунни кам-костсен,
Ҳеч ғаминг бўлмас, агар ростсен.

Гар чу тарозу бўласан росткор,
Қўй тарозуга дили ростни, ёр.

Ҳар жаву ҳар донники бозуйинго
Тортади кам кайли тарозуйинго.

Ҳар бирини бирма-бир ўз жойи бор,
Охират олдингга қўйилгай қатор.

Кўрсатишар сенга ниҳон ишларинг,
Кам берибу кўп юлиб олишларинг.

Тиги тарозуни ўзингга на ур,
Гар на фузун беру на кам, тўғри тур.

Кажлигидан хорни қучоғида гул,
Ростлигидан най шакару шаҳду мул.

Қайдаки ростлик алам ургуси,
Ёрийи ҳақ илк баҳам ургуси.

МАРДИ РОСТГҮЙ ИЛА ЗОЛИМ ПОДШОХ ДОСТОНИ

Бор эди подшоҳи раиятшикан,
Үжару золим деки Ҳажжожифан.

Ҳар неки таърих туну кун туғар,
Дарс бўларди дилига тонготар.

Борди бири назди малик субҳигоҳ,
Субҳу моҳидан сир очгувчи, оҳ!

Камаридан ҳосили шаббозлиги,
Саҳаридан таълими ғаммозлиги.

Деди: “Фалон чол сени ёшурун
Дедики золимдиру тўкувчи хун”.

Шоҳ уни сўзидан ўлиб жаҳланок,
Деди: “Уни энди қилурман ҳалок”.

Супрани ёздию анга қум сочар,
Девки девоналигидин қочар.

Чол ёнига бир йигит учди чу бод,
Деди: “Сенга шоҳ “жиноятниҳод”.

Чол вузӯ қилдию кийди кафандан,
Шоҳ қошига борди дейишга сухан.

Кафтга уриб кафт шоҳи тезрой,
Боқди адоват-ла хижил, деди: “Ҳой.

Етди қулогимга демишсан ямон
Кинакашу хоракуши беамон!

Мулки Сулаймонлигим англаб бутун,
Деви ситамкора деюрсан нечун?"

Чол анга деди: "На мен ухлаб эдим,
Сен деганингдан батарини дедим.

Қарию ёшларга ишингдан хатар,
Зулминг ила шаҳру овул зер-забар.

Менки чунон айбушуморингмано,
Яхши-ёмон ойинадорингмано.

Кўзгу сени айласа айбинг расо,
Син ўзинг, унга тош отишлик хато.

Тўғрилигим кўр, ақл эт менга хос,
Гар на чунин эрса мени дорга ос!"

Чол чу ўз ҳақлигин исбот этиб,
Тўғрилиги шоҳ дилини мот этиб,

Кўрди малик ростлигидан йўқки важ,
У эди рост, ўзи эса эгри каж.

Деди: "Ечиб то ҳанутила кафан,
Хилъатимиз кийдирингизла батан".

Қайтди ситамгарлигидан элга боз
Адли ила бўлди раиятнавоз.

Ростлигини кимса ниҳон на қилур,
Рост сўз айтгувчи зиён на қилур.

Рост дегувчига нажот йўли бор,
Рост эсанг ғолиб этар Кирдигор.

Гарчи сўзи рост эрур жумла дур,
Аччиғ эрур, талҳки алҳаққу мур.

Рост сўз айтар эсанг бошужоъ,
Баҳса мададкор сенга бўлгай Худо.

Табъи Низомию дили рост, ёр,
Ростлигидан ишлари олгай барор.

ЎН БЕШИНЧИ МАҚОЛАТ – РАШКЧИЛАР МАЛОМАТИДА

Ҳар дами бу пардайи чобук рақиб,
Бир ўйинин ташга чиқаргай ғарип.

Саҳна тўла танбуру раққоси йўқ,
Баҳр тўла гавҳару ғаввоси йўқ.

Давлатию дирҳамию тожу тиф,
Не дариго, истамасанг гар дариг.

Етгуси гар дам бадами Жабраил,
Неки қазо мумсику қудрат баҳил.

Ул моли ҳар нечаки пок ўзгадир,
Дахлики харжингдан ошиқ кўзгадир.

Пой бу йўлда қўйу рафторни кўр,
Қоқ бу эшик ҳалқасин асрорни кўр.

Тошлари ёқуту гиёҳ кимиё,
Фарқламасанг сен зиён кимга, о?

Илки тасарруфи қалам синдирур,
Парда ичидә бары ганжи туур.

Хар дами бу боғки мева қилар,
Яхшисидан яхшираги етилар.

Риштайи дилларки бу гавҳардадур
Мурсаладан мурсала зевардадур.

Йўлчилари бир-бирига эргашар,
Тоифадан тоифа зийрак магар.

Ақл шараф жуз бамаоний на бил,
Қадр қари-ёшида эрмас, ҳа, бил.

Тошни эшитдимки эскирса гар,
Лаъл бўлур мухталифи бу гуҳар.

Хар не топар кўҳнасини бу гурӯҳ
Ҳеч на, жуз бонг, чу бонуий кўҳ.

Улки сенга дийда эрур ширхор,
Сени сутинг заҳр бўлур ногувор.

Кўҳнада инсофу тавон кам бўлур,
Пири ҳавасхоҳи жавон кам бўлур.

Гул янги келди ҳама роҳат анга,
Хорки эскирди, жароҳат анга.

Янги узумдан бўлур тўтиё,
Қариса бўлгувчи илон аждаҳо.

Ақлки бош косасида маскани,
Кўҳна мағиз мақбули эрмас ани.

Үлки расадномайи ахтар олур,
Тақвимидан ҳукми күханды қолур.

Қари күчүклар чу шер овга борар,
Бўрисифат оҳула қорнин ёпар.

Гар этай андеша қари турглани,
Юсуфилигим кўру ема мани.

Захми тунук – захмайи пирлар хашиб ул,
Ёшлиги сувини нетай, оташ ул.

Ёшлиги гарчи бари фарзоналийк,
Бир шохи шўхлик ила девоналийк.

Ёсумани нечаки толлиғ этар,
Даъвийи ҳинд оқмисоллиғ этар.

Менки чу гул ганж сочарман аён,
Даъвийи пирликни этиб ёшсимон.

Худбин ўлиш ишни халақ айламак,
Ўзни тийиш ёрийи ҳақ айламак.

Ул моҳи навники чу кўрдинг ҳилол,
Бадр де номини, чу топсин камол.

Нахл баланд бўлсаю ҳосили мўл,
Хурмога етсин сен узатгинки қўл.

Донаки бир чекада ётганда боқ,
Дона дема, бўлса униб бир бошоқ.

Ҳавзини дарё суви денгиз этар,
Унга ўшил кўз ила солма назар.

Күзни юмиб тун бўйи ул тонгдан,
Кунни бўлак кўзла кўур оңдан.

Душмани доноки пайи жон бўлур,
Беҳраги ул дўстки нодон бўлур.

Най на гиёҳдан дея солма назар,
Муҳими бор унда ейишга шакар.

Дил ҳунара қўю на бўл ҳарзакор,
Сайди ҳунар бўлки ҳар жойда бор.

Гарчи садаф суви фаровон эрур,
Манбаи дур томчийи найсон эрур.

Бас керакдур дилу жондан тузиш,
То гуҳари тожнишон кўргузиш.

Ҳар аламиники қазо янгитар
Ҳифз сен этгилки келуру кетар.

Бузмадилар бор ҳануз бу работ,
Ёзмадилар бор ҳануз бу бисот.

Мўҳтасиби борлиғи на бўлки ҳеч,
Дурра ема иблисидек печма-печ!

Ҳукмига ким они на иқрор ўлур,
Бошига чархдин бу хил озор ўлур.

ҚАРИ ДУШМАНЛАР ИЛА ЁШ МАЛИКЗОДА ДОСТОНИ

Қисса эшиздимки Марвдан нари
Сарв каби ёш эрди йигит сарвари.

Музтариби давлатиёни диёр,
Мулк анга шефта чун рўзгор.

Ёшлигидан қариялар душмани,
Ваҳм солар, ваҳмида ярми тани.

Бир туни ул фитнани ўйлаб чу туш
Кўрди, пири унга деди лутфи хуш.

Эй, моҳи нав буржи куҳанники юл,
Кўҳна шохин синдириб оч янги гул.

То сенга мулкинг муқаррар бўлар,
Айши гўзалроқ муюссар бўлар.

Шоҳ кўзин хобдан очиб бошараф,
Икки-учини орадан этди даф.

Ёшлара йўл берди қарилар кетиб,
Мулкини шаҳзода гўзалроқ этиб.

Душмани мулк беҳ гар ўлур шармисор,
Лашкари бадаҳди эса тору мор.

Янги шоҳ ўстиргагуси сарвибун,
Эски шохин кесмасингиздан бурун.

Бўлмаса то баста лаби жўйбор,
Панжайи даъво на ёзгай чанор.

Чашма йўлин этмасангиз токи пок,
Сув на туғар қалбу кўзидан чу хок.

Сен-ла бурун, сендан у соҳибкўнгул,
Сенга қулоқ нек насиҳатчидур ул.

Бир нафас ул тиғни ғилофдан чиқар,
Аксига ул қинида занглаб кетар.

Хуққасидан ул нафас ул хок эмас,
Бу ҳақи ул ҳамнафаси пок эмас.

Барчага некликлла узатгил илик,
Айла бари хешларинга яхшилик.

Давлатилар обрў дирамдан топар,
Давлати боқийни карамдан топар.

Тухми карам экки саломат бўлар,
Ҳосили озиги қиёмат бўлар.

Ё Раб, ўшал ганждан эҳсон санга,
Нақди Низомий сара қил жон санга.

ЎН ОЛТИНЧИ МАҚОЛАТ – ЧОБУКРАВЛИҚДА

Эйки насимила чароғон алам,
Назди ғуборида тушурғон алам.

Деҳ наю дарвозайи деҳқон уриб,
Мулк наю таҳти Сулаймон уриб.

Тиг на сен, захми беандоза не?
Күс на сен, бу бари овоза не?

Чун даҳани тег дирамрез бўл,
Чун қоруни кўс тиҳихез бўл.

Судрагуси дев, на афкандасен,
Йўл на бер, мурда на сен, зиндасен.

Назди муғе пуштсалибиғ на қил,
Даъвийи шамшери хатибиғ на қил.

Хутбайи давлат фасеҳога етар,
Атсайи Одам Масеҳога етар.

Кимки чу парвона нафас хуш туяр,
Отashi лашкарла вужуди куяр.

Бир-ики он хуш яша жонини ол,
Хирқани ечгилу жаҳонини ол.

Марҳаматинг чарбраболиғ ки бор,
Неки худойиу худолиғки бор.

Шер бўлу мушуки матбах на бок,
Талқ бўлу оташи дўзах на бок.

Гар дағалисен ўтига бўл ҳалол,
Нолима ўтдан зару ёқутмисол.

Неча ғурур эй дағали хокдон,
Неча маний, эй неча ман устухон?!

Биздан аввал ўтган эди ўзгалар,
Тинчимади жоҳ талабидан алар.

Ҳосили ул жоҳни кўр бовужуд,
Суд эди, бўлди зиёнки не суд?

Ерга тўкулсанг чу хуршеду моҳ,
Кўкка чиқарса сени қадри жоҳ.

Гарчи у доирасидан паст томон
Тушсанг агар ерлисан, бўл омон.

То на бошинг кесгило туррадек,
Шоҳ уза ҳеч қўйма оёқ гуррадек.

Қуш наки сен, кўкка учолмайсано,
Жон то узмай на қучолгайсано.

Чиқ шигарфлик йўли бирла фалак,
Улки шигарфона оёқда ҳалак.

Бода сен ичдинг, гуноҳи заҳр не?
Журм сен этдинг, халали даҳр не?

Қилма замонсозлик эй, некмард,
Даҳр мену сен каби чекмайди дард.

Жаҳд басе қилди шигарфлик басе,
Биздан этар токи такаллуф касе.

Чун мену сен ҳеч кими бу жаҳон,
Даҳрга беҳуда қўйишга товон.

То на эрур жавҳари лаъл обдор,
Мўҳри қабулин на қўяр шаҳриёр.

Ҳар тарафи тошга лиқ олам дурур,
Лаъл чиқаргувчиси лек кам дурур.

Хору суман нисбати бирдир гиё,
Бу хасаки дидаю ул тўтиё.

Гарчи на етгай мадади оби жўй,
Асли гулидан на кетар рангу бўй.

Сув олурим лутфини афзун қилур,
Хору хасакни сумана чун қилур?

Гар на бу хил қоида топди қарор,
Қалб бўлиб қоидайи рўзгор.

Давлат ила иш на тадбиримиз
Кимида ризқ давлату тақдиримиз?

Мард фақирликла йиқилгай баҳок,
Давлати борга бу жаҳонда не бок?

Зинда эрур толейи давлатпаст,
Бандайи давлатдир у ҳар жойда паст.

Давлату мулкни на мажозий берур,
Давлати касни на ба бози берур.

Давлатилар бошида бўл чархсоз,
То бўласан чарх урап бениёз.

Не ики-уч даббала ором ол,
Муқбили айём бўлу ном ол.

Бахт топиб толейи жавзогина,
Жавзни синдир, гоҳи бахтни сина.

Эшиги давлатни қоқ афтода бўл,
Мушкули дунё ишидан сода бўл!

Содакўнгилдиру суву хаш етар,
Уд тугунидан анга оташ етар.

Пайрави дил бўлу на бер дил каса,
Заҳмати роҳинг сени жисминг баса.

Неча бўлак шохга урсанг илик,
Давлати оҳим мени бўлгай бийик.

Жумлайи оламни сен олдинг раво,
Нега талаб айлагусен кечсанго?

Ҳирс кечилур, ким роҳи тоатдадур,
Гардани ҳирсинг чу қаноатдадур.

Маркази бу гунбази ферӯзаранг,
Сенга эрур кенгу хаёлотга танг.

Ё не қил андешаю чанг солгило
Ё не бир андешала танг омило.

Маърифати гили не одамда бор,
Аҳли дили не ҳама оламда бор.

Икки ҳунарномайи бу нўҳдабир,
Йўқ бири сурати маънипазир.

Душмани маънисида дўстлик на бор,
Оби ҳаёт бермагуси сенга мор.

Душмани доноки ғами жон эзур,
Беҳраги ул дўстки нодон эзур.

МАЖРУҲ ГЎДАК ДОСТОНИ

Ёш болакай жумлайи озодалар,
Ташқари чиқди неча ҳамзодалар.

Чопганида кетди оёғи тайиб,
Синди бели, бўлди юролмас майиб.

Ики-уч ул тенгдошини босди ғам,
Ходисадан, ҳоли оғир, кўзда нам.

Деди, анга дўстроғи инчунон:
“Чоҳ тубига лозим этишлик ниҳон.

Кун каби сир то на бўлиб ошкор,
Отасидан не бўламиз шармисор”.

Оқибатин ўйлагучи болакай,
Душман эди унга улар ичра ҳай.

Деди: “Бу йўлдошлари фикри ёмон,
Сурати бу ҳолни на тутгай ниҳон.

Чунки мени барчаси душман билар,
Воқеанинг туҳмати менга тушар”.

Отасини аста хабардор этиб,
Отаси то тадбири бу кор этиб.

Кимдаки бор жавҳари донолиги,
Ҳар ишида бор товонолиги.

Банди фалакни еча олгай чу қўл,
Унга оёғи топа олганда йўл.

Кўпу камини фалакидан кўтар,
Шуғли Низомий фалакидан ўтар.

ЎН ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ – ИБОДАТУ ТАНҲОЛИКДА

Аллоҳидан гофилу эй ўзидан,
Жон гамида қолгану ранж қўзидан.

Бу ману мангўйи бу қолабда ким?
Ҳеч дема жунбуши то лабда жим.

Чун хами гардун на жаҳонга ўрал,
Сеникимас ул не на онга ўрал.

Зўри жаҳон кўплиги бозуйимиз,
Босгуси тошила тарозуйимиз.

Қуввати тоғдек бўлаолмас ғубор,
Оташи қозон бўлаолмас шарор.

Ҳар камаре рози бўлиб боғланур,
Хизмати танга тоабад чоғланур.

Ҳирс рибоҳўрики маҳрумдуур,
Тожи ризо бошида маҳкумдуур.

Киссавури кўп бу йўлни жуда,
Чўнтағи бўшлар ўтади осуда.

Муҳташами дарди сарини унут,
Йўқса бориб этагин ифлосни тут!

Кўсайи камриш дили эрди танг,
Кўрди соқол юлгай икки кас бажанг.

Деди: “Юзим гарчи эрур сип-силиқ,
Не юлажақдир соқолим бадқилиқ”.

Маслаҳати ишники тўғрилашиб,
Сени юку эшагинг ўғирлашиб.

Сен то чу Исо эшиги дилга ет,
Беюку бешаги манзилга ет.

Мўмину андешайи габрий на эт,
Бўл ҳалиму қўрс-ситабрий на эт!

Мавжи ҳалокдир, енгил эт шитоб,
Жонни қутқаз юки чўкса баоб.

Яхши қуруқмия хароб турганинг,
Мисли қовоқ сувда сузиб юрганинг.

Камебу ухлашда топилгай қадр,
Ганжи улуғларни хароблиғдадир.

Мурдайи мурдор на сен чун заған,
Зоғ бўлу қўйма оёқ хунга сан.

Боқки булғанмаса устингга қон
Мурдахўри заҳматидансан омон.

Қон жигаре билки шаробе дурур,
Үт ҳәёси била обе дурур.

То қадаре қуввати хүнинг кетар,
Темир эсанг, зарбайи темир етар.

Хирс на қил хўрдига бирборалиғ,
Асрар таом айла чу камхоралиғ.

Шерки кам еганидан зўрдурур,
Қоидайи ўтки хирахўрдурур.

Кунки бири қулчала хурсанд ўлур,
Равшанийи чашми хирадманд ўлур.

Тунки сабуҳий на баҳангом этар,
Хуни зиёди сияҳандом этар.

Кўп ейишлик-ла ақл кам бўлур,
Дил чу сипарғам сипариғам бўлур.

Ақл сени жонингу жисми ўзинг,
Ганж сени жонингу тилисми ўзинг.

Сенга қачон берса бу ганжи зиё,
Бузма тилисм эшигини пурриё.

Топмай ишоч охири хок ўлди фош,
Суҳбати ношудни не эттил маош.

Гар ҳама умринг ўтар ғам дема,
Сени ғаминг емасалар, ғам ема.

Деди: “Ота, зангига бу ханда не?
Сен каби қорага лозим йигланиш”.

Деди: “Жаҳондан ноумидманки боқ,
Юзни қароси беҳу тиш бўлса оқ”.

Эрмас ажаб ханда юз ўлса қаро,
Қора булат барқни тўсолмас, аё.

Сен на бу зинданда эрурсан малул,
Барқ бўлу жумла жаҳон узра кул.

Тўтини қулгусила сингай шакар
Қаҳқаҳаи каклиги оғзин ёпар.

Хандаки дилдан еча олмас гиреҳ,
Хандайи бевақтидан гиря беҳ.

Куймагу ханда уриш барқвор,
Умрни қисқа этар чун шарор.

Йўқ тараби қулгуси не чун шамак?
Баски бу қулгуга лозим йигламак.

То наки боқ сен лаби хандон ила,
Тишла лабинг қулгуда дандон ила.

Йигийи мўл маслаҳати дийдамас,
Хандайи бисёр писандидамас.

Гар кўрасан кўҳнаю гар тозае,
Яхши-ёмондан керак андозае.

Тургилу ғам егилу хуш ишни қил,
Гоҳи бу хил бўлгайугоҳи у хил.

Хуш дилида нолайи дилсўзи бор,
Тунни қароси гуҳари рўзи бор.

Сув ичиши касга на орзу эди,
Сув изидан кимса на калтак еди.

Ҳар хонада шовқину хархашша бор,
Ҳар шакар узра қўнар пашша бор.

Дояйи дононг сени бу рўзгор,
Яхши-ёмонинг бер анга ихтиёр.

Сирка берар бўлса не қайнат чу сут,
Яхшилик истар сенга, айла сукут.

Собити бу йўл муқиме бўлур,
Ҳамсафари Хизр, калиме бўлур.

Нози улуғларни чек олмай малол,
Токи улуғликда топурсан камол.

Ёри мусоид гоҳи кўргузди ғам
Кўйди тузоқ, нозла не этди карам.

ПИР ВА МУРИД ДОСТОНИ

Жумлайи иш пирларидан солиҳан
Борар эди мингта муриди билан.

Бодияда пир эди бир боди пок,
Берди бизоат “ба аминони хок”.

Ҳар бири енг силкиди андин нолиб,
То бари кетишдию бир шахс қолиб.

Пир деди унга: “Не этдинг хаёл,
Ул бари кетдию қолибсан малол?”

Деди мурид: “Эй, дилима жойингиз,
Тожи сарим хоки кафи пойингиз.

Мен на шамол бирлаки келдим бурун,
Токи ўшал бод ила кетсам сўгун.

Мунтазири доди бўлар дод ила,
Бодни келиши бўлади бод ила.

Тез кетар, тез қўнардир ғубор,
Ул неки бир жойда топгай қарор.

Тоғки жойлашди секин бовиқор,
Ўша сабабдан улуғу устувор.

Фош этиш пешайи даврон эрур,
Юк кўтариш касби сабурон эрур.

Зуҳд юкини торт нам эмассан агар,
Эшак эмассан наки жўн юк кўтар.

То хати зуҳдинг эмас бардуруғ,
Кўз анга нам бўлдию у қуп-қуруғ.

Зуҳдки чун заркаши султон бўлур,
Қиссайи занбили Сулаймон бўлур.

Шамки ҳар кеча зарафшондурур,
Зери қабо зоҳиди пинҳондурур.

Зуҳд ғарибдурки майхонада,
Ганж азиздурки вайронада.

Зуҳди Низомийки гўзал сўздурур,
Паст амали маҳсули зардўздурур.

ҮН САККИЗИНЧИ МА҆ҚОЛАТ – МУНОФИҚЛАР МАЛОМАТИДА

Қалбуарлар неча турдилар,
Яңги қалб қолипини урдилар.

Чун қорин белини тармогидан,
Харфни аспа ани бармогидан.

Нур каби олдингда мувофиқларо,
Соядек ортингда мунофиқларо.

Содароғу шамъу тугунроғи уд,
Содайи дийдору тугуни вужуд.

Жаврда жонбахшу иноятда йүқ
Айбёзарларки шикоятда чўх.

Меҳр оғизда, ичида сўкишар,
Кина, тугун узра тугун тўқишар.

Иссиғу лек бағридан афсурдароқ,
Зиндаю лек қалблари мурдароқ.

Суҳбатини дил маҳокига на ур,
Маст на сен, пой бу хокка на ур.

Ҳозини кўҳна дема овозларин,
Ғамза на иста, на бер овозларин.

Лоғ уришиб, сендан азиз бўлсалар,
Жаҳд этишиб, соҳиби чиз бўлсалар.

Чун бўлур ул сулҳи иложсизлиго,
Бўлгай у битимига хашми Худо.

Хар нафаси ул ғаразомез эрур,
Дўст эмас, душмани хунрез эрур.

Дўстлик ўлса сению манлиги,
Нисбати ул дўстлиги душманлиги.

Заҳринг эса дўст не дегай? – Шакар,
Айбинг эса дўст не билгай? – Ҳунар.

Дўст эрур маҳрами роҳатрасон,
Тинглама ҳар не деса ундан ёмон.

Мушуги ҳампўстлигидандир ҳазин,
Дўстлигидан егуси ўз боласин.

Дўст ким ул? Улки эрур пардадор,
Фош этар бу бари чун рўзгор.

Бори сабоғингни этишгай юпун,
Тўғри йўлингдан уришар бофусун.

Сенга инонбастайи сурат бўлур,
Вақти заруратда зарурат бўлур.

Дўст эса ҳар киши равшан сенга,
Этса дилинг рад чу душман сенга.

Тан не танисинки сенга ёр ким,
Дил эрур огоҳ, вафодор ким.

Битта дилинг бору ғами дил ҳазор,
Бир гули пажмурдаю юз неши хор.

Мулк эрур мингу Фаредун бири,
Ғолия кўпу кам иси-отири.

Пардадари ҳар неки оламдадур,
Рози дилинг бил сени маҳрамдадур.

Сени дилинг унга эмас эрса банд,
Қалбини ғайрини на эт мустаманд.

Гар на раҳимдилсану айбинг фузун,
Сени сиринг кун каби даштда нечун?

Гарчи заифликда дилинг роз дейур,
Шишаки май ичди нечун боз дейур?

Ҳамнафасингдан гар эсанг ноилож,
Ҳар нафасе бўл ани-ла боилож.

Адл ила қўйдингми оёқ шул тариқ,
Жаҳд ила топғил ўзингга шарик.

Гар танимассан гуҳари ёри хеш,
Бехуда сочма дури асрори хеш.

ХОС МАҲРАМИ ИЛА ЖАМШЕД ДОСТОНИ

Хоса бири маҳрами Жамшед эди
Хосараги моҳ ила хуршед эди!

Анга етиб борди йигитнинг иши,
У эди оламда малик таввиши.

Ўзгаладин бўлди ишончли нигоҳ,
Ғазна ичин топширибон анга шоҳ.

Қанча яқин бўлмасин шоҳ у шўх
Қочди йироқ деки камондан чу ўқ.

Рози малик жони жавонни тешиб,
Кимсага сир айтмади кўнгил эшиб.

Борди йигит сори чу кекса аёл,
Лола юзин кўрди сариф гул мисол.

Дедики, сарво, нега бўлдинг хазон
Шоҳлар ариги сувин ичгувчи жон?

Зард нечун сен на жафо тортасен?
Шодлик уйида дила ғам ортасен?

Ёшсану кексаю ориғ бу хил?
Лола юзинг айт нега сориғ бу хил?

Шоҳи жаҳонга чу ўзинг роздон
Оч рухинг чун дили шоҳи жаҳон.

Элни юзи шоҳдан ўлгай қизил,
Хоса сипоҳи рухи хосларни бил.

Деди йигит: “Фофил эсанг ройдор,
Йўқ хабаринг ул неки кўнглимда бор.

Сабр мени ҳамнафаси дард этиб,
Мени юзим сабр чунин зард этиб.

Шоҳ қўйибдурки неки борини,
Қалбима ўз гавҳари асрорини.

Дилдаги ул нарса улуғдир, гуноҳ,
Сирри улуғларни очолмайман, оҳ!

Сўзларига дил на чунон боғладим,
Шуғли ками бирла забон боғладим.

Не куламан сен-ла қилиб дилхуши,
Токи тилимдан учар сир қуши.

Токи бу сир чиқмаса дилдан бурун
Қўйгум анга дил, то дилим бўлса хун.

Шоҳлари сирини фош этсам агар,
Бахт бошимни егуси, алҳазар”.

Кекса хотин деди: “На айт номи кас,
Ҳамдам ўзинг, ёлғиз ўзинг билки, бас.

Ҳеч кишини маҳрами бу дам на бил,
Соянга ҳам ҳатто ишонма, ҳа, бил.

Зард бу хил чеҳрайи диноригун,
Улки қизил бўлгуси ғарқоби хун.

Эшитаман, тунларида неча бор
Тил деса гар, боши кетар сапчавор.

Бошинг омон бўлгуси, тил этма тиф,
Кун наки сен, сочма сиринг водарид!

Мардни хуш тиіпга тили босилар,
Ул ити девона тили осилар.

Тут дудоқда тилинг маслаҳат
Тифни жойи бўлгуси қинда фақат.

Роҳати бу пандки жонлардадур,
Офати бошларки забонлардадур.

То чу бунафша нафасинг этма фош,
Касри тилингга на кесилсинки бош.

Тий тилингни бу таштда мубоҳ,
Токи лагандан демасин бошинг, оҳ!

Лабни на очгил бўлиб хомтомоқ,
Нарёғи деворда басе кўп қулоқ.

Бад на эшит, вақти гаронгўшлиго,
Дема ёмон, навбати хомўшлиго.

Неча ёзурсан, секин тут қалам,
Сенга ёзурларки тил очма ҳам.

Сувсифат тинглаганинг ювки, ҳайт,
Ойинадек ҳар не кўурсан, не айт.

Тунда ғаюрлар не кўришгай, на гап
Кунда улар айтмагуси эй, ажаб.

Шак неки бу гумбази анжуими нур
Неки кўпар тунда, не кунга деюр.

Гарчи бу пардадак адаб кўрдинго,
Кундузи айтма неки шаб кўрдинго!

Тунки ниҳонхонайи ганжиналар,
Бор дилида ганжи басе сийналар.

Барқравонлар ичиди асрашар,
Ҳар нени кўришса анга кўз ташар.

Кимки бошин аршдан этгай бурун,
Майдонидан гўйи чиқар ташга чун.

Кўз ила тилки ташидан дўстлар,
Бошу сочу тан ила чун пўстлар.

Ишқи пардада каромот эрур,
Чун бадар ўлди, баҳаработ эрур.

Риштайи диндан бу тугун қилдилар,
Пунбайи ҳалложини чун қилдилар.

Ғунчаки, жон пардайи бу роз этар,
Чашмайи хундир чу даҳан боз этар.

Оғзи қачон мартаба ҳосил этур,
Қиссайи дил, ҳам даҳани дил этур.

Косайи дилдан бу хўриш чўт ўлур,
Оғиза солган чогингиз ўт ўлур.

Булки фасоҳат тилидадур тугун,
Булки шитоби, туришида суқун.

Равшанийи дил хабар они берур,
Оғзи они ўзгаларида эрур.

Ул луғати дилки баёни дили,
Таржимаси ҳам базабони дили.

Гарчи дили шод Низомий ўзинг,
Мулки қаноатда тамоми ўзинг!

ҮН ТҮҚҚИЗИНЧИ МАҚОЛАТ – ОХИРАТ ИСТИҚБОЛИДА

Мажлиси хилватта қара яшнаюр,
Равшану хуш чун түлин ой нур сочур.

Шамъи чароғону сочилгай шакар,
Тахт уриб, ғолияю мушк магар.

Дүшмани жондир сенга рўзигор,
Дўстлигидан кеч, бўл ўзинг бирла ёр.

Кўрки занжирига банддир каён,
Кўрган ани тишлади тил ўша он.

Дин йўлига кир на дун этгил талаб
Дод дегай ағёр юкин орқалаб.

Борма ситамгарлар эшигина, қайт,
Ҳикмати Аллоҳини ҳар жойда айт!

Оташи бу бодиядан қайнабон,
Кийдиришар сенга на кийдинг амон.

Сарднафас эрди ити душманин
Пўстин этиб тулки магар терисин.

Дўзахи гўгириди бу дашти қаро
Эй, хунук ул кас, енгил кечса то.

Оби оғизни баадаб гирд қил,
Оташи бу чашмайи гўгирид қил.

Бўш қўйиб қарзи фалакдодани,
Тарҳини эт хоки заминзодани.

Борини сарф айлагил устодлиға,
То етасан ҳурлигу озодлиға.

Кимсаки бу йўлда газарлик этар,
Мену сенга йўлтўсарлик этар.

Ёвлиги каждумни боди аждаҳо,
Бири ниҳондиру бири бармало.

Хона тўла ўгри гуҳарни яшир,
Бодияси дев тўла тасбех ўгир.

Ғорат этувчила раҳи дил урап,
Йўли яқин қолса чу манзил урап.

Қўрқаман ул тунки шабехун этар,
Хору бу даштдан чу берун этар.

Майдада ғанимдир балойи улуғ,
Ғофил ўлишдур хатойи улуғ.

Майдада адудирла на бўл майдакин,
Майдада бўлурсан, наки сен майдабин.

Миттилигила қадари моя зўр,
Милкаши баччайи шердир чу мўр.

Қофилайи барда баманзил этар,
Кема тўла эрса басоҳил этар.

Токи на кўргай, ниҳон бўл чу хоб,
Токи на қувгайла, равон бўл чу об.

Пой бу савмиада на қўйгали,
Гар қўясан қайтиб олиш йўқ ҳали.

Бормагусен, бағринги хун айлашар,
Савмаидан “пүшт” бурун айлашар.

Гар сафари хоқдан эмасди ҳунар,
Чарх туну кун на этарди сафар.

То на яқонг чок этар дев тур,
Дин этагин туту имон-ла югур.

Шаръ сени чорлади, симосин эт,
Табъ сени ташлади, видосин эт.

Шаръ насимдурки жаҳон роҳати,
Табъ ғубордурки жаҳон оғати.

Шаръ сени илкинга райҳони чин,
Табъпарастлик на эт унга сиғин.

Чопма ҳар эшикка мисоли сабо,
Ҳар хаси пул деса на уч чун ҳаво.

Бу бори чун сояю сен нур бўл,
Бор эса барчанг, баридан дур бўл.

Чанбарагинг бу фалаки чанбари,
Чанбаридан бош чиқар то нари.

Қисса қилур ўз ҳолини сенга гар,
Ё дегуси ўз йилидан бир хабар.

Танг бўлур горинг унинг ғаврила,
Умринг ўлур ҳеч унинг даврила.

Охири гуфторинг ўлур чун сукут,
Ҳосили коринг бўлувчи унут.

Токи жаҳонга нафасе ургусен,
Беҳки дари ишқи касе ургусен.

Икки бу дам сенла чу афтодае
Хуш на эрур жуз чунон бодае.

Ҳеч қабое на ечур осмон,
Икки кулоҳ – тожига етмай зиён.

Қилмаки не олами кофарситеz,
Сенга ёзар килклари бордурки тез.

Ул не очурсан эшиги иззу ноз,
Сенга очурлар ўшал эшикни боз.

Кўзинг агар пардайи танноздадур,
Пардада ул ўйуни эъзоздадур.

Яхши-ёмонки улар бас кўрап,
Яхшини билки, ёмони пас кўрап.

Кимки юрап йўл, нишоне берар,
Кимки қилур бад, замоне берар.

Сурат агар яхши-ямон элтасен,
Озиғи охири замон элтасен.

Хор бўлур номи гули хорпўш,
Анбарий номли эрур анбарфурўш.

Қалб на бўл, то на бўлур вақти кор
Назди Худою ҳам ўзинг шармисор.

Бонгни бу жаври жигартобга ур,
Тошни бу шишайи хунобга ур.

Ражмини қил лўъбати шангарфини,
Насх қаламила лек ул ҳарфини.

Қўлни уриб қальяйи қўргонига,
Мин учар тулпори Хатлонига.

То фалаки минбари нўҳхиргаҳи,
Сенга ўқур хутбайи шоҳаншаҳи.

Байробини ташлагусен зер чанд,
Менинг ишим кўтариш они баланд.

Одами ман рафъи малак айларам,
Даъвийи ул сўйи фалак айларам.

Бўйим эмас, обрўйим афзунраке,
Доирадин давр ила берунраке.

Сув на бору баҳршукуҳлиғ этай,
Жуғз наю ганжпажӯҳлиғ этай.

Чун фалаки ганж уза пой дуур,
Ложарамим саҳт баланд жой дуур.

САРТАРОШ ВА ҲОРУН-АР-РАШИД ДОСТОНИ

Даври хилофат чу ба Ҳорун етиб,
Рояти Аббос ба гардун етиб.

Тун ярим ҳам хобага орт ўгуриб,
Роҳати гармоба томон юз буриб.

Бошдан оларди сочин сартарош,
Бошдан-оёқ эрди тамом ғамталош:

“Эй, бўлиб огоҳки сен устодманов,
Хос мени эт бул кун ўзингга куёв.

Хутбайи тазвижни ўқит, тўй тузат,
Менга хотинликка қизингни узат”.

Табъи халифа қадаре гарм ўлиб,
Бўлди хижолат уяту шарм ўлиб.

Деди: “Ҳарорат жигарин доғлаган,
Даҳшатима ваҳшате ё чоғлаган”.

Боиси бехудлиги беҳуда гап,
Йўқса на мендан этар эрди талаб.

Ўзга куни яхшироқ этди синов,
Қалб дирамида эди ўша олов.

Имтиҳон этган чоғи ҳам неча бор,
Қоидайи мард эди барқарор.

Шуғли чу беравнақийи нур олиб,
Қиссайи дастурила дастур олиб:

“Соч олувчи тифидан ғамталош,
Бошима бу келдию сеники бош.

Мансаби домодлигим армон этар,
Тарки адаб кўрки не фармон этар.

Оғзида тил ханжару илкида тиг,
Бошими қўш шамшира тутгум дариф.

Ҳар гоҳи келса бошима чун қазо,
Мену қизимга сўз отар носазо”.

Деди вазир: “Сенга на бергай зарар,
Ганж уза тургай оёғи магар?”

Келса яна бошинга ул содда мард,
Де: “Бу жойдан нарироқ тур бадард”.

Гар жанг этар, гардани гаррота ур,
Йўқса қадамгоҳида кавлат чуқур.

Мири мутеъ рағбат ила ҳам хижил,
Жойни бўлак айлади бас, ушбу хил.

Чун оёқ олдинги жойидан йироқ,
Сартарошин ўзгача кўрди бироқ.

Оғзи тикилган, на чиқарди сўзи,
Эди одобли тили бирла кўзи.

Ганжина узра пойи то турган он,
Ҳис этарди ўзини шоҳсимон.

Чун оёғи ганждан ўлгач халос,
Кулбайи ҳажжомлигини очди боз.

Зуд қадамгоҳини кавлашдилар,
Чиқди хазина гуҳару ганжу зар.

Ганж уза ҳар кимки оёғин қўяр,
Сўзлагани чоғи сочар дуру зар.

Ганжи Низомийки тилисмафкани,
Сийнайи софию дили равшани.

ЙИГИРМАНЧИ МАҚОЛАТ – ХАМЗАМОНЛАР ШАРМАНДАЛИГИДА

Бизки қўл силкишибон толдимиз,
Бир тўда тупроқ бошида қолдимиз.

Суҳбати бу хок сени хор қилур,
Хок чунин тарбия бисёр қилур.

Умр бари ўтдики паскасмизо,
Қофиладан қофила нокасмизо.

Икки малоики бўлиб бандимиз
Девки бадномийи пайвандимиз.

Солики сардмизу чу гулхангари,
Сард пайи гарм чу хокистари.

Нури дилу равшаний дил қани?
Роҳати осойиши у йил қани?

Субҳи шабоҳангига қиёмат етиб,
Субҳи равони оламин тарқ этиб.

Хандайи ғафлат чу даҳонда синиб,
Орзуйи умрки жонда синиб.

Бу кафи хоқданки афсунгаро,
Чорайи ул эт жонинг қутқаро.

Уч бу тузоқданки хунхорадур,
Зийрак ўлиш бунда фақат чорадур.

Бўри чу тулкига қавий тишлироқ,
Тулки ем ўлмас анга донишлироқ.

Жаҳд анга айла вафога илин,
Ўзга ишонмаю Худога сиғин.

Хокдиле бўлки вафо ундаридир,
Чун гули инсоғи гиёҳ ундаридир.

Ҳар ҳунаре дилга раво айлашар,
Ҳошия мансужи вафо айлашар.

Гар ҳунаре одати мардум бўлур,
Асрамасанг чун гуҳаре гум бўлур.

Қадрига етсанг бўлаксон бўлар,
Чашмайи ул сув ду чандон бўлар.

Тарбияли эл қилур тарбият,
Гар ҳунари бўлсаю яхши ният.

Ҳоки замин ғайри ҳунар пок надур,
Бул ҳунари бул куни на хокдадур.

Гарчи ародан йўқолур бир ҳунар,
Беҳунаре анга сўғун қўл урап.

Шуғли ҳунармандни бажон айлашар,
То ҳунарини базиён айлашар.

Ҳамли риёзатни тамошолашар,
Нисбати андешани савдолашар.

Номи карам сабрила озроқ зиён
Исми вафо қуллиги муфт-ройгон.

Деди сахони қадаре масхара,
Сўзни буриб пасту баландга қара.

Нақши вафони муз уза жойлашар,
Моҳ ила хуршедга лоф айлашар.

Гар нафасе марҳами роҳат эрур,
Бу эли қавмиға жароҳат эрур.

Шарбати ширин лабидан тотсалар,
Тарсаки ул юзга уришгай алар.

Бағриға чун пухтайи анжири фом,
Сирка сотувчилади чу ангурини хом.

Чашми ҳунарбин на кишига дуруст,
Жуз халалу айб на изловчи суст.

Ҳосили дарё на бари дур бўлур,
Бир ҳунари табъи кишидан тўлур.

Кўр кўзининг томчисидир Дажла шўр,
Пойи малаҳ жамғаражак илги мўр.

Айб қидиргич бу неча беҳаё,
Беҳунар афсус чекувчи, аё.

Гавҳари гилдан қорароқ гилдалар,
Ғуссайи дилдан ачиғ дилдалар.

Дуд бўлишгай димоғ келса дуч,
Бод бўлишгай чироғ келса дуч.

Ҳоли жаҳон кўр, зўри кимлардуур.
Номзади машҳури кимлардуур?

Бу неча бадноми қари маҳдини
Синдиришар барчаси чун аҳдини.

Мен басиғат чун маҳи гардундурам,
Синдираман ё наки афзундурам.

Ранж чекибменки ҳаддан фузун,
Кийдиришар кўкка бу руқъани чун?

Сўзни тозароғига руҳ боғидан,
Асҳоби Нуҳ мункир ўшал чоғидан.

Эй, алами Хизр, ғазое қило,
В-эй, нафаси Нуҳ дуое қило!

Дилки на бордир сари бедодлари,
Бўлса унут, қайталанар ёдлари.

Бадларига ул не бор андозае,
Жим туришим ўзи зўр овозае.

Хуққа пурвоз чу бир дур бўлур,
Гунг бўлур қорни қачон пур бўлур.

Кўза чиқаргай садо бўлса бўш,
Тўлгани чоғи бўладур лек хамўш.

Тўла эсанг дониш ила эт сукут,
Бўл вужудингла қулоқ, тилни тут!

БУЛБУЛ ВА БОЗ ДОСТОНИ

Боғ чаманида чу гул очилиб,
Бозга булбул деди пайров қилиб:

Барчайи қушлардан ўзинг жим турар,
Кўкда юлдузни банаравон ураг.

То сени лаббаста чиқориб нафас,
Бир сухани нағз на дединг бакас.

Манзилатинг салтанати Санжарий,
Луқманг эрур сийнайи кабки дарий.

Менки бир лаҳзасида ғайбдано,
Юз гүҳари нағз тўкаман жайбдано.

Луқма менга кирми шикорий нечун,
Менинг уям бар сари хоре нечун?

Боз анга деди: “Ҳама гўш бўл,
Кўр мени хомушу хомўш бўл.

Менки андак биламан иш сирин,
Юз қиласан фоип на этгум бирин.

Борки сен шефтайи бу рўзигор,
Не қиласан бир на, дегайсан ҳазор.

Мени борим маънию бу сайдигоҳ
Сийнай кабким берадур илги шоҳ.

Сену бари захми забонсан тамом
Куртегичу хорнишин вассалом”.

Хутба баноми Фаридун эрса гар,
Табл садосига қулоқ ким тутар?

Субҳ ҳурӯс бонги таратгай жарас,
Ханда фусус йўли ила ҳар нафас.

Чарх намойишгаҳи фарёд эмас,
Чанбаридан ҳеч бош озод эмас.

Айлама овозайи назми баланд,
Бўл на Низомий каби то шаҳрбанд!

КИТОБ ИНТИҲОСИ

Субҳакаллоҳ сабоҳ, эй дабир,
Чун қалам илқдан мададкор кабир.

Бу намати кўки фузунлиғ этар,
Килким ила буқаламунлиғ этар.

Эриди алмосларимни бари,
Бўлди шоҳаншоҳни гўзал ханжари.

Тошда эди темири шамширлигим,
Танг эди қўрайи темирлигим.

Бахт агар юз тутувчи эди,
Умр бу янглиғ на ўтувчи эди.

Кўнглима келгайки, гуноҳ айладим,
Неча бу авроқни сиёҳ айладим.

Ул неки бу ҳужлайи хиргоҳидур,
Жилвагари неча саҳаргоҳидур.

Бу қўзини е, не егил дудларин,
Оташ уриб ёқ намаксудларин.

Олға юр, оҳисталиге пеша қил,
Ақл юрит, фикр ила андеша қил.

Ҳар сўзи гар бўлса адабдан йироқ,
Қўл анга урки, удир яхшироқ.

Ул не илмдан чиқоргай алам,
Гар маним ул сўз, анга торт қалам.

Гар на анга сүзни битдим гүзал,
Шаҳраҳу шаҳрига жўнатдим жадал.

Бу тарафим этди сўзим пойбанд,
Жумлайи атрофим иликида чанд.

Деди замона, на заминсанки, юр,
Мисли замин неча ўтирмақки тур.

Бикри маъонимники ҳамтоси йўқ,
Устига мос келгучи сарпоси йўқ.

Нимбадану тиззи бошига қадар,
Тиззаси бошига шу боис чўкар.

Ҳулласи яшнатса қадини расо,
То абадий турса оёқда аё.

Боқса агар ҳар қуҳану тозае,
Ҳосили мен не бажуз овозае.

Гармийи ҳангомайу зор арзимас,
Заҳмати бозору ўчар арзимас.

Ганжа гиреҳ этди гиребониме,
Бегиреҳи ганжи Ироқ ониме.

Бонг таратдики жаҳон: “Эй, ғулом,
Қайси Низомий, қаю ул Ганжа ном?”

Шукрки бу номаси бўлди адо,
Топди умрдан бурун интиҳо.

Этди Низомий уни зийнатла ғарқ,
Гавҳарига кўмди оёқдан то фарқ.

Хуш не муборак уни дур сочгани,
Шоҳига бу гавҳари қутлуғ ани.

Мурғи қалам номаси парвоз этар,
Икки қанотини у қоғоз этар.

Бошин оёқ қилди лаби сочди дур,
“Махзани асрор”ни тугатди, шукр.

Эрди ҳақиқатки саноги азал,
Бисти чаҳорумда Рабеъи авал”.

Ҳижратидан то бўлиб ушбу замон,
“Беш юз етмиш икки афзун бар он”.

* * *

Шукри Худо улки мададкоримиз,
Таржимайи “Махзан-ул- асрор”имиз.

Топди ниҳоят пешиндан бурун
Рабъи авал чордаҳи шанба кун.

Бир мингу тўрт юзу ўттиз тўрти “ҳ”,
Икки мингу ўн учи мелодие

Йил эди, январ ойи тўрт кам ўтиз,
Форсчадан ўзбекчага ўтиридимиз.

“Хусраву Ширин” ила “Лайли Қайс”
Бор эди, Аллоҳ ишима берса файз.

Умр вафо қилса тугал “Ҳамса”ни
Таржима қилмак ниятим бор, яъни,

Огаҳиу шодравон Жонибек
Ўз йўлида, таржима султонидек

Лоф урарлар кўпу лек чўғи кам,
Олимни Гург – Бўри бўлу йирт шикам!

Сени ҳолинг аксари гар этди,вой,
Билмайин ўз борлиғини берди бой..

* * *

Йил эди тўқсон биру шўродавр,
Назми Низомийға етиб сал жавр,

Таржимайи “Хамса” ўлиб хомталош,
Асқаралий Шарапий бошу қош,

Нашр этишиликка тузиб чун пилан,
“Махзани асрор”ини Ҳайдар билан,

“Хусрави Ширин”и Қутбдин амал,
“Етти гўзал” Огаҳидан филмасал,

“Лайлию Мажнун”и берилди мана,
“Катта улуш” Тоҳира ботантана

Тақдим ўлибон чу “Шарафнома”си,
Форсида гар кунд эсада хомаси,

Жонийи Субҳона иккинчи қисм
“Номайи иқбол” эди барисм.

“Номайи Искандари”дан сосзаказ,
Ким эди ҳалваю кими сомсапаз!

“Хусрави Ширин”ни мен боҳавас
Таржима ўшандада этиб басма-бас.

“Лайлию Мажнун”га қалам ҳақ олиб,
“Хусрави Ширин” vale четда қолиб,

Орадан ўтганда ўн уч йилча то
Таржима чоп бўлди баамри Худо.

Ўтди ародин яна саккиз йили,
Мели Сувон хамсасевар хушдили

Дедики: “Қолғонигада қўл уринг”.
Ман дедимки: “Кимга керак, жим туриңг”.

Ўтди яна фурсате устозимиз
Сим қоқиб, шахси баихлосимиз

Домла Азизхон дедилар: “Кўп савоб
Ишни қилибсиз, охират бор жавоб.

“Махзани асрор”у “Шарафнома”ни
Табдил этинг, саҳт уриб хомани.

Оғаҳию Субҳон ака бирла жам
“Хамса”ни чоп айланг этиб яққалам.

Сиз ила биз айламасак ишни ҳал,
Келажак авлод қошида бас, дағал

Таъна-маломатга қолурмиз ёмон”.
Хастаю заъф эрдиму сал нотавон,

Домлага дедимки: “Қаридим, на куч
Қолди баданда, бу хаёлотла пуч...”

Тоат-ибодатла эдим машғуле,
Үтди ҳаёт, сўнди умиддан гуле.

Лек гаройиб чу ҳаёти бу дун,
Бандани кўнглига чу шайтон ўйун

Бошладию тоата бир оз путур
Етди, илҳом отини деди: “Сур”.

Бунгача устози Азиз икки-уч
Деган эди: “Борида қувват ва куч

Қилмасангиз сўнгра бўлур мушкулот”.
Таъсир этиб охири бу тарғибот,

“Махзан-ул-асрор”ига урдим қалам,
Таржимада сўнгра кўтардим алам.

Бирваракай бешала достонни ҳам
Таржима этдим хотир бўлди жам.

Шукри Худо айлагай Олимийон,
Бор ҳали йўлимда неча имтиҳон.

13 июль 2013 йил. Тошкент.

МУНДАРИЖА

Олимжон Бўриевнинг Низомий “Сирлар хазинаси” (“Махзани асрор”)	3
достони шеърий таржимаси ҳақида	3
Муножоти аввал. Аллоҳнинг ғазаби ва Ундан қўрқиш	10
Иккинчи муножот. Аллоҳнинг авфи ва инъомини сўраб	13
Расули акрам васфида	15
Меъроҷда	17
Биринчи салавот	23
Иккинчи салавот	25
Учинчи салавот	28
Тўртинчи салавот	30
Малик Фахруддин Баҳромшоҳ ибн Довуд мадҳида	34
Хитоби заминбўса дейилур	36
Бу нома мақом ва мартабасида	39
Сўз фазилати баёни	43
Мансурдан манзум сўзнинг афзаллиги	45
Тун тавсифида ва қалбни англаш	51
Хилвати аввал дил парваришида	58
Самарайи хилвати аввал	64
Иккинчи хилват тунги ишратда	67
Иккинчи хилват самараси	72
Мақолати аввал – Одам яратилишида	76
Достони подшоҳи ноумид ва уни Худо кечиргани	82
Иккинчи мақолат – адл ҳимоясида шоҳга насиҳат	84
Ўз вазирига Нўширавоннинг ҳикояти	88
Учинчи мақолат – олам ҳаводисида	92
Деҳқонга Сулаймон ҳикояти	96
Тўртинчи мақолат – раиятга ҳусну риояти шоҳ	98
Султон Санжарла кампир достони	100
Бешинчи мақолат – кексалик васфида	103
Фиштчи чол достони	107
Олтинчи мақолат – мавжудот эътиборида	109

Сайёд ити ва тулки достони	112
Еттинчи мақолат – одамийликнинг ҳайвонлиқдан афзаллиги	116
Фаредунла оҳу достони	120
Саккизинчи мақолат – яратилиш баёнида	122
Мевафурӯш ва тулки достони	127
Тўққизинчи мақолат – дунёвий жоҳу жалолни тарк этмоқ	128
Тавбабузар зоҳид достони	132
Ўнинчи мақолат – охируззамон кўринишида.....	134
Исо достони	138
Ўн биринчи мақолат – дунёнинг бевафолиги.....	140
Соҳибназар мўбад достони	143
Ўн иккинчи мақолат – хок манзили видосида.....	145
Ўчакишган икки ҳаким достони.....	148
Ўн учинчи мақолат – жаҳон маломатида.....	151
Ҳожи ва сўфий достони	154
Ўн тўртинчи мақолат – гафлат маломатида	158
Марди ростгўй ила золим подшоҳ достони.....	162
Ўн бешинчи мақолат – рапикчилар маломатида	164
Қари душманлар ила ёш маликзода достони	168
Ўн олтинчи мақолат – Чобукравлиқда	170
Мажруҳ гўдак достони	174
Ўн еттинчи мақолат – ибодату танҳоликда	175
Пир ва мурид достони	179
Ўн саккизинчи мақолат – мунофиқлар маломатида	181
Хос маҳрами ила Жамshed достони	183
Ўн тўққизинчи мақолат – охират истиқболида	188
Сартарош ва Ҳорун-ар-Рашид достони	192
Йигирманчи мақолат – ҳамзамонлар шармандалигида.....	195
Булбул ва боз достони.....	198
Китоб интиҳоси	200

Адабий-бадний нашр

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

“СИРЛАР ХАЗИНАСИ”
(“МАХЗАН-УЛ-АСРОР”)

Тошкент
CHASHMA PRINT
2013

Муҳаррир: Тасним Жаҳон
Мусаҳҳиҳ: Муҳаммад Шер
Саҳифаловчи: Б. Ҳайдаров

Босишига 28.10.2013 йилда рухсат этилди. Бичими $60 \times 84^{1/16}$.
Офсет босма. Шартли босма табоги 13,0. Нашр босма табоги 6,5.
Адади 200 нусха. Буюртма №27-09.

«CHASHMA PRINT» МЧЖ нашриёти,
100071, Тошкент, Камолон кўчаси, 13.

«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент, Фурқат кўчаси, 2-уй.